


# ЧАРХИЙ

## ДЕВОН



ГАЗАЛ  
МУСТАЗОД  
МУРАББАЪ  
МУХАММАС  
МУСАДДАС  
МАСНАВИИ  
ҲАЖВИЕТ  
РУБОНИИ  
ТУЮҚ

ҒАФУР ҒУЛОМ  
НОМИДАГИ  
АДАБИЕТ  
ВА САҲЪАТ  
НАШРИЕТИ  
Тошкент — 1972

Ўз  
Ч—24

Чархий  
Девон. Т., Бадий адабиёт, санъат нашр.  
216 б. 1972.  
Чархий. Девон.

Ўз2

№ 676—70  
Навий номли ЎзССР Давлат  
квтубхонаси.

7—4—3

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Мен Асқарали Чархий 1900 йил баҳорида Қўқон шаҳрининг Сарбаҳодир маҳалласида тўқувчи касиб Ҳамроали Тўлтаохун ўғли оиласида туғилдим. Дадам Ҳамроали менинг шоир бўлишимни ёшлигимданоқ орзу қилар эди. Чунки отам ва онам Муслимабуви ўз замонасининг ўқимишли кишиларидан бўлган. Шунинг учун ҳам отам мени ёшлигимдан ибтидоий янги усул мактабига ўқишга берди.

Шоиралик қобилияти бўлган онам Муслимабувини кўпчилик Муслимби отин деб ҳам атар эди. Онам саккиз ёшимдан шеър ёдлаш ва ёзишни таълим бера бошлади. Отам эса бўш вақтларида ҳуснихатни ҳам ўргата бошлади. Онамдан шоирликни, отамдан эса ҳуснихатни ўргандим. Мен 16 ёшимдан бошлаб Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Бедил ғазаллари билан таниша бошладим. Уша вақтдаги кекса шоирлардан Сулаймонқул Розий, Мирзоя Хўқандий ва Мўминжон Мақсадларга яқинлашиб, улардан шеърят қондаларини ўргандим. Шоир Мақсад ва Мирзоя Хўқандий ҳажвий шеърлар ёзишда анчагина моҳир соҳиби қалам эдилар. Уларнинг ҳажвийёлари мени анчагина ўзига тортган эди.

Ота касбим тўқувчи бўлганлиги туфайли мен ўзимга Чархий тахаллусини лозим топган эдим. Улуғ Октябрь революциясидан сўнг мен ана шу Чархий тахаллуси билан шеърлар ёза бошладим. Ижодда

Фузулий, Фурқат, Муқимийларга эргашдим. Завқий билан танишишга муяссар бўлдим. Мен туғилган вақтда Фурқат ва Муқимий ҳали ҳаёт эди. Муқимий вафот этганида мен 4 ёшда эдим. Мен шоир деган номни жуда улуғ санар эдим. Шунинг учун ҳам матбуотга узоқ вақтгача шеърларимни берган эмасман. Лекин инқилоб бошланган пайтларданоқ, шу янгиликларни алқаб, ашулалар ёза бошладим. Менинг ёзган газалларимни ҳофизлар басталаб айтишар эдилар. Шу туфайли ўз-ўзидан халқ орасига тез тарқалиб кетар эди. Шеърини машқларимни ота касбим билан биргаликда камолотга етказишга ҳаракат қилдим.

1938 йилдан бошлаб, Қўқонда чиқадиган «Янги Фарғона» газетасида шеърларим чиқа бошлади. 1939 йилдан эса «Муштум»да актив қатнашиб келаман. Асарларим область, республика газета ва журналларида чиқиб турибди.

Ҳар бир қаламгашда бўлганидек, ижодимнинг бошланғич давларида шеърларимда айрим камчиликлар бўлган. Лекин қаламимни чархлай бориб, давр услубига имкони борича мослаб пухталаштира бошладим. Меч халқ ичидан чиққаним, халқнинг орзу-истакларини билганим учун, қолаверса, косиб бўлганим учун ҳам халққа яқин асарлар ёзишга донм ҳаракат қилиб келдим.

Классик адабиётимизга ҳурмат кўзи билан қараганимдан аруз вазнининг ўйноқи, киши қалбига тез етиб борувчи турларидан ижодий фойдаландим ва уни янада ривожлантиришга интилдим. Айниқса, ёшлиқдан ноҳақликка муросасиз бўлганим вазидан ўзимда ҳажвияга кўпроқ майл сезаман.

Мен кўп йиллардан бери Қўқондаги Муқимий музейида илмий ходим бўлиб ишлаб келаман. Муқимийнинг адабий меросини тиклашда, уни авайлаб сақлашда, эълои қилинмаган бир қанча газалларини халққа тақдим қилишда қўлимдан келганча хизмат қилдим ва ҳозир ҳам ана шу ишни давом эттирмоқдаман.

1956 йилдан бери Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг аъзосиман.

ЧАРХИЯ

28 май, 1965 йил.

## ДЕБОЧА

### 1

*Шукр отаман, шукр ширин ҳол учун,  
Ушбу улуг даврада иқбол учун.*

*Ҳур бу замон васфида ойу йиллим,  
Мадҳин адо этгали ожив тилим.*

*Чунки мен ўтмишни кичик шоҳиди,  
Балки варақларда риқам шоҳиди.*

*Эрди у кун бир алами игнадан,  
Утган, азоб игнаси ҳар сийнадан.*

*Қай кунни нур сочди ёруғ офтоб,  
Тутди вафо байрогини инқилоб.*

*Дилли-ю элга улашиб тенг ҳуқуқ,  
Меҳнату фикрга бериб кенг ҳуқуқ.*

*Бўлди муяссар бу фаровон ҳаёт,  
Бахт самосинда ёзиб кенг қанот.*

Мен ҳам олиб эрк нуридан, онг, шуур,  
Етди ҳаётимга ҳаловат, ҳувур.

Бўлмади Фурқатга бу даврон насиб,  
Кетди надоматга Муҳимий ғариб.

Завқий замон коҳишидан доғ бўлиб,  
Роҳатидан кулфати кўпроғ бўлиб,

Келди етиб яхши бу кунларга, лек —  
Кўймади жаллод ёвузлар тирик.

Она сугин тоғдим, отам тузларин,  
Амрига бўйсундим, олиб сўзларин.

Вояга етдим, ўқидим мен, савод —  
Бўлди ғазал машқию, гоҳ касб ёд.

Тушди ҳавас гулгуласи қалб аро,  
Гулгула эрмасди у чин муддао.

Гоҳи фикр чўққисига етгудек,  
Гоҳи бўлур жон узилиб кетгудек.

Гоҳида тутқузмаса мисра учин,  
Кўрсатади шунда табиат кучин.

Баъзи дамнинг файзи қишинг ёз қилур,  
Баъзида илҳом париси ноз қилур.

Ким ўзича топди камолот денг,  
Минди-ю майдонда чопар от денг.

Билгучи устоз керак, жон керак,  
Жон билими, унга шу дармон керак.

Кимнинг эса шуғли ширин бир китоб,  
Унда сухан гавҳаридир беҳисоб.

Кимнинг агар бўлса бисоти ғариб,  
Пахта солур ҳар кунни бир ағдариб.

Меҳр қўяр касбига кимки бу дам,  
Зойи қўярми ҳунар ихлоси ҳам.

Касбу кимолати-ла ким бор экан,  
Бялт унга ҳамдам, абадий ёр экан.

Қанчаки ёзсанг бу кўнгил ёвилур,  
Худди қиш айёми кетиб ёз бўлур.

Қанча ниҳол боғига боғбон экар,  
Меҳнат этиб мевасига кўз тикар.

Жондек авайлаб, пишириб, соз этиб,  
Ҳосилидан элни сарафроз этиб,

Асраб илингай кетириб хонига,  
Таъми ширин мевани меҳмонига.

Ишласа ғайрат ила деҳқон агар,  
Донаси дурдона бўлур белатар.

Аҳли қаламларни миришкори ҳам,  
Меҳнати-ла сафҳига чеккай рақам.

Гул терибон часр гулистонидан,  
Назм қилурлар тўла имконидан.

Дил тубидан маъни муқаррар сочар,  
Насрида ҳам назмида гавҳар сочар.

Ҳар қаю ижодчи ҳунарда бўлак,  
У бири атлас тўқизай, бу алак,

Бўв тўқиса, бирлари кимхоб тўқур,  
Бири жуволдўв-ла қўлқоп тўқур.

Ҳар киши ҳам сепда бисотин ёзур,  
Билса ғазал, билмаса отин ёзур.

Баъзиларин сўви-ла сови ширин,  
Баъзиларин совини ози ширин.

Баъзилари уста бувармон бўлур,  
Баъзи бувармонни тувармон бўлур.

Косиб агар бурмаса қиргогининг,  
Қадрига етгай ўриш-арқогининг.

Мен демадим барчадан афзал ишим,  
Бўлмади, афсус, мукамал ишим.

Бўлса-да юздан бири мақбули ош,  
Бахтли санардим мен ўзимни мудом

Топган ўзин аҳлига гул келтирур,  
Йўқса хижолагли кўнчил келтирур.

Хулласи: ким билганича соҳ этар,  
Ҳар қуш ўзин кифти-ла парвоз этар.

Бўлди ярим аср умр йўлдошим,  
Дўстлик, аҳиллик ила етмиш ёшим.





## ҒАЗАЛЛАР

### ЛЕНИН ОТА

Меҳнат аҳли соябони, меҳрибон Ленин ота,  
Сен туфайли етди бизга ҳур замон. Ленин ота.

Меҳринг оламга ёруғ нур, нутқинг илҳом чашмаси,  
Чиқса ғовлар кўкси қалқон, қаҳрамон Ленин ота.

Ҳар баланд тоғдан баланд эрди проданг чўққиси,  
Ҳар бир инсон қалбида номинг аён, Ленин ота.

Кўнглин олдинг эрк бериб, элни силаб пешонасин,  
Тул, етим бечораларга — отахон, Ленин ота.

Адлу инсофингла — барбод бўлди зулмат олами,  
Биз учун бердинг саодатдан нишон, Ленин ота.

Камтарин, олий фазилат, оташин қалби қуёш,  
Шул қуёшдан нур эмиб, юртим омон, Ленин ота.

Олди қўллардан кишанин, этди қуллиқдан халос,  
Етди мазлумлар танига янги жон, Ленин ота.

Чарх урарман нурга тўлган гулшаним атрофидан,  
Чунки бахтли давримиз доруломон, Ленин ота.

1926,

## ИСФАРА

Офарин, иқлими жонпарвар, гулистон Исфара,  
Хушдаво, кўркам бинолардан намоёни, Исфара.

Мавж уриб, шўх-шўх оқар тўлқинланиб дарёларинг,  
Шодланиб, завқин сурар, келганда меҳмон, Исфара.

Гарчи ёш боғинг ниҳоли парвариш топгай яна,  
Мева бергай халқига бу боғу бўстон, Исфара.

Илму фан, мактаб — маориф барқ урар кун-кун сайин,  
Баҳра олмақдан бу кун, халқи билимдон, Исфара.

Тўлдириб мазмунга гулбоғингни Ленин ҳайкали,  
Тунларни Ильич чароғи машъалистон, Исфара.

Ерларинг атрофидан оққан мусаффо сувларинг,  
Пахтазорингга бағишлар қуввату жон, Исфара.

Ҳосилинг мўл, халқи маъқул, «кишти кор»инг зўр сенинг,  
Усти мева кони, ости пахта майдон, Исфара.

Сайр этиб Чархий, газал ёздим, сени таъриф этиб,  
Қутлуғ бўлсин шону-шухрат, Тожикистон — Исфара.

1953.

## КУНГЛИМ ЯҚИН

Кўнгли яқин нигорим, аммо ўзим узоқда,  
Келмас кўзимга уйқу ҳар кеча иштиёқда.

Ағёра бўлма мойил, бўлган сўзимга қойил,  
Аҳднинг қилма зойил, ташлаб мени йироқда.

Жон эрди реша-реша, қилдинг карамни пеша,  
Икки кўзим ҳамиша парвонадек чироқда.

Кўрсат юзингни барно, хуснинг қилай тамошо,  
Қош ўсма қўйса, аммо соч дардидур тороқда.

Еримнинг ишвасидан, нозу карашмасидан,  
Келмоққа ваъдасидан оғзим бу кун қулоқда.

Чархий мисоли булбул, шайдоси бир қизил гул,  
Минг марта арзимасму айланса ушбу богда.

1951. ;

## ГУЛ ДАСТА-ДАСТА

Қаддинг, әй нозанин, гулдаста — даста  
Жамолинг кўргали олам ҳавасда.

Бинафша кокилинг бўйига шайдо,  
Санубар қадду шамшодинга баста.

Ярашган қомати зеболаринга  
Таралган қора сочинг раста-раста.

Жавоҳирму тишиг ё дурри гавҳар,  
Таманной лабинг Руму Адаста.

Мени кўнглум сени ёдинг-ла хурсанд,  
Рақиб аҳли итобингдин шикаста.

Чаман булбуллари ёдингда сайраб,  
Сени деб қолмагай қумри қафасда.

Муҳаббат оташи ҳар кимда бўлмас.  
Бўлур Мажнун каби Лайлипарастда,

Қачонким Чархий васлингдан ичиб май,  
Эрурман то бу дам масту аласта.

1927.

## ИШҚ ДАРГОҲИДА МАҚБУЛ

Бир нафаслик тинч ҳаётим энг улуг фурсат менга,  
Ҳар минут завқи — қувончим, бахт ҳар соат менга.  
Ёр сочидек узун тунларда хобим ким десун,  
Васл оқшомида кўз юммак эмас роҳат менга.  
Ёридан қувланди бўлганлар, менга келманг яқин,  
Ишқ даргоҳида мақбул — дард эли улфат менга.  
Фитнадан, отуда ишрат боғидан йўқ ҳосилим,  
Боғу роғимдир — тикансиз гул — ширин суҳбат менга,  
Жисми жон торожига етганда нафснинг лашкари,  
Қудратим қалқони тўсса, етмагай заҳмат менга.  
Ҳар нечук нокасга ҳаргив гарданим ҳам бўлмагай,  
Чунки бу таълимни ўргатган ҳалол меҳнат менга.  
Филдимоғ айши-ла хурсандлардин олмасман сабоқ,  
Тинчимас меҳнатда ботир — мўр ҳам ибрат менга,  
Эл назаргоҳидан айрилмоқ эрур кўп хорлик,  
Яхшиларнинг даврасида бўлмоғим — давлат менга.  
Чарх гардундан баланддир ҳимматим меърожи ҳам,  
Қаҳрамон ҳақимни шону шуҳрати шуҳрат менга.

## ЭИ ЮЗИ НУР

Эй юзи нур силсилан офтоб,  
Эй кўзи хуммор, лаби шаҳодноб.

Қайси чаман гуллари сендек ҳарир?  
Қайси пари сен каби олижаноб?

Неча санамларки юзинг шавқида  
Кўрмоқ учун бағри бўлибдир кабоб.

Сўзга кетир лабни табассум билан,  
Тортмасин ортиқча дилим изтироб.

Танга етургай янги жон боқишинг,  
Ташлама меҳрингга жафодан ҳижоб.

Не десам андин яна сен яхшироқ,  
Сенсан умидим ёритур моҳитоб.

Қаҳр ила скиндирма кўнгил кўзгусин,  
Уз уйини ҳеч киши қилмас хароб.

Ҳарна дединг арз ила, ул нозанин,  
Чархий, саволингга берурми жавоб,

1969.

## ЕШЛИК

Эсияки, ёшлик ўтуб, сочларимга тушди қиров,  
Йигитлик авжи кетиб кексаликда қолди синов.

Йироқ-йироқга боқиб қўзларим тўюб-тўймай,  
Узоқ-узоқ сафарим отига урилди жилов.

Қиморхона ишқ ичра неча йил юрдум,  
Кўнгни олур кишига жону дилни тикдим дов.

Гаюр ирода тифли йўлимда ҳар агёр,  
Қуюб ўзин ўтида маҳв бўлди бир неча ёв.

Гаҳи дилимда муҳаббат алангаси тутошиб,  
Не сўз демайки, фиғоним тўсолади ҳеч гов.

Биров боқиб менга холис силарди пешонам,  
Бировга чин сўзим айтсам, тилимга солди ғаров.

Улуғлар олдида одоб билан эдим хомуш.  
Биров деди бу на одам, биров деди бу соқов.

Мадад тилаб неча устозларимни хизматида,  
Сақол шупурги ва икки қўлум бўлурди косов,



**Ҳаёт нашъасининг лавзати шу деб билдим,  
Ямон соғинмаса, жабр этмаса бировга биров.**

**Бу бир фасона, деманг, сўзларимни, фарзандлар  
Ғурури нафис ила солманг ширин умрга эгов.**

**Ҳаммаша хуш, бу дамнингдур ғанимат, эй Чархий,  
Масалки, кексалик иллат, йиғитлик умри олов.**

## ДАВРОНИМИЗ ОБОД

Янги йилимиз шавқи билан ҳамма кўнгил шод, бўстониимиз обод,  
Ҳар сафҳада хуш мазмун вла янгича ижод, дostonимиз обод.  
Нур сочди илм-маърифат, эл барча билимдон, моҳир қизу ўғлон,  
Дилдори ширин, ёри ширин бизнинг ҳур авлод, виждониимиз обод.  
Бизнинг бу ватан халқи аҳил, бир тану бир жон, бир онла ҳар он,  
Турмуш жуда ҳам созу фаровон, ҳамма озод, ҳар ониимиз обод.  
Меҳнатда, садоқатда ватанпарвар элим бор, дилда не ғамим бор,  
Чўл саҳни чаман, дашт эса боғ, конимиз обод, майдониимиз обод.  
Узгарди яқин фурсатаро кўча, гузарлар, қишлоғу шаҳарлар,  
Гулвори гўзал, боғи гўзал янгича бунёд, деҳқониимиз обод.  
Ер куррасидан айланиб оламин кезар нур фан мўъжизамиздир,  
Душман куядир, дўстларимиз шод, ғами барбод осмониимиз обод.  
Республикаимиз то абадий маррага етсин, совғаси оқ олтин,  
Бу тухфа — Ватан тухфаси, ўлманг бари шервон, хирмониимиз обод.  
Ҳар миллат ўзин эрки-ла ўз тўйида куйлар, тўй устига тўйлар.  
Меҳмонисиз уй тўрида, мезбон эса дилшод, хонамиз обод.  
Дўстлар, кўтарниг дўстлигимиз аҳди учун жом, етди улуғ айём,  
Янги тилагу, орзу-ҳавасларни қилиб ёд, даврониимиз обод.

## ШАРМУ

Яхшиларнинг хоки пойидур кўзумга тўтиё,  
Боқсалар шояд менга ҳам марҳаматдин бир қиё.

Хушсухан ҳозик даволар сўз билан беморини,  
Дору бўлгандек синиқ ҳар устухонга мўмиё.

Сўзи жонпарвар, адолатпеша дўстлар ўлмасин,  
Беғараз, беноз, беминнат вужуди кимнё.

Баҳраманд бўлмоқлягимни бонси ҳам шундаким,  
Чун улар симойи руҳафзо, чароғи пурзиё.

Халқга манзур, фикри мақбул муҳтарам инсон дегон  
Бўлмагай кўнглида иллат, қору борнда риё.

Кўнмагай ҳосиялга ер, дилдан губорин ювмасанг,  
Унмагай ҳеч шўр туфроғ устида ҳидлаб гиёҳ.

Эй кўнгил, олий фазилат аҳлидин файз истадинг,  
Бўлма энди суратороларга ҳаргиз маҳлиё.

Чархиё, ўзлукни маҳкам тут вафо майдонида,  
Энг улуғлиқ одамият шаънида шарму ҳаё.

## МУҲТОЖ

Кўнгал бир илтифоти ёра муҳтож,  
Ошиб шавқини ўти дилдора муҳтож.

Баҳор айёми булбул завқ бирлан  
Кўрай деб бир гули гулзора муҳтож.

Қачон ул ғунча айлар деб табассум,  
Тили лолу дили садпора муҳтож.

Кўнгал кўзгусида васлни умиди,  
Яна мен ул кўзи хуммора муҳтож.

Кўзи бемори муштоқи мен, ул ҳам  
Мени бемора бўлса зора муҳтож.

Узим сабр айласам, бу бесабр кўз,  
Кўзин кўрган сари тобора муҳтож.

Ёмон кўздан ҳамиша сақлагай деб,  
Хаёли бирла мен овора муҳтож.

На ҳикмат ишқ даргоҳида, Чархий,  
Ҳамиша ошиқи бечора муҳтож.

1921.

## МЕҲНАТ — БАХТ

Бизда меҳнат бахт ҳам инсон азиз,  
Чунки инсон қалбида виждон азиз.

Яхши деҳқон зое этмас ҳосилни,  
Нобуд этмай йиғса у деҳқон азиз.

Ерга сочган ризқ эрур бир дона дон,  
Шул сабабдан, дейдилар, бир дон азиз.

Парваришлар боғини ҳар боғбон,  
Бир кўчат ундирса шу имкон азиз.

Сақласа кўз гавҳаридек меҳр ила  
Боғининг тупроғини, боғбон азиз.

Нозу неъматларни исроф этмаган  
Хонадон аҳлида бўлгай нон азиз.

Турмаса ўз ҳаддида ҳар бир киши,  
Бўлмагай мезбон учун меҳмон азиз.

Чархий, боғининг тикандан сақлагил,  
Хорсиз гулшан азиз, даврон азиз.

1950.

## **ЁДЛАР ЗАМОН, МУҚИМИЙ**

**Озод Ватанда номнинг ёдлар замон, Муқимий,  
Тилга олиб каломнинг ёдлар замон, Муқимий.**

**Ул давр ишчи-деҳқон, меҳнатда зору-нолон,  
Деб куйладинг эдиб жон, ёдлар замон, Муқимий.**

**Зулм ақлини қилиб танг, танқидинг эрди найзаанг,  
Бу оташин сатиранг ёдлар замон Муқимий.**

**Халқнингга ҳикматингни, ҳажвингда журъатингни,  
Ҳурмат билан хатингни ёдлар замон, Муқимий.**

**Бахтли замон йўл очиб, келди нурини сочиб,  
Дил дарди кетди қочиб, ёдлар замон, Муқимий.**

**Истаб бутун ҳақиқат, чекдинг азоб ва меҳнат  
Энди етиб бу фурсат ёдлар замон Муқимий.**

**Босган изинг губори, сурма кўзимга бори,  
Халқ шоири қатори ёдлар замон, Муқимий.**

**Тун-кун вафар нишона, бизнинг замон-замона,  
Шеъринг қилиб тарона, ёдлар замон, Муқимий.**

**Озод элиг музаффар, орзуларинг муяссар,  
Йиллар яна муқаррар ёдлар замон, Муқимий.**

**Фурқат кетиб кўйингда, Завқий ўтиб ўйингда,  
Чархий бугун тўйингда, ёдлар замон, Муқимий.**

*1953 йил, сентябрь.*

## ЖОНАЖОН ЗАМОН ИЛА

Сиз навқирон кўнгилни гул очган баҳорисиз,  
Ҳар бир ширин баён ила Қуддус Муҳаммадий.  
Сиз ҳамнафас ҳамиша баҳорни хазони йўқ,  
Бу боғу бўстон ила Қуддус Муҳаммадий.  
Илму одобнинг соҳибисиз, топдингиз камол,  
Сиз жонажон замон ила Қуддус Муҳаммадий.  
Қайнар юрак булоғида шеър у ҳикоянгиз,  
Ҳақдин ширин забон ила Қуддус Муҳаммадий.  
Файзу фазилат ила ясанган вужудингиз,  
Тошган кўп имтиҳон ила Қуддус Муҳаммадий.  
Ошди неча довлони, яна баҳе этар кучи.  
Наъми баланд давон ила Қуддус Муҳаммадий.  
Ойнадин тиниқ бари шеърини фодангиз,  
Қолмас кўнгил гумон ила Қуддус Муҳаммадий.  
Қайси кўнгилни олса сўзингиз нишонага,  
Айлар қабул у жон ила Қуддус Муҳаммадий.  
Ижодингизнинг равнақи топсин яна ривож,  
Кўп яшнасин жаҳон ила Қуддус Муҳаммадий!

Олтиш баҳорга тенг, яна олтиш баҳор қўшиб  
Умр ўтқазинг хаёни ила Қуддус Муҳаммадий.  
Бир камтарину таъби баланд, ваъзи хокисор,  
Йўқдур иши фасон ила Қуддус Муҳаммадий.



Кенг даврэмизни булбули, манзурисиз ҳар он,  
Кўп қиссан дoston ила Қуддус Муҳаммадий  
Чархий тилар умид ила йиллар яна яшанг,  
Соғу сиздат, омон ила Қуддус Муҳаммадий!

## УРГИЛАЙ

Мушку анбар ҳидди сочи сунбулингдан ўргилай,  
Ҳусни гулзориягда сайрар булбулингдан ўргилай.

Лола ранг эгинида қўйлак, қирмизи бошда рўмол,  
Таққан олтин соатинг дўндиқ қўлингдан ўргилай.

Тим қора сочингни белга ташлабон келсанг нетар, -  
Ҳалқа-ҳалқа икки ҳайдар кокилингдан ўргилай.

Мунча ҳам ширин забонинг, маҳлиқолар сарвари,  
Танга янги жон это қилган тилингдан ўргилай.

Сен қадам қўйдинг ўшал кун бўлди саҳролар чаман,  
Ранг-баранг боғингда очилган гулингдан ўргилай.

)  
Дўстлар кўрганда дерлар ёр манзилгоҳини,  
Чархиё, бу гулшанафзо манзилингдан ўргилай.

1926.

## **ЯХШИ**

**Гар келса мақом, сўзласа сўз хонаси яхши,  
Ҳар хонанинг ўз кўзлари мастонаси яхши  
Бегона кўнгил шамъининг атрофида юрма,  
Бу ҳур ватаним шамъини парвонаси яхши.  
Дил берма, умид этма сира нася вафога,  
Сўз нақди хазинангдаги дурдонаси яхши.  
Мен маст ҳаёт нашъасидан соқийи даврон,  
Давримнинг азиз улфату майхонаси яхши.  
Юрт тинч, элим шод, фаровон бу ҳаётнинг,  
Ҳар манзилнинг янгича кошонаси яхши.  
Ким ўсди, буюк тарбиядан топди шараф-шон,  
Кимнинг боласи яхши, ота-онаси яхши.  
Яхши ҳама жой, халқи хусусан шинаванда,  
Чархийга Қўқон, маркази Фарғонаси яхши.**

## БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

Баҳор келди мавсумларнинг таннози,  
Меҳнат шавқи билан хурсандлик ёзи.

Ез тонгини кўринг субҳи содиқдек,  
Тун зулмати кетиб, орди баёзи.

Даричадан қуёш нурин сочганда  
Сўнар экан аста қишнинг аёзи.

Қушлар қанотини ростлаб учмоқда,  
Уясида тугаб берган пардози.

Водийларда ҳаёт қайнар булоқдек,  
Фазоларда космонавтлар парвози.

Бу чаманнинг файзи, сўлим ҳавоси,  
Дўстлар ёри чин дилни дилнавози.

Парваришдан гуллар гулчи қўлида,  
Турфа рангда жилва берар мижози.

Аввал сафда бинафша гул олур жой,  
Сўнгра чиқар сарву сумбуллар сози.

Бир қаторда райҳон этса намойиш,  
Жамбул давоман деб ярашур нози.

Тоғдан юксак Ватанимга халқимнинг  
Меҳру муҳаббату ҳурмат эъвози.

Бу мавсумни Чархий қадрин ўтказмай,  
Гаштин сураб меҳнат аҳлини шаввози.

1969.

## **КЕЛДИ БАҲОР БАЙРАМИ**

**Боғу чаман яшнатиб келди баҳор байрами,  
Меҳнат элини шод этиб келди баҳор байрами.**

**Юрту саноат учун, кўрсатиб элини кучини,  
Шову шараф-ла бугун келди баҳор байрами.  
Пахтага кон водийлар, бағрида колхозчилар,  
Фабрикада ишчилар, келди баҳор байрами.  
Қучганимиз ҳар сафар янги ютуқдай зафар,  
Ҳосил учун беҳатар, келди баҳор байрами.  
Равшан Ильич нуридан, то дашту чўллар билан,  
Бунга тузиб кенг план, келди баҳор байрами,  
Тинчлик учун пахтакор, санъат эли бастакор,  
Аҳд ила имзоси бор, келди баҳор байрами.  
Бирлигимиз-жонимиз, танда томир қонимиз,  
Шавкатимиз-шонимиз, келди баҳор байрами.  
Бизда фаровон ҳаёт, тоза юрак, донгли от,  
Ишда ёзиб кенг қанот, келди баҳор байрами.  
Партиямиз-онгимиз, кўкдан ошар донгимиз,  
Нурга тўлиб тонгимиз, келди баҳор байрами.**

*1956.*

## МУҲАББАТНОМА

Йўқдир армони кишининг бўлса сендек дилбари,  
Меҳрибонъ ҳам вафодори, мурувватпарвари.

Фаслида боғу чамани сайр этсанг, дилбарим,  
Сочилур, қўйсанг қадам, гулшанда мушку анбари.

Тунлари хобимда, кундузлар кўзимда жилвагар  
Доимо меҳринг сенинг кетмас хаёлимдан нари.

Кайфи хушмен, истамаймен бодаю майхонани,  
Бода кайфидан буюкроқдир сўзингнинг шаккари.

Ишқ водийсиня дил сен раҳнамосиз кезмагай,  
Йўлдан озгай ҳар киши йўқ бўлса ишқнинг раҳбари.

1926.

## ҚИЕЛАБ УТДИ

Тонг чоғи сарви нозим аста қиёлаб ўтди,  
Тушгач кўзи кўзимга таъвим бажолаб ўтди.

Таъвимига эғиб бош ҳурмат ишора қилсам,  
Мастона кўз учида шарму ҳаёлаб ўтди.

Сунбулни бўйи тарқаб олам муаттар ўлди,  
Сочи магар чамандин гулни аролаб ўтди.

Кўз эрди интивори кўрмакка зор кўнгил,  
Кўрсатди ой жамолни қалбим жилолаб ўтди.

Дуч келса шум рақиблар, ағёр бенасиблар  
Қаҳру итоби бирлаб бағрин яролаб ўтди.

Бир зумда кўздан учди, гўё фалакни қучди,  
Е гул уни яшпрди, ёким ҳаволаб ўтди.

Ишқ оламида, Чархий, сабрингга офарин деб,  
Новик табассуми-ла ишқим баҳолаб ўтди.

1964.



## ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил муборак деб, давр шодмон келди,  
Дўст учув бўлиб яхши, ёв учун ёмон келди.

Кўкдан ой сочиб нурни, ёзди катта дастурхон,  
Мўл унум ваъда қилиб еру осмон келди.

Пахтакор днёримсан, шонли Ўзбекистоним,  
Янги йил билан бирга шуҳрат ила шон келди.

Санъату саноатлар, фабригу заводлардан  
Тухфа ҳосилини ортиб қанча қарвон келди.

Илму фан ошиб ҳар йил, авжида тараққиёт,  
Юртга янгидан қувват, янгича аҳсон келди.

Янги йилда хонамга, янги йилни кутмоққа  
Қўл тутиб кўп қадрдон, ёру меҳрибон келди.

Шу кеча, қаранг бахтни, хизматин адо айлаб,  
Ўғлимиз бўлиб меҳмон, юртга посбон келди.

Кеча ўтказиб тўйлар, тўй қилур яна халқим,  
Тўйга қўшилиб тўйлар, кўксига нишон келди.

Партия улуғ йўлда бизга меҳрибон, раҳбар,  
Янги йилга Чархийнинг шеъри армуғон келди.

**1952**

## ШАЙДОСИ МЕН

Шайдоси мен оразя чамани,  
Сен гунча мисол гулбаданни.

Ширин лабинг олдида нетарман,  
Май шарбати, базми анжуманни

Инсон кўзи кўрмади сенингдек,  
Бир кони ҳаё, ширин сухани.

Саҳройи хижолат ичра қўйди,  
Сочинг бўйи нофои хўжанни.

Запжири муҳаббатнигдадирман,  
Нозинг била кесма бу расанни.

Сенсиз, гўзалим, ёруғ жаҳонда  
Найлай бу азиз жону танни.

Даъвойи назокат айламас гул,  
Кўргач сени — гунчапироҳанни.

Лутфинг билан энди сарфароз эт,  
Чархий каби шоири Ватанни.

## ҒАЗАБ НАЙЗАСИ

Йўқ аҳдингда Гитлер саботинг сени,  
На виждону — ору уётинг сени.  
Ҳаёт оламин сен разил душмани,  
Келур шошма тездан гаротинг сени.  
Ғазаб найзамизга келибсан дучор,  
Паноҳ бермас ҳеч бир жиҳотинг сени.  
Енгилмас баҳодир улуг армиям,  
Ҳал этгай ҳаёту мамотинг сени.  
Чекинмоқдасен минг фиғон айлагин,  
Улимдан бўлак йўқ нажотинг сени.  
Вужудингни кўкка совурмоқдамиз,  
Яқин кунда биткай ҳаётинг сени.  
Жаҳон халқи бирликда, маҳкам туриб,  
Учирмоқда тарихдан отинг сени.  
Бутун ер юзидан сени маҳв этиб,  
Қириб ташланур тухуми вотинг сени.  
Қалам найзасин, Чархий, душманга санч,  
Тилар ҳур Ватан эҳтиётинг сени.

*18 июль, 1941 йил.*

## **ФАРҒОНА ҚУШИҒИ**

**Республикам мадори, фарғоналик оғайни,  
Донгдори пахтакори, фарғоналик оғайни.**

**Ишлаб ҳалол кўнгалдан, гавҳар унибди чўлдан,  
Суръатни берма қўлдан, фарғоналик оғайни.**

**Раҳматга ёр сизлар, чевар теримчи қизлар,  
Жон бирла тенг бу кезлар, фарғоналик оғайни.**

**Майдонда нузли сийна, пахта терар машина,  
Кўзларга гарди сурма, фарғоналик оғайни.**

**Техникамизни бори, халқимни дастийри,  
Колхозчилар мадори, фарғоналик оғайни.**

**Бу йилги пахта ҳосил, шаксиз план тўлар йил,  
Айла ишингни қойил, фарғоналик оғайни.**

**Имкон тамоми мавжуд, ҳосилни жон билан тут,  
Қилма граммни нобуд, фарғоналик оғайни.**

**Пахта вужуди кимё, барқ урди дашту — саҳро,  
Пахта Ватанга совға, фарғоналик оғайни.**

Қайнар булоғи қайнар, қайнарда пахта қайнар,  
Яшнар яна муқаррар, фарғоналик оғайни.

Ҳикмат булоғи шундан, кўнгила чироғи шундан,  
Қаймоғи, ёғи шундан, фарғоналик оғайни.

Гавҳари ерга тўкманг, ҳосил белини букманг,  
Хушёр бўлингу чўкманг, фарғоналик оғайни.

Ҳосил зағи шу ердан, бахт гавҳари шу ердан,  
Унгаа бари шу ердан, фарғоналик оғайни.

Олтин тўкинг уйига, боп тўн бичинг бўйига,  
Республикам тўйига, фарғоналик оғайни.

*12. X. 1954.*

## ЯХШИ ТИЛАК

Яхши ният-ла муяссар бўлди ҳар яхши тилак,  
Ранжимас, ҳеч кимни ранжитмас мусаффо ҳар юрак.

Дилга сайқал бер ҳамиша меҳнатинг шавқи билан,  
Қиш ғуборин тор-мор этган каби олтун курак.

Жону жаҳдинг-ла билим ол маърифат бўстонидин,  
Ешлигинг кетгач надомат бирла қолма бужмалак.

Ез дамни ўткарса ғафлат бирла деҳқон оқибаъ,  
На уруғ, на ҳосил олғай бонг уруб етса кузак.

Бериёзат рутбаи олийга интилмоқ надур,  
Тут билан қомат талашди, мевасиз қолди терак.

Уз-ўзингга, касби-корингга баҳо бермакни қўй,  
Зарни мисдин ажратур устод бир заргар керак.

Босма бефарқ, одам эрсанг, ҳар нечук остонани,  
Зоғ бўлак, булбул бўлакдур, кун бўлак, кундуз бўлак.

Пилладек Чархий қозонда хўб пишиб, хуш тола бер.  
Бегашу белос чиқаркан тоза тортилган ипак.

## АССАЛОМ, КОМСОМОЛ

Ассалом элга қадрдон, комсомол,  
Номингиз тилларда дoston, комсомол,

Бахт боғин булбули сизлар мудом,  
Тинч ҳаёт аҳлига посбон, комсомол.

Меҳнат ичра довруги оламшумул,  
Қўли гул кўнгли гулистон, комсомол.

Партиянинг сиз асл фарзандлари,  
Қалби тонг янглиғ чарогон, комсомол.

Чўлни бўстон, дашту — саҳроларни гул,  
Айлагансиз тоғни талқон, комсомол.

Дил бутун, доим иродангиз метин,  
Ҳар қийин иш сизга осон, комсомол.

Сиз бинокор, сиз улуғ ишларга бош,  
Сиз мураббий, жонга дармон, комсомол.

Қазингиз тоғ бағридан оби ҳаёт,  
Қолмади сувсиз биёбон, комсомол.



Коммунизмнинг биноси сиз билан  
Қад кўтарди, қолмай армон, комсомол.

Боқ, кўксинг узра қўш орденларинг,  
Доҳий меҳридан нәмоён, комсомол.

Бу ярим аср ичра не-не ҳиссалар  
Қўшдингиз юрт шаънига шон, комсомол.

Экирингиз Чархийга илҳомбахш учун,  
Номингиз тилларда дoston, комсомол.

## ВАФО СЕВАРИМ

Қани-қани мени ул дилбарим, вафо севарим,  
Қани-қани назарим кўзгусида жилвагарим?

Фалак-фалакка етар бир нигоҳидин бошим,  
Юрак-юрак эзилур ёдида бутун жигарим.

Кутуб-кутуб қадами гардига кўзум муштоқ,  
Утуб-ўтуб кетиб этур бу бир баҳоналарим.

Қараб-қараб неча кунлар йўлига боқмогдин,  
Ажаб-ажабки, оқарди беш-ўнта мўйи сарим.

Ютуб-ютуб аламин, таънан рақибдан, ўзум —  
Тутуб-тутуб, яна ёди билан қочар хатарим.

Тутаб-тутаб кетамен ишқ алаңгаси бирлан,  
Чидаб-чидаб турамен нориди туруб назарим.

Тараб-тараб қора зулфин кийиб қаро қундуз,  
Ураб-ўраб келар ойдек юзипи ишвагарим.

Такаллуми менга жон бахш этар малоҳатидин,  
Табассуми аслимдур, каломни найшакарим.

Ҳаё-ҳаёли қараш сирларин ёзиб шарҳин,  
Қаро-қаро кўзини васф этиш нетай ҳунарим.

Агар ўгурса юзин дўст, бир гуноҳинг бор,  
Югур-югур деб эди раҳматий менинг падарим.

У нозанини қаро сочларин хаёли билан,  
Кечам мушаввар ўлуб, Чархиё, ўтар саҳарим.

## МЕҲНАТ ДЕДИМ

Эй кўнгул, бахту саодат, не дединг, меҳнат дедим,  
Меҳнатинг завқ берса одат, не дединг, роҳат дедим.

Ҳар фазилат касби заҳматсиз бўлурму дастгир,  
Бўлмаса танда риёзат, не дединг, иллат дедим.

Юздаги ҳусну тароват, кўздаги меҳригиё  
Сўздаги лутфу фасоҳат, не дединг, ҳурмат дедим.

Эгрилик исноди нисонга, разолатдан далил,  
Тўғри йўлга чин далолат, не дединг, шафқат дедим.

Бадгумон дилдан ширинлик топмадим деб ранжима,  
Шўру зах ердан зироат, не дединг, офат дедим.

Ҳар ёмону яхши йўлга бошлаган ўз хоҳишинг,  
Бу икки маънода ҳикмат, не дединг, улфат дедим.

Кибру манманлик билан тўлган кўнгул ёр ўлмагай,  
Камтарчи дўстинг-ла суҳбат не дединг, давлат дедим.

Айтди донолар ганимат, ҳар дамнинг, ҳар соатинг,  
Бу азиз умр нчра қиммат, не дединг, фурсат дедим.

Баҳралансин донишингдан беғараз толибларинг,  
Лекин огир юк ниҳоят, не дединг, миннат дедим.

Чархий, бошингни эмас, қалбингни рост айлаб гапир,  
Сенга бу мазмун ишорат, не дединг, ибрат дедим.

1968.

## ФИДО БУЛДИМ

Кўзим кўзинга боқиб, дилбар ошно бўлдим,  
Юзим юзингга тушиб эрди, мубтало бўлдим.  
Такаллумингга қилай бўлса минг жаҳон садқа,  
Табассумингга вужудим билан фидо бўлдим.  
Қачон дедингки, менга қилмадинг фидо жонлар,  
На этсанг, эрази гул, шунга мен ризо бўлдим.  
Сени дедим бўлак олам ҳузуридан кечдим,  
На ғамда кўнгли синиқ, на дили яро бўлдим.  
Хатинг чиройи юзим саҳфасин баёз этди,  
Лабингнинг васфин ўқиб, толен зиё бўлдим.  
Сочингга боғлаб ўзин ҳар гомон урар кўнглим,  
Бу бегуноҳга мен ҳам бирга ҳамжазо бўлдим.  
Ниҳоли гулга қўниб, Чарх уриб шу гулшанда,  
Чамани булбулидек масту хушнаво бўлдим.

## ШАРАФЛИ АЙЁМ

Май байрамимиз шарафли айём,  
Бахт бодаси бирла тўладир жом.

Қувноқ ҳама дилда бир жаҳон завқ,  
Ортиқ яна элда завқ ила шавқ.

Гулдан ясаибди дашту саҳро,  
Нурларга тўлиб ёзи мусаффо.

Боғларда унарда ранг-баранг гул  
Тоғ бағрида лола сарви сунбул.

Боқсам Ватаним киройи ҳусни,  
Мафтуни жаҳон чиройи ҳусни.

Ҳар манзараси буюк бир инъом,  
Ҳар соати бахш этарди илҳом.

Илҳоми билан юрак уриб жўш,  
Меҳнат майндан дилим этар нўш.

Водийлар аро ҳунарда моҳир  
Минг-минг неча қаҳрамон баҳодир.

**Конда яратур бири очиб нур,  
Ер бағридан ундирар бири дур.**

**Хуллас, бари меҳрибон Ватанга,  
Ҳар тухфаси бир жаҳон Ватанга.**

**Ғолибларимиз маҳорат андеш  
Шу меҳнат ила қилур намоиш.**

**Май байрамимиз шарафли айём,  
Бахт бодаси бирла тўладир жом.**



## **КОСМОНАВТЛАРГА**

**Сайр** этишди икки лочин кўкка парвози билан,  
**Ейдилар** юрт шухратин оламга фан сози билан.

**Бу сафар** — тинчлик биноси, чин пўлат қўрғондир,  
**Барқарор** бу ҳамнафас халқларнинг овози билан.

**Кема** парвозида инсон мўъжиза корин кўринг,  
**Кемадин** чиқди фазога, учди жонбози билан.

**Космоснинг** сирларин кашф айламак-чун айланиб,  
**Ерга** қўнди соғ-омон ҳурмат ва эъзози билан.

**То абад** топсин камол моҳир жасур авлодимиз,  
**Фахр** этар голиб Ватан бу икки шоввози билан.

**Мардлар** пешвозига чиққанда ҳар ким завқи-ла,  
**Чарх** уриб шонр чиқар шеъри-пояндози билан.

## ОФАРИН

Эй, азамат пахтакор сизга жаҳон офарин,  
Дер ҳамма халқ таҳсину балки замон офарин.

Пойгада қолмай мудом маррага етган ҳамма —  
Мард кишилар довруги элга аён офарин.

Дамни ғанيمات билиб ваъдага айлаб вафо,  
Ҳиммат ила ошдингиз катта довон офарин.

Тун бўйи парво қилиб пахта учун ишлаган,  
Хирмони дурдонага тўлди ҳамон офарин.

Сафда чеварларни ҳам қўллари дард кўрмасин,  
Бир-бирига меҳрибон қизу жувон офарин.

Терган «оқ олтин»ларни дил тўридан армуғон,  
Тухфаси лойиқ мудом, бўлсин омон офарин.

Пахта учуш қайгуриш бизда бу виждон иши,  
Чунки бу неъмат эрур нон ила дон офарин.

Минса ҳўлат от уза мард чавандозлар,  
Машғалм майдон эрур ҳар қаю жом офарин.

**Бир неча шоввозлар, неча миришкорлар,  
Кўксига республикам тақди нишон офарин.**

**Ҳисса қўшиб жон қуюб завқи-ла ёшу қари,  
Юртга ўзин ҳадясин тутди ҳар он офарин.**

**Сиз азамат дўстлар меҳри-ла илҳомидан,  
Завқи тўлиб Чархийнинг таъби равон офарин.**

## КУЗИНГДАН

Кўрдим неча бир жафо кўзингдан,  
Йўқ-йўқ аламин қаро кўзингдан.

Бир мен эмас ишқ аро топидир,  
Ҳар аҳли вафо, наво кўзингдан.

Бир боқсанг агар табассум айлаб,  
Ҳосил ҳамма муддао кўзингдан.

Утлар сочадур нигоҳи мастинг,  
Куйдирмаса мен ризо кўзингдан.

Юздан кўринур жаҳонномалиг,  
Сўздан асалу, ҳаё кўзингдан.

Кўрганда рақиб кўзи кўр ўлсин,  
Чархийга етур вафо кўзингдан.

## ДЕРМАН

Жонон кўриб жамолнинг кўнглим баҳор дерман,  
Ҳар кун кутиб йўлингда келсайди ёр дерман.  
Сенсан менга тўлини ой, эй кўзлари хуморим,  
Қалбимда меҳринг ўти ургай шарор дерман.  
Хушхулқу хуштакаллум, олижаноблигиндан.  
Касб айласин ўзига ҳар гулузор дерман.  
Олам менга муяссар бир йўл назора этсанг,  
Ҳар бир табассумингга кўз интизор дерман.  
Рашкинг ўтида ногоҳ куйса бу устхоним,  
Чиқмоқ учун танамдан жон беқарор дерман.  
Кўйингда чарх уриб ким, ҳукмингга бермайин бош,  
Лофи муҳаббат урса безътибор дерман.

*16 март, 1968.*

## УЙНАСИН

Мутрибо, созингни соз эт шўхи жонон ўйнасин,  
То кўриб•ағёр элин кўксида армон ўйнасин.  
Ўйнасин кўз устида гоҳи қаро қундузлари,  
Гоҳи шўхлик бирла қош остида мужгон ўйнасин.  
Оташин рухсоридан тушганда ишқин учқуни,  
Бир менинг жоним эмас, базм ичра юз жон ўйнасин.  
Булбулин овози ечса богаро гул тугмасин,  
Гунча очилган лаби кулкуда чаққон ўйнасин.  
Сунбулин тарқатса жоним ҳидламоққа майл этар,  
Майли ошиқ кўнглидек зулфи паришон ўйнасин.  
Тут поёрдозингни гулдан ёр учун, э богбон,  
Гул баҳори ҳуснидан бўй олди бўстон ўйнасин.  
Қўйлаган васфини мендек мубталолар кам эмас,  
Дилбарин даврида Чархийдек ғазалхон ўйнасин

## ЖОНИМ НИСОР УЛСИН

Агар Ширин эрур, сендек вафода барқарор ўлсин,  
Ва гар Фарҳод эрур, кўйингда мендек пойдор ўлсин.  
Дилоро, юз очиб кел сайр этиб бир бўстонимга,  
Кўриб олам томошо айласин — кўнгли баҳор ўлсин.  
Қуёш бошингда айлансин, қадингда жони зорим ҳам,  
Қамар даврида юлдузлар йўлингга интизор ўлсин.  
Ҳилол абруларингни тебратиб қўрқитма ошиқни,  
Жафо ҳар неча этсанг майли, меҳринг дилда бор ўлсин.  
Кечиб даъвосидан оҳулар айтар юз хижолатдан:  
«Тасанно, кўз деган шундай хумору тигдор ўлсин».  
Ёмон кўз бирла боқса гайрилар гулдек жамолинга,  
Ҳасад ўтида ёнсин, жисми жони бемадор ўлсин.  
Вафо майдонида ҳар бир ҳавас лофини урганлар,  
Менингдак изларингиздан чарх уриб жони нисор ўлсин.

*3 июль, 1968.*

## МАРГИЛОН

Ой жамолинига боқиб тўймади, бўстон Маргилон,  
Бор қуёш акси юзинида эй, қадрдон Маргилон.  
Эл чиройингни томоша этмоги бежиз эмас,  
Дўстлигинг рэмзи узорингдан намоён, Маргилон.  
Богларинг, гулзорларинг таърифига ожиз қалам,  
Йўлларинг атрофи гуллардан хиёбон, Маргилон.  
Дўстларинг ташрифига атлас поёндозлар тўшаб,  
Кенг қулочингдир очиқ келганда меҳмон, Маргилон.  
Товланиб ким ҳусни ортиб, ҳуснига бергай жило,  
Атласингни кийса ҳар сарви хиромон, Маргилон.  
Неча олим, меҳнат аҳли топдилар сенда камол,  
Фаҳри-ла тилларда номинг, зикри дoston, Маргилон.  
Давлат арбоби-ю, саъъатинг гули, сўз устаси,  
Сенда жам бўлди, етишди, топди унвон, Маргилон.  
Бу саодат, бу зафарлар нури сўнмас тоабод,  
Чунки берди давримиз бу бахту имкон, Маргилон.



## ГУЛЗОР ТОП

Келдинг оламга нишонанг қолгудак бир кор топ,  
Яхши хислатлар билан йўл кезмагинг даркор, топ.

Кезма эгри йўлни ҳаргиз, ҳар одим озори бор,  
Тарк этиб расво қадамни тўгри бир рафтор топ.

Ҳарнечук бедардларга айтма кўнгул розини,  
Бил аянч ҳолинг билувчи маҳрами асрор топ.

Нафс деб ишратга мойилларга майлинг бўлмасун,  
Ўзни гафлатдан йироқ айлаб, дили бедор топ.

Сен ёмонга ёндошиб номусни барбод айлама,  
Бир қадам ҳам қўйсанг, айтай, рост дўсту ёр топ.

Тансиҳатлик шукрини билгвл кучаймай еллатинг,  
Чора истаб қайда малҳам бўлса, билсанг бор топ.

Ҳайф бир сўз багри тош одамга, қадринг на билур,  
Арзиҳоя айтгувчи бўлсанг, мардуми ҳушёр топ.

**Келмасанг инсофга ҳаргиз, билмасанг эл ҳурмати,  
Осгали нафси бадингни бир баландроғ дор топ.**

**Токай аччиғ сўз-ла юрсин, Чархий, гардундан ошиб,  
Ишқ девонин ўқуб сен ҳам ширин гуфтор топ.**

## ВАТАНИМ

Кўзимга ҳур Ватаним гарди тўтиё кўринур,  
Унинг муҳаббати ҳар бир кўнгулда жо кўринур,  
Юракда завқи висол нурли офтобимдан,  
Кўнгулда нақши вафо кўзгуси жило кўринур.  
Чиройи бу чаманим хорсиз гулистоним,  
Баҳори парварнишим шому ҳар сабо кўринур.  
Элимни қудратидан гулшан ушбу саҳролар,  
Зилол қатраси бир дурри бебаҳо кўринур,  
У кун қуш учса, парин куйдирур биёбонлар,  
Бугун тамоми чаман боғу дилкушо кўринур,  
Кимики халқ назари меҳридан жудоланса,  
Ки ҳар нафасда анга ранжу юз бало кўринур.  
Вафо йўлида қадам Чархи бемадор ўлмас,  
Ҳақиқий дилда ҳамон ушбу муддао кўринур.

1942.

## **ВАФОДОРЛАРИНГ БОР**

**Фаргона, сенинг марду вафодорларинг бо,  
Меҳнатда, маҳоратда кўп илғорларинг бор.**

**Фахр айласа ҳар қанча киши шаънингга арэир,  
Ҳар сафҳада ҳам васфи улуғворларинг бор.**

**Ҳиммат камари белда жасоратли қиз-ўғлон,  
Ўону дили-ла техникага ёрларинг бор.**

**Гов учраса бир зарба билан парчалаб ўтган,  
Арслон билагу, шер юрак ёрларинг бор.**

**Чўлларни чамаш айлаган «оқ олтин»и бирлан,  
Мўл ҳосил учун пухта миришкорларинг бор.**

**Пилланг эса кенг оламаро довруги машҳур,  
Пахтаг Ватаним қадри гуҳарборларинг бор.**

**Пешона терин тўкди, зафар лочини бўлди,  
Бонг ургучи майдондаги шунқорларинг бор.**

Ҳар ишда тафаккур ила иҳлосу муҳаббат,  
Ҳар соҳада кўп олимۇ ҳушёрларинг бор.

Сен тарбиялаб вояга еткирдинг элимни,  
Беҳад сени ҳурматга сазоворларинг бор.

## САОДАТИ БОР

На хуш замона эрур адли бе ниҳояти бор,  
Тамоми йўқсул элига баци адолати бор.

Фақиру, ожизу, мазлум, буларнинг ҳоли учун,  
Маошу, танг ҳаётига хуш назорати бор.

Жаҳонда хонну, дунёпараст тоифасин,  
Томири зотини қирқмоқ учун жасорати бор.

Фарғу айш ила халқи жаҳонни ишлатган,  
Фасона аҳлига битмас ҳужуми ғояти бор.

Мудом. жаҳонгир эли давлати бу шўрога,  
Азалдан одати бўҳтон ила адовати бор.

Кўрарга саҳни жаҳон ичра социализм,  
Плани, суръату, қонун ила маҳорати бор.

Бу турфа янги ҳаёғимизга фалак чархин,  
Баёни хомий ҳикмат физо китобати бор.

1919.

## **БАҲОР**

**Ҳамалда ер етилиб келди бу насими баҳор,  
Баҳор шободаси жонга ҳузуру, танга мадор.**

**Мадори дилга берур завқу шавқ меҳнатда,  
Шу меҳнат ишқида илҳом юракда турна қатор.**

**Қаторда эғнига кийгай бинафша янги либос,  
Ечарда тугмаларин айласанг бу жонни нисор.**

**Нисор этар ҳама ҳам борини бу мавсумга  
Тикиб бири узум, анжир, бириси олма, анор.**

**Анори шарбатидан дардманд давога етиб,  
Узум сувин татиганда қолур кўзида хумор.**

**Ватаи чиройига қўшгай чирой ихлос ила  
Йигитларики қўли гул, қизики лолаузор.**

**Узоридин ёғилур нур, баҳоридан ҳосил,  
Қаторидан каммас ҳеч рафиқу ҳамдаму ёр.**

**Унумли водий безангай гулу гулистондан,  
Шу гулни дейди «оқ олтин» тўла фахрли дпёр.**

Диёр хизмати билан муҳаббатни аямай,  
На куннинг аксида зарра малол, на тунда губор.

Губорсиз дил ила ваъдага вафо айлаб,  
Шараф билан бажарилгай ҳамиша қатъий қарор.

1965.



## МЕҲРИМ БАҲҚАРОР

*(Қайтарма баҳр)*

Бахтиёрман яшнаган юртимда, меҳрим барқарор,  
Барқарор мендек ширин умри-ла ҳамма бахтиёр:

Ихтиёр эркини қўлдан яхши инсон бермагай,  
Бермагай ҳаргиз ёмон йўлларга виждон ихтиёр.

Эътибор топмоқ адабдин беадаблик кўп ёмон,  
Кўп ёмон эл олдида ким бўлса у беътибор.

Бемадор бўлма йигитлик чоғида юз товланиб,  
Товланиб юз рангда бўлсанг билки умринг бемадор.

Ёр бўлуր бахту саодат мард кишига то абад,  
То абад хавфу хатарсиз кимки меҳнат бирла ёр.

Ошкор бўлганда қандай яхши ният бир кунин,  
Бир кунин ҳар бир ёмон ният бўлуր тез ошкор.

Интизор айлар вафосиз ҳаминшилар ваъдаси,  
Ваъдаси чин ёру дўстлар айламаслар интизор.

**Бор, яхшиликни касб айла, чароғинг ўчмагай,  
Ўчмагай номинг жаҳонда яхши келдинг, яхши бор.**

**Лолазор эт, Чархий, давронингни кўнглим кел, безат,  
Кел, безат даврим жаҳон борича бўлсин лолазор,**

**1966.**

## ГУЛБАҲОР

Боғу чаман яшнатиб, келди баҳор, гулбаҳор,  
Меҳнат элини шод этиб, келди баҳор, гулбаҳор.  
Мавсуми гошт гўзал, сувлари қанду асал,  
Шавқи-ла айлаб жадал, келди баҳор, гулбаҳор.  
Ер юзини алвос этиб, чўлини гулистон этиб,  
Саҳнини бўстон этиб, келди баҳор, гулбаҳор.  
Фаҳри-ла дер коипот, сенга тасанно, ҳаёт,  
Кўкка учиб космонавт келди баҳор, гулбаҳор.  
Қучганимиз ҳар сафар, янги ютуқ-ла зафар,  
Мўътабару бехатар келди баҳор, гулбаҳор.  
Юрту саноат учун, кўрсатиб элининг кучини,  
Меҳру муҳаббат-ла чин, келди баҳор, гулбаҳор.  
Мардлар улуг шонида, ҳурмату унвон ила,  
Қудрати ғамкон ила, келди баҳор, гулбаҳор.  
Ҳар минут олтинга тенг, қадрини дурдона денг,  
Ҳар дамни ғамкони кенг, келди баҳор, гулбаҳор.  
Нури чироғи билан, қалбида чоғи билан,  
Сепу-саноғи билан, келди баҳор, гулбаҳор.  
Ваъдага өтмэк вафо, ҳамма юракларда жо,  
Меҳнат учун муддао, келди баҳор, гулбаҳор.

1966.

## НИГОРИМ БОР

Кетур қадаҳни мевга соқиё хуморим бор,  
Кўзимда жилвагарим нақду гул узорим бор.

Етушса ишқ эли ёрин висолига бир дам,  
Демас жаҳон элини кўйдурар шарорим бор.

Тутиб вафо этагин демадим бу йўл олис,  
Кечиб ўзимдин унга шукур — эътиборим бор.

Не ғам рақиб элининг макридан не андешам,  
Меиға не ранжу алам, марҳаматли ёрим бор,

Лабида оби ҳаёту, сўзида меҳри вафо,  
Қаро кўзида ҳаё, аҳлида турорим бор.

Нетай жаҳонни бақосиз гулига йўқ ҳавасим,  
Нигоҳи тушса замин саҳни лолазорим бор.

Хазони йўқ чаман ичра қилур наво Чархий,  
Шу гул билан ўтар умрим деган қарорим бор.

1941.

## ТОШ ОТАР

Менга ёр айлаб тагофил ўзгаларга қош отар,  
Рашкидан жоним чидолмай кўларим дув ёш отар.  
Ҳар замон ёдимга тушса айлаган парволари,  
Ухтин-ўхтин кўкка оҳим ўти бевардош отар.  
Тушса ҳар ким бошига бир ёр савдоси агар,  
Авалло юз минг маломат тошини тенгдош отар.  
Ишқ водийсида саргардон қуюндек кезма кўп,  
Ҳар балият етса сенга йўлдаги йўлдош отар.  
Рознман агёрсиз бир менга танҳо ёр ўзи,  
Сийнам узра жавр ўқини бўлса эрди кош отар.  
Чарх уриб домига тушдим шўх экан, тиннов экан,  
Ноз ила текканга тегмай, тегмаганига тош отар.

1956.

## ТОПИЛМАС

Ҳеч қандай асал қиймати ҳалвода топилмас,  
Дурдонани, бил, ҳар қаю дарёда топилмас.

Мияг шира-ю, шарбатни йиғиб шаҳд тузингям:  
Ширинлиги ул олу мураббода топилмас.

Фарҳод муҳаббатда улуг, Қайс жунунда,  
Ширинни ширин лабзи у Лайлода топилмас.

Атир ила қизил гул бўйи, дерларки, шириндир,  
Лекин сифати лола-ю, раънода топилмас.

Ҳар қайси фасл ўзгача бир руҳ бағишлар,  
Куз файзи бўлак сайри томошода топилмас.

Эй, Чархий, вафо гулшанидан сув ўгуриб ич!  
Бу нашъу намо ҳар қаю маънода топилмас.

1934.

## **УЛДИҒИМ БИЛМАС**

**Нигориким мени ҳуснига ҳайров ўлдиғим билмас,  
Билур ошиқлиғим, кўйида сарсон ўлдиғим билмас.**

**Қаю тил бирла васфин айтайин олижанобимни  
Қаро зулфи каби кўнгли паришон ўлдиғим билмас.**

**Олиб ақлимни торож айлади ширин табассум-ла,  
Асри волайи чоҳи зинахдон ўлдиғим билмас.**

**Мени дардимга дармон истама биламай масиҳоким,  
Табибим ул пари илҳоқи дармон ўлдиғим билмас.**

**Кўзим, ул ой юзига боқмасангди, вор бўлмасдинг,  
Нетай эмди шаҳиди тиги мужгон ўлдиғим билмас.**

**Кўнгли йўлида тутдинг кўз, кўрай деб қайта ҳуснин оҳ,  
Билур хўн интизорин дилларим қон ўлдиғим билмас.**

*1930.*

## ҒАФУР ҒУЛОМҒА МАКТУБ

Хати расмона эрмас номаниким хуш хабардан бу,  
Эмас тулниг чироги, равшани шамсулқамардан бу.  
Навокатда ниҳоли сарв ўв даъвосидан кечсин,  
Нафосатда чиройи жумлалар, дурри гуҳардан бу.

Соғинган кўрмай аввал, затларингни айтки ким кўрсин,  
Умр боқи эса лаззатда у, бодоми тардан бу.  
У илҳомимга илҳом қўшса, бу мактуби жонпарвар,  
У марғуби кўнгила бўлганда, манзури назардан бу.

Қариб, ёшим етиб олтишига кўзлар хиранок ўлмиш,  
Зиёбахш ўлди мужданг, ё магар куҳлул-басардан бу.  
Топиб бир базми гулхан, Чархий, юз қайта ўқиб насринг,  
Сенинг ёдинида куйлаб кечалаб ёзган асардан бу.



## НАВО БУЛУРМУ

Безавқ наво — наво бўлурму,  
Бенур ҳаво — ҳаво бўлурму.

Олтин эмас эрса асли зоти.  
Мис рангли жило — жило бўлурму.

Дил ойинадирки, сайқали йўқ.  
Кўзгуда зиё — зиё бўлурму.

То дўстнигда дилни пайванд этмай,  
Ҳеч сидқу сафо — сафо бўлурму.

Ҳар йўлда йўловчи ҳамдам эрмас,  
Ҳар жонни фидо — фидо бўлурму.

Ишқ аҳли умид ила чекар оҳ,  
Ер бўлса жудо — жудо бўлурму.

Маъшуқ ниши ноз ила тағофил,  
Ошиқда хато — хато бўлурму.

Гар боқмаса сарвиноз қиёлаб,  
Бир тарзи нигоҳ — нигоҳ бўлурму.

Иқрорига кўнмаса ўжар дил,  
Инкори раво — раво бўлурму.

Хилватда ҳаёли базми жамшид,  
Зоҳирда ибо — ибо бўлурму.

Иффатли дилинг-ла шарм тутгил,  
Чинматли ҳаё — ҳаё бўлурму.

Мумкинки, қорайса сурмадан кўз,  
Ҳар кўзи қаро — қаро бўлурму.

Юз ваъдага бир вафо кўринмас,  
Пуч аҳди вафо — вафо бўлурму.

Беҳудага тортма айюҳаннос,  
Бефайз нидо — нидо бўлурму.

Шўрхок заминда парваришсиз,  
Бечора гиёҳ — гиёҳ бўлурму.

Бонг урмаса жону дил билан ким,  
Чархий, бу сафо — сафо бўлурму.

## ДИЛДОРИ ШҶҲ

Мунча ҳам кўнглимни севган ёри шўх,  
Ҳар нигоҳида кўзини хуммори шўх.

Қўйса оҳишта қадам гул сайрига  
Меҳри жўш урса кўринг рафтори шўх.

Утмиқан, зухромикан ё юлдузи,  
Урғанур жон, оташини рухсори шўх.

Белга ташлаб майда-майда кокилин,  
Юрса тебрангуси зулфини тори шўх.

Товланур хуршид мисоли орази,  
Шуъласидан яшнаган гулзори шўх.

Кўрсатиб аҳду вафонинг расмини  
Гоҳи лутф этганда, гоҳ озори шўх.

Чархиё, ўткарма сўзинг ҳаддидан,  
Чунки ҳар мазмунда бир гуфтори шўх.

1968.

## **МЕН КЕЛАМАН СОҒИНИБ**

**Мен келаман соғиниб, ёр канорингни оч,  
Сенга учай қуш бўлиб, боғу баҳорингни оч.**

**Ёр, жамолинг кўриб лаҳза қувонсин кўнгила,  
Чертма қабоғинг, кулиб лутфи нисорингни оч.**

**Кўрса чаман булбули сенга тасанно десик,  
Бахтли кулиб, яшнаган лола узорингни оч.**

**Дафтари ҳуснингдани хол у вафо шоҳидим,  
Гул юзинг авроқидан аҳду қарорингни оч.**

**Чархий гулистонингга келди наво соз этиб,  
Куйла, кўнгила севгиси, дилдаги борингни оч.**

*1928.*

## ОШ-ПОШ

Бергуси ожиз юракка йўлда чин йўлдош-дош,  
Бўлмаса идроки бўлмас, катта ҳар бир бош-бош.

Ҳар нечук бемеҳр одам ёзса дастурхон агар,  
Қатра сув нчмас-смас оч қолса ҳам фаррош ош.

Тоза ўтказ галвирингдин дону дунни яхшилаб,  
Чикмагай ошингда тишни синдираб бир тош-пош.

Яхши ният-ла биров гул ўтқазур меҳнат билан,  
Бир гул ундурмай узуб гул, дер биров мен ёш-ёш.

Ош дебон ошма маншат томига зинҳорким,  
Чунки истиғно сярин айлар у шундоғ ош-фoш.

Дидли бир суратгар иста кўзу қош пардозига,  
Кўз чиқаргай йўқса қўйдим деб чала наққoш-қoш.

Чархий, тамсинигни равшан этгали аҳбоблар,  
Яхши мазмунлар атаб, то берсалар кенг ош-қoш.

## ТАРБИЯ

Энг улур нисонга аввал тарбия,  
Тарбиятдин өзгү ҳолим деб жўл.

Бир бино сол, у бинодур яхшилик,  
Яхши ният-ла қўяр қуш ҳам уя.

Ғам е авлодинг учун, нисон эсанг,  
Нафс деб ўргамчидек тортма уя.

Юрма бемехнат текинга дом қўюб,  
Турма беҳивмат, шу тақдирим дея.

Чин сахийлик нисбатим десаиғ агар,  
Катта оч дарвозани қилмай қия.

Шунча савлат бирла гумроҳлиғ надур,  
Бошла йўл, дер, бир эшак, юз туя.

Тиланиб ётган матодан ол хабар,  
Кўр, мабода тушмаган бўлғай куя.

Оқни қора айламакка ҳад керак,  
Қора дил оқ бўлмағай, минг йўл бўя.

Урса ноҳақ ким йиқилгонни яна,  
Чархиё, сен бор, йиқилгонни суя.

## ОНА АЗИЗ

Она азизу мукаррам, она дилинга чироғ,  
Тушурма фарзанд эсанг, қалбига аламдин доғ.

Ота-онанг шарафинг, боиси вужудингдур.  
Сабабсия олам аро келмади бирон тирноғ.

Суёнгучинг икки зот, кўксига етурма ситам  
Нураб ҳаёти, хазон бўлмасин суёнган тоғ.

Онангни ранжита кўрма ҳаёли фарзанд эсанг,  
Уйингни булбули бўл, бўлма бадтарин чун зог.

Ҳама баробар эрур, деб ёмонга бўлма яқин,  
Баробар бўлмади инсон қўлида беш бармоғ.

Юзига тик қарамас бўлмайин деса осий,  
Сўзига мин тоқибон айламас фироқ — димоғ.

Губорни сийнадин иргит, дилингни пок айлаб,  
Онанг ризо эса сендин, ҳамиша вақтинг чоғ.

Назарда дўст сўзин, Чархиё, заҳар демагин,  
Алам қилурму ниш урса бериб шакар янтоғ?



## БУЛБУЛ ЭРСА

Келтирар элга надомат нафс учун сайёралиг,  
Минг балога юзланиб ҳам юз туман оворалиг.

Яъни номард хонидан миннатли ютган новдан,  
Ҳар нечук давлатдин ортиқ бекасу, бечоралиг.

Ҳар қаю водон не билсин суҳбату сўз қадрини,  
Айлагай у дилли гавҳар порасин юз поралиг.

Халқ ризоси кимё айлар вужудингни кўнгул,  
Келтирар эл ранжиши ҳар кимга бахти қоралиг.

Булбул эрса ҳамшишининг зогдек савт айлама,  
Суҳбати минг боралик бўл бўлмагин бир боралиг.

Панди оқил сурат ороларга таъсир айламас,  
Зоҳири нисонга ўхшар, қалби маҳзи хоралиг.

Шиквага лаб очма, Чархий, тут сабрнинг доманин,  
Син бутунга бут-бутун бўл, ёраликқа ёралиг.

1918

## САОДАТ АҲЛИ

Саодат аҳлиму дон манзили улуғ даргоҳ,  
Ҳамиша бахт унинг ҳолидин бўлуғ огоҳ.

Дил у тилида вафо расми бу замона эли,  
Қилур бири бирга меҳрибон назарда нигоҳ.

На гам дилида, на қайғу бу давр аҳлида ким,  
Уз эрки шоҳидидур толеи ҳамиша гувоҳ.

Чиқар тараннуми ушшоқ висол бодаси-ла,  
На ҳажр шонида андуҳ, на васл уйида оҳ.

Муборак эл қадами қайси чўл аро етса,  
Етушди шул кунн гўё карамли пушту паноҳ.

Чиқарди ташна замини бағрига чин обиҳаёт,  
Кўкорди кўксинда ҳар ранг шифоли меҳри гиёҳ.

У бир гвёҳ демайин бу дуру жавоҳирлар,  
Кўринди лўзга, оқ олтин мисоли меҳр ила моҳ.

Татиб тузин бу муқаддас ватанга ким хонн,  
Замлу хору надомат билан ўтар гумроҳ.

Самимий ният ила Чархиде қалам тебрат  
Ҳамиша халқ мададгору сенга бахт ҳамроҳ.



## МУСТАЗОД

### НАВОИЙГА

Эй, муҳтарам устоз Навоий, дилу жонсиз,  
Мақбули, замонсиз.  
Сиз кўзу кўнгилларга зиёбахш чу хуршид,  
оламга аёйсиз.  
Не ҳад менга ким таърифи ижодингиз этмоқ.  
Тил лол, қалам ожиз.  
Сўз рамзи фасоҳатда, балоғатда ажойиб,  
Эл меҳрига консиз.  
Фарҳод кўриб кўзгуда Ширини бар аъло,  
Бўлмиш эди шайдо,  
Сўз боли билан айлаган ушшоқини ширин,  
Чун аҳди забонсиз.  
Мажнунга бериб меҳру садоқатни камолин,  
Кўрганда жамолин,  
Лайлига вафо расмини ўргатган, азизим,  
Устоз, ҳар онсиз,  
Қушлар тилдан завқу гафо етқузиб, ҳай-ҳай,  
Бечорага чора,

Зулм аҳлига айлагап, эй, хомаси шамшир,  
Бир ўтлап баёнсиз.  
Таҳсиллар ўқир назм ила насрингизга олам,  
Қойил ҳамма дунё,  
Ижоди аруз силсилаини маънида якто,  
Хуш таъбий равонсиз.  
Орзуларингиз барчаси давримда муҳайё,  
Қурдик янги дунё,  
Дил тўрида ким сақланажак ёдингиз ҳар дам,  
Эй, нур фишонсиз.  
Чархий қўлидир, кўксига таъзим ила сизга,  
Бу меҳр китобим, )  
Биз бирла мудом сиз абадий соғу омонсиз,  
То бор жаҳон сиз.

## ҚАЛАМ МУСТАЗОДИ

Ҳаётим нчра ўзинг олий ҳимматим, қаламим-  
Ки, соҳиб карамим.  
Кўнглининг дардига ҳамдард, улфатим, қаламим,  
Ҳамон фараҳли дамим.  
Умрининг лаззати, файзу шарофатим, қаламим,  
Йўқ энди қайғу, гамим.  
Жавоҳироту фунун кони, ҳикматим, қаламим,  
Хазинасан деганим.  
Дилимда оташи ишқу, ҳароратим, қаламим,  
Ҳамниша ястаганим.  
Кезарда фикрим очиб, бирга сайри боғ қиласан,  
Ғамим йироқ қиласан,  
Қоғозда йўргалашингдан дилим булоқ қиласан,  
Сериштиёқ қиласан.  
Неча қоғозни қара-ю тунимни оқ қиласан,  
На бир фироқ қиласан,  
Сатрда гоҳи адашсам, тутиб сўроқ қиласан,  
Мени синоқ қиласан,  
Саҳифа устида нозик ишоратим, қаламим,  
Бинои муҳташамим.  
Кўзимга нур, дилимга суруру таяга мадор.  
Ҳамниша лайлу наҳор,  
Сўзимга ҳусну юзимга зиё, бу ҳақли шпор,  
Ташаккурим минг бор,

Мухаббат аҳлининг ҳар базмида вафоли нигор,  
Иноқ, ҳамдаму ёр,  
Сенинг билан қишу ёлим ҳамишадир гулвор,  
Туганмагай винҳор,  
Сенинг билан бу ҳузур ҳаловатим, қаламим,  
Ҳаёти мунтазамим.  
Сени авайлаб, ўзимни қилиб фидо тутаман,  
Шу муддао тутаман.  
Упиб-ўпиб юзу, кўзга суриб бажо тутаман,  
Дилимда жо тутаман,  
Бахилнинг илгида бўлмоқни, нораво тутаман,  
Унга асо тутаман,  
Саҳий қўли узатур бўлса марҳабо тутаман,  
Билиб раво тутаман,  
Камина Чархийга айни саодатим, қаламим,  
Вафоли муҳтарамим.

1960.



## **МУРАББАЛАР**

### **СОҒИНДИМ, ЭЙ ГУЛ**

Соғиндим, эй гул, сенинг жамолинг,  
Қаро кўзингдин кўнгил узолмай.  
Кел, эй нигорим, кўзи хуморим,  
Хумори бўлдим сени кўролмай.

Ниҳоли гулдек бу қадди бастинг,  
Енар кўзимда нигоҳи мастинг.  
Бу ишқ ўтинияг ҳароратиндин,  
Қаламни олдим чидаб туролмай.

Қаю нишони мишжангнинг ўқи,  
Қадалган аркан юракларимга,  
Жудолигимдир бу бир тарафда,  
Азоб этарким бу гам тузалмай.

Жаҳони олам менга кулурлар,  
Бу беҳабарлар нечук билурлар,  
Қаро кўзингдин, ширин сўзингдин,  
Мени ўзингдин алар буролмай.



Эсиэ у дамлар моҳи жамолниг,  
Тунида жоду кўзинг қизартиб.  
Ҳануз кўнгилдан кетар бу армон,  
Қизил шаробинг қуйиб беролмай.

Дема, қўй энди ҳавасларингни,  
Соғиндим оташ нафасларингни.  
Етарга йўқдир танимда дармон,  
Икки қўлимни тияб туrolмай.

Ҳамиша Чархий сўзингга вола,  
Сабога эрзинг қилиб ҳавола.  
Юборди қосид қўлидин, эй гул,  
Соғинганидан чидаб туrolмай.

1926.

## УСТОЗИМ

Миннатдорман, э партиям, устозим,  
Вафодорман, э партиям, устозим,  
Сен яратган овод, обод замонда,  
Бахтиёрман, э партиям, устозим.

Халос этдинг қулликдан бу бошимни,  
Аччиғ эди, ширин қилдинг ошимни.  
Улуғ ишга ҳиссам қўшиб меҳнатда,  
Фидокорман, э партиям, устозим.

Сен бор: йўлим равшан, баланд иқболим,  
Кундан-кунга яхшиланди аҳволим.  
Ҳалол меҳнат билан, доим ўрнимда  
Мен ҳушёрман, э партиям, устозим.

Тарбиянда униб, ўсдим, улғайдим,  
Қанотимни эрк кўкида кенг ёйдим.  
Коммунизм қураётган бу кунда,  
Мен илғорман, э партиям, устозим.

Қўриқ очдим, сув келтирдим, гул экдим,  
Янги ерга «оқ олтин»ни мўл экдим.  
Ҳурмат топган, шуҳрат топган, шон топган  
Пахтакорман, э партиям, устозим.

Улуғ-улуғ қурилишлар тиклашда,  
Халқлар билан қўл ушлашиб ишлашда  
Виждон билан, қудрат билан, онг билан  
Мен тайёрман, о партиям, устозим.

Эўр шарафлар сенга бўлсин, партиям,  
Қанча айтсам ташаккурим, шунча кам.  
Кўп қатори Чархийга ҳам бахт бердинг,  
Миннатдорман, эй партиям, устозим.

## БАЕН ДЕРМАН

Дўстлар, чин кўнгила арвин  
Айлаини баён дерман.  
Ҳар яхши-ёмондан ҳам  
Бир ною нишон дерман.

Тўғри йўл, бақолик йўл,  
Мард ёсанг вафолик бўл,  
Қинғир бўлма оламда,  
Топмайсан омон дерман.

Елғон элга ёт бўлгай,  
Ростликда нажот бўлгай.  
Эгри йўл сирин бир кун  
Бўлгусин аён дерман.

Дунё сенга жон бўлса,  
Ниятинг ёмон бўлса,  
Мақсад тоғидан ошмай,  
Ағдарур доvon дерман.

Элни интизор этма,  
Чўп бўлса-да, хор этма,  
Зарра элни хор тутсанг,  
Турмушинг гумон дерман.

Тинч бўлай десанг сен чин,  
Бузмагин биров тинчин,  
Тинч ҳаёт учун билгил,  
Майли кетса жон дерман.

Хоҳ ёшу қари бўлгин,  
Одам гавҳари бўлгин,  
Инсонпарвар одамга  
Ҳамма меҳрибон дерман.

Номардда вафо бўлмас,  
Чин дўстлар жудо бўлмас.  
Аввал ёр бўлиб, оқир  
Айрилган ёмон дерман.

Чарх уриб жаҳон кездим,  
Дилга билганим тиздим.  
Яхшиларга ёндошдим,  
Топмадим виён дерман.

1961.

## ВАФОДАН — ВАФО

Иста кўнгул ёр эсанг  
Қалби сафодан — сафо.  
Бўлма яқин, тегмасин  
Бағри қародан — қаро.

Сидқу сафодан топар  
Баҳра дилвинг кўзгуси.  
Йўқса жафо келтирур  
Кизбу риёдан — риё.

Элга очик чеҳралик  
Бахту саодат ғарур.  
Жонга ҳаловат берур  
Шарму ҳаёдан — ҳаё.

Кимга не оҳанг ила  
Бунда нидо айласанг,  
Унда қулоринга шу  
Аксн садодан — садо.

Дардга чучук тил — даво  
Ҳар неча бемор учун.  
Ол қидириб, ёлбориб,  
Сўзи шифодан — шифо.

Боғла вафо риштасин  
Бўлса чин аҳбоблар.  
Айлаб ўзингни мудом  
Меҳри жудодан — жудо.

Давр омон бермагай  
Кимки бадахлоқ экан.  
Чунки ёмон топмади  
Яхши даводан — даво.

Қолса ҳаётингда бир  
Меҳнат, илм, өзгу ном.  
Юрту элинг бўлгуси  
Халқи ризодан — ризо.

Чархий, мудом яхшилар,  
Мақдами тупроғи бўл.  
Етса сенга шояд ул  
Аҳли вафодан — вафо.

## МАЛОҲАТ

Э нозанин дилбар, коти малоҳат,  
Ҳеч етмасин нозик қаддингга офат.  
Рухсорингдав тўлин ой ҳам хижолат,  
Сенга жоним билан қилдим итоат.

Бошла, ёрим, ўзинг юрган гулшанга,  
Шаҳло кўзинг гушган гўзал чаманга,  
Тасаддуқ жон сени қучган Ватанга,  
Кўзим тўймас, қилсам сайру саёҳат.

Кўнгил қуши учди сенга ҳаволаб,  
Етмак учун сайр айлади фазолаб,  
Ҳуснини шамъин атрофидан қиёлаб,  
Чарх урарман парвонадек ниҳоят.

1960.





## МУҲАММАСЛАР

### МАДҲ

Э гулшаним, гўзал ваганим меҳрибон яша.  
Миллион забонда мадҳи сифотинг аён яша,  
Бахтли ҳаётимиз ила сен кўп замон яша,  
Табрик этар шараф била халқи жаҳон яша,  
Қувноқ ширин ҳаёт ила халқим омон яша.

Боғлар аро бинафша очилди чаман-чаман,  
Яшнаб бу ҳур диёримиз гулзори бетикан,  
Ғунча неҳоли узра қўюлмас сира заған,  
Ҳар гулда юз латофату, ҳар кунда минг ясан,  
Сайраб ҳамisha булбули бу гулистон яша.

Ҳар жабҳада зафар ила парвозимиз баланд,  
Кўкни садога келтирур овозимиз баланд,  
Мардона қиз-жувонлару мумтозимиз баланд,  
Учмоқда кенг само уза шоввозимиз баланд,  
Парвозимизга таҳсин ўқир осмон, яша.

Раҳбар ҳамisha партиямизнинг иродати,  
Бу қудрати, маҳорати, бу шону-шавкати,

Енгилмас эл ҳаёти ва сўнмас саодати,  
Душман дилига санчиладир халқ нафрати,  
Заррин қуёш жилоси билан ҳамма жон яша.

Хавфу хатардэн бўлди омон боғу роғимиз,  
Қўргонимиз пўтлатдану ўткир яроғимиз,  
Жондан азиз бу гулшанимиз — кўз қароғимиз,  
Чархий, жаҳонда ўчмагай асло чароғимиз,  
Эл меҳрибони партиямиз жонажон яша.

## НИШОН БЕРСА

Кўнгил шод ўлгуси ўз тинчидин дўстлар нишон берса,  
Этар кўкларда парвоз ким севиб каптарга дон берса,  
Чиқарми яхшилик ҳеч бир ёмонга яхши ён берса,  
Унар ер бағридин гул ерга ким оби равон берса,  
Қуруқ қўймайди боғим парваришни боғбон берса.

Кетишни истамас қуш яшнаган осуда маскандан,  
Муаттар бўй таратган гуллари озода гулшандан,  
Чиқар меҳнатга ғайрат ишсевар ҳар битта соғ тандан,  
Ҳаёт устозни таълим бергуси ҳар кимга ҳар фандан,  
Билимда шуҳрат олғай кимки аъло имтиҳон берса.

Қилиб халқингга хизмат яхши ном қолур садоқатда,  
Бўлиб аҳдингга содиқ, номусингни сақла ҳурматда,  
Расолар олдида сен ошма ҳаддингдин ниҳоятда,  
Узатса чўппи дўстнинг, ол, кўзингга суртиб албатта,  
Кўлидан олма олтин бағри гар бир бадғумон берса.

Жафокаш кутга ёрдам дардига меҳринг-ла малҳам бўл,  
Йўлигдин чиқса гар гов парчалаб от, қайтма, бардам бўл.  
Олу олдарма асло, ҳар бир ишда пухта, илдам бўл,  
Фаразсиз, ориятли дўст топиб ўлгунча ҳамдам бўл,  
Кишига миннат этмас кимга у бир бурда нон берса

Топар инсон камолат бу улуг дўстлик, аҳилликдан,  
Кўкармас, боғ ҳам асло зарра қитмирлик, бахилликдан,  
Чиройли, яхши турмуш ҳам аҳиллик, ҳам асилликдан,  
Ҳамон яқдил бўлу қалбингни сақла хилма-хилликдан,  
Инонма душманинг макри-ла сенга минг жаҳон берса.

Бировлар мулкнинг топташ эмас инсонга сарварлик,  
Тилида хайрихоҳу дилда эрса бошқа раҳбарлик.  
Ҳақиқат гар юракка бермагай ҳаргиз муқаррарлик,  
Кишига бахт эмас номард ила дўсту биродарлик,  
Саодат шул эрур мард олдида мардона жон берса.

Уқиб одобни ўрган элни севган жонажон элдан,  
Талаб айла вафони кўнгли юмшоқ, меҳрибон элдан,  
Адолат ҳукми ижро айлагучи қаҳрамон элдан,  
Саодат нури порлоқ бахт яратган паҳлавон элдан,  
Қабул этма қўлинига бағри тош гавҳар нишон берса.

1958.

## УВАЙСИЙГА МУХАММАС

Фидо жоним сенингдек дилбари ширин сухан ёра,  
Мудом кўнглим қуши кўйнинг ҳавоси узра сайёра,  
Кезиб оламини ҳижрон дардига топдим бугун чора,  
Забонингни кетурган, э шакарлаб тўти гуфтора.  
Нечукким марҳамат бўлсин меннингдек ошиқи зора.

Маломат этсалар ҳолимга айб эрмас жаҳон аҳли,  
Ғамим йўқ дилда розям сўргали сен меҳрибон аҳли,  
Умид остонилинг мажнуни мен ҳам посбон аҳли,  
Мени «Лоядхулу» деб маҳрум этма боғбон аҳли,  
Азал деҳқони бағрим қонини сочмиш бу гулзора.

Жамолинг кўрган ошиқларни йўқ кўнглида ҳеч армон,  
Керакмас ҳуру жаннат гул юзинг олдида, эй жонон,  
Хуморим ҳаддин ошди маст булбулдек чекиб афгон,  
Дариг этма, харобат аҳли деб, э соқийи даврон,  
Паёпай тут қадаҳни ташналаб ўлган бу хуммора.

Тиларман бодан васли муҳаббат соридин доим.  
Машоми қалбима бўйи қарам гулзоридин доим.  
Тутар кўз вола Чархпй ваъдан дийдоридин доим,  
Увайсий юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим,  
Уғирма юзини, ондин солма кўзни ўзга дилдора.

1926

## АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Тўлган куни паривашим ўн саккиз ёшга,  
Арзир ўзи жаҳонга-ю ҳусни қуёшга,  
Дедим: қаддинги ҳурмати, келгил кенгашга,  
Зулфинг хаёли тушгали шўрийда бошга,  
Ғам бошқа ўлдурур мени, ҳижрони бошқа.

Холинг қароғи чинму, сочинг мушку анбарин,  
Ҳар қанча ноз айла-ю кўнглинги тут яқин,  
Кўз сешга бир боқиб, деди: э шўҳи нозанин,  
Меҳробага, пе фарзнки, мен сажда қилгамсин,  
Келғум турур сужудга мен ул икки қошга.

Қилсанг ситам, фироқ ила куйдиргали мени,  
Жондан жаҳонда бир йўли тўйдиргали мени,  
Лаълинг табассум айласа, кулдиргали менн,  
Кўзу қошинг талошадир ўлдиргали мени,  
Улдир ўзингу қўйма икани талошга.

Қўйинг мурод манзили ёрим демай, не де,  
Сен не десанг, бош устина, жоним шунн деди,  
Чархий висол майн ила масту аласт эди,  
Жомий бир оҳ чекди, анинг кўнгли юмшади,  
Оҳим ўтини кўр, не асар қилди тошга.

## ГУЛХОНА БУЛСИН ДЕБ

Бу қутлуғ анжуманнинг мақсади дўстона бўлсин, деб,  
Қўқон санъат макони файзли ҳар хона бўлсин деб,  
Қадам қўйган еримиз гул тўла гулхона бўлсин деб,  
Яна кўркам чаман бағрида минг кошона бўлсин деб,  
Йиғилдик бир-бирига дўстлар парвона бўлсин деб.

Кишида яхшилик тобора авж олсин ниҳоятда,  
Емонга ёндошибон қолмасин ҳеч ким хижолатда,  
На бахтдир: яхшиликким, кимки ҳурматда, фароғатда,  
Уқир шаънига ножинс аҳлини халқим бир одатда:  
Емонлик — ўтда куйсин, бошидан ордона бўлсин деб.

Маҳалла аҳлимиз бир-бирига дўсту, иттифоқ доим,  
Хусусан, кексаларга ёшлар меҳри булоқ доим,  
Май ичмак тарк бўлса, беқадаҳ ҳам вақтичоғ доим,  
Ёш авлод аҳди маҳкам: чунки жанжалдан йироқ доим,  
Гузар майхона эрмас, чин қизил чойхона бўлсин деб.

Бурунги қоп-қоронғу кўча йўқ, хавфу хатарлар йўқ,  
Ҳамма меҳнат-ла машғул, бир олиб ўнга сотарлар йўқ.  
Ичиб безориликдан халққа озори етарлар йўқ,  
Пиширган маккани еб, сўтасин бошга отарлар йўқ,  
Емон айтмай ким айтур ақлидан бегона бўлсин деб?!

Гўдак тилга киришдан «ассалом» ўрганса — минг раҳмат,  
Бу мазмун баъзи ёшлар диққатига катта бир ибрат,  
Йигитга ҳусн — одоб бўлса, қизларга ҳаё — иффат,  
Ҳамон жон кўйдирармиз, кексалар, ҳар лаҳза, ҳар соат,  
Азиз фарзандларимиз олиму фарзона бўлсин деб.

Умид билан ҳаёт завқин олур қалбига инсонлар,  
Ватан тобора обод бўлса, деб қилгай фидо жонлар,  
Қолур авлоддан авлодларга бу бахту шараф-шонлар,  
Тўкиб пешонадан тер меҳнат айлар ерга деҳқонлар,  
Зироатни авайлаб минг дуру, дурдона бўлсин деб.

Муборак келди бизга бахтли бу шанба оқшоми,  
Садоқат аҳли жам бўлган ажойиб суҳбат, ҳангоми,  
Азиз меҳмонлар эъзозига минг раҳматни пайгоми,  
Тараннум аҳли бир ён, бир тараф Чархийнинг илҳоми,  
Жаҳонга донги кетсин жилвасоз Фаргона бўлсин деб.

1968 Қўқон.



## КИМЕЛАРИНГ

Сенга, муборак ватан, тўю, томошаларинг,  
Тўю, томошаларинг, базму дилороларинг,  
Кетди фазолар сари ҳурмати аълоларинг,  
Олди жаҳон мулкини довруғи дунёларинг,  
Дўсти-қадрдонларинг, қалби мусаффоларинг.

Мазлум эдик, инқилоб очди саодат йўлин,  
Тутди жаҳон халқига меҳри адолат йўлин,  
Парчалади қаҳри-ла зулму залолат йўлин,  
Меҳнат элига бу кун, тутди фароғат йўлин,  
Тутди фароғат йўлин, адл ила парволаринг.

Бахт қуёшин нури айлади нури чаман,  
Кетди олам зулмати йўлда юлунди тикан,  
Нур ила сайқалланиб сўнди ғубор сийнадан,  
Қудратимиздан букув, қолмади ҳал бўлмаган,  
Қолмади ҳал бўлмаган, ҳарна муаммоларинг.

Неча асрлар бўйи қанча биёбону чўл,  
Оби ҳаётдан етиб ташна лаби бўлди ҳўл,  
Қушни қаноти куяр тоғлар аро катта йўл,  
Ҳукмингга бошни эғиб, сув берадур мўлу кўл,  
Сув берадур мўлу кўл Сир, Аму дарёларинг.

Сендаги дурдонани қайси гулистон берур?  
Қанча сени мақтасам бахт менга имкон берур,  
Шира-ю шарбатларинг жисмима дармон берур,  
Дилга ҳузур, кўзга нур, танга янги жон берур,  
Танга янги жон берур, Соғару саҳболаринг.

Бизда фазолар сирин кашф этувчи илму фан,  
Ой ила юлдузга сайр этгучи сайёрлардан,  
Ҳар қаю миллат бари бир-бирига жону-тап,  
Айлаган орзу шу давр, яъни Улуғбек билан,  
Яъни Улуғбек билан, Бу Али Синоларинг.

Нефть қора олтинларинг, шухрати Фарғонадан,  
Пилладан эл эғнида килъати Фарғонадан,  
Пахта Ватан бойлиги қудрати Фарғонадан,  
Аҳли саноат билан санъати Фарғонадан,  
Санъати Фарғонадан Ширину Лайлоларинг.

Ҳамма бир авлод эрур, ҳамма жигарбанд ҳам,  
Куйларимиз, созимиз созига пайванд ҳам,  
Бағрида минг ёдгор ҳуснига монанд ҳам,  
Сайқали рўйи замин шаҳри Самарқанд ҳам,  
Шаҳри Самарқанд ҳам, Ғазли, Бухороларинг.

Тантанамиз, шонимиз партиямиз номдан,  
Марҳамати беқийс лутф ила инъомидан,  
Этди намоёнш элим қудратин илҳомидан,  
Чархий қалам тебратур бу зафар айёмидан,  
Бу зафар айёмидан ҳикмату кимёларинг.

## КЕЛДИНГ

Баҳорим, янгидан бизни сарафроз айладинг, келдинг,  
Қудумингдан чаман саҳини пардоз айладинг, келдинг,  
Яна бахт, зафар авжида, парвоз айладинг, келдинг.  
Кўнгалга беадад хурсандлик оғоз айладинг, келдинг,  
Ез илҳомин олиб бу қишни танвоз айладинг, келдинг.

Зилолингдан қониб ерлар очилгай ранг-баранг гуллар,  
Ёзилгай то абад яшнаб, ҳавас боғида кўнгуллар,  
Яна яйрар, яна сайрар чаманзорингда булбуллар,  
Етишди ёрнинг ваалига булқун сочи сумбуллар,  
Эсиб файзи баҳоринг ўлкамиз соз айладинг, келдинг.

Қўнгал равшанлигин нузли қуёшимдан қиёс айлаб,  
Умид ойинасини тутди мустаҳкам асос айлаб,  
Ҳал эггай орзусин мангу, тақдирга мос айлаб,  
Гўзаллар ҳуснига сен ҳам чиройликларни хос айлаб,  
Ингитларни Ватав жангида мумтоз айладинг, келдинг.

Муяссар бўлди бизнинг дилдаги чин аҳду паймонлар,  
Адулар тор-мор бўлди, вужудин босди тўфонлар,  
Тўйиб ота ўғилга ҳам, она ҳуснига ўғлонлар,  
Қўшиб завқига завқу, танда дармонига дармонлар,  
Қарилар қаддини ёшларданам фоз айладинг, келдинг.

**Муқаддас бурчимиздир, ҳур Ватан постида хушёрлик,  
Садоқатда элимнинг хислати донм вафодорлик,  
Азиз авлод учун ҳам, юрт учун хизматда ҳамкорлик,  
Ватанпарвар совет халқига хосдир ишда илғорлик,  
Ҳалола меҳнатда ҳар бир кимши шаввоз айладинг, келдинг.**

**На хуш айём эрурким, суҳбат ичра дам-бадам соқий,  
Вафоли шарбатингдан айлагил лутфу-карам соқий,  
Ватан номини ҳар дам ёд этиб, эй муҳтарам соқий,  
Муборакбод учун бир тут қадаҳ Чархийга ҳам соқий,  
Кўнглининг гул баҳорин қайтадан ёв айладинг, келдинг.**

## УЙҒУН ҒАЗАЛИҒА МУҲАММАС

*(Йигит тилидан)*

Эй, вухра, бизнинг ойга йўл тушса зора айтинг,  
Албатта ҳоли дилни аҳдида бора айтинг,  
Куйган юракни арзан сиз ошкора айтинг,  
Йиллар соғинганимни ул гулзора айтинг,  
Қоши қалам париваш, кўзи хумора айтинг.

Ким тарк этар вафони, ишқида мўътабар, ким,  
Севги йўлида кезган оламда баҳру бар, ким,  
Кимё этар вужудим бир ташласа назар, ким,  
Ишқида сўзла жоним ўртанди шунчаларким,  
Ҳажрида тоқатим тоқ, дил пора-пора айтинг.

Ул ёр ривосин истаб йўқ менда хобу роҳат,  
Агёр эли жазосин бермак дедим саодат,  
Қўлга олиб қуролим, айлаб ҳужумни гоят,  
Майдонда ул санам деб, душманга бўлдим офат,  
Бўстони гулга тўлган фасли баҳора айтинг.

Жон кулбасин чароғи бир умр менга йўлдош,  
Дил ровини дегайман ҳар кимга қилмасин фаш,  
Едим фаромуш атмай этсин ҳамиша бардош,  
Ҳижрон тунда дилбар беҳуда тўкмасин ёш,  
Сабр айласин, топилгай дардига чора, айтинг.

Гўр қазмасам ёвузлар манҳус кир танига,  
Уқ қўймасам фалокат зулматни масканига,  
То тиқмасам вужудин ёққан у гулханига,  
Киргизмасин мени ҳеч Фарғона гулшанига,  
Жонона, осмасам гар душмани дора, айтинг.

Кучли продатимдир ҳар дам мени паноҳим,  
Жангда зафар топарман, йўқ зарра иштибоҳим,  
Шу остона бўлгай Чархий қароргоҳим,  
Ғолиб бўлиб келурман Уйғун бўлиб гувоҳим,  
Наҳри ажал фашистни олгай канора, айтинг.

1965.

## ФУРҚАТ ХОТИРАСИ

Бу даврон, Фурқато, эл ичра қадрингни баланд этди,  
Суҳан дунёся сендек яхши шoirни писанд этди,  
Равон янграб таронанг, завқи бизни баҳраманд этди,  
Езилган ширин ашъоринг ҳаётинг нўшханд этди,  
Бериб дилларга сайқал сарфарозу аржуманд этди.

Қачонким бахт қуёши нур сочиб ғамлар йироқланди,  
Адоват тухми тубдан парчalandи, тумтарoқланди,  
Шаҳар, қишлоқ электр нурларидин чилчироқланди,  
Бу даврон сунди шафқат бодасини, халқ фарoғланди,  
Ҳасадчин комин аччиқ, дўстлар умрини қанд этди.

Маориф нурали ҳар хонадонда мўлу кўл бўлгач,  
Ғазаллар тўпламинг ёшлар қўлида қўлама-қўл бўлгач,  
Оқиб саҳрога сувлар, ҳар гнёҳ ҳам эмди гул бўлгач,  
Учиб космик ракета, ой сарига катта йўл бўлгач,  
Бу тилсимларни халқим қудратин илқига банд этди.

Сен орзу айлаган ҳар истагинг ҳал бу замон, Фурқат,  
Рояль созига қўшди соз назминг, меҳрибон Фурқат,  
Билим дарёсининг ғаввоси авлодинг шу он, Фурқат,  
Фурурим, дилда фаҳрим интиҳосиз, жонажон Фурқат,  
На хуш иқболу шуҳрат шoirи аҳли Хўқанд этди.

Суворовдек Ватан етказди кўп голиб баҳодирлар,  
Ажойиб қаҳрамон, шоввозлар ҳар фанга моҳирлар,  
Жаҳида тенги йўқ олим, адиблар, қанча шоирлар,  
Буқун тўйингда боғлаб белларини хизматда ҳозирлар,  
Ташаккур партиямга, Чархини соҳиб талапт этди.

1959.



## ДУСТИ ОЛИЖАНОБ ЭНДИ ҚАНИ!

(Ғафур Ғулом хотирасига)

У ёруғ моҳтоб энди қани,  
Юэда мавжи гулоб энди қани,  
Сийналардир каоб, энди қани,  
Фикри ҳозиржавоб энди қани,  
Дўсти олижаноб энди қани!

Шоиру олиму зарифу адиб,  
Меҳрибон мунису шафиқу қариб,  
Бўлмади суҳбати қуришга насиб,  
Ҳурмати беҳисоб энди қани,  
Дўсти олижаноб энди қани!

Олам-олам вафонинг мазмунин,  
Чинакам муддаонинг мазмунин,  
Дилга сидқу сафонинг мазмунин —  
Айлаган интиҳоб энди қани,  
Дўсти олижаноб энди қани!

Эй ўлим, бошга не азо солдинг,  
Дилга мотамсаро қаро солдинг,  
Нораво ғуссани раво солдинг,  
Сўен дурри хушоб энди қани,  
Дўсти олижаноб энди қани!

Фазл тоқич бэланд мақоми эди,  
Мирзо Абдугафур Гуломий эди,  
У жарангдор кўнгулнинг жоми эди,  
Жом синди, шароб эди қани,  
Дўсти олижаноб энди қани!

1966.

## КЕЧАСИ

*(Сурманисо ғазалига Чархий билан Комил Жўра мухаммаси)*

Тун қоронғисидин ўтгай шони ҳижрон кечаси,  
Ёр васлин топмаган ошнққа армон кечаси,  
Партави ҳуснингни ташлаб лутфу аҳсон кечаси,  
Базмдин бспарда чиқ зинҳор жонон кечаси,  
Оразингдин бурқа оч эй, моҳитобон кечаси.

Қилгуси қаршингда таъзим у фазо Зухроси ҳам,  
Ҳар дам эл ақлини олмиш қоматинг зебоси ҳам,  
Эгма қошинг ханжари ҳам, кўзларинг шаҳлоси ҳам,  
Кўнглими ошифтаҳол айлар сочинг савдоси ҳам,  
Сувбулингни қилмагил эй, гул паришон кечаси.

Куймасин шамъи висолингни ниҳон тут халқдин,  
Лабларинг устида холингни ниҳон тут халқдин,  
Сарв қадди бемисолингни ниҳон тут халқдин,  
Моҳитобоним, жамолингни ниҳон тут халқдин,  
Шамъи янглиғ дийдаларни қилма гирён кечаси.

Дарс олур ушшоқ эли ҳар дам китоби зулфидан,  
Етмасин деб қаҳр кўнглимга итоби зулфидан,  
Шул сабаб дяллар паришон инқилоби зулфидан,  
Ламъайи рухсори зоҳирдир никоби зулфидан,  
Гарчи бўлмайдир қуёш чиқмоққа имкон кечаси.

Йўллариғ узра сочилишидир кўзимнинг гавҳари,  
Тан қолиб кетгай изингдан жсну кўнглим илгари,  
Не ажабки, йўларингга кўзларим боққан сари,  
Кундузи ҳарчанд пинҳонсан кўзимдан, эй пари,  
Ой юзингни мен ғарибдан қилма пинҳон кечаси.

Бўлмадим хушнуд ҳеч дилдор бирла май ичиб,  
Лоларанг юз, кўзлари хумор бирла май ичиб,  
Ақлим олган ул шакар гуфтор бирла май ичиб,  
Субҳдин то шом сен агёр бирла май ичиб,  
Мен қилурман кўзларимдан гавҳарафшон кечаси.

Кўкда юлдузлар эмас, у танда қоним ўтидин,  
Шул сабаб осмон чақин чақмиш басним ўтидин,  
Комил ишқим Чарх даврида нишоним ўтидин,  
Сурмасо, бахтим қаро бўлди фигоним ўтидин,  
Элга кўпроқ зоҳир ўлди лек афгон кечаси.

1963.

## ФАРҒОНА

Яна қаламда бу Фарғона шухратин тилаги,  
Саҳифаларда унниг номи назмлар безаги,  
Баҳори файзли, чаман, шарбати-ла кон кузаги,  
Узоқ-яқинга бўлур тухфа ҳосилин сараги.  
Чигитдан оппоқ «оқ олтин» ва пилладан ипағи.

Шәҳардек ҳар бир қишлоқ гулу гулистонлар,  
Биноси муҳташам, ойнабанд айвонлар,  
Тамоми боғи эрам, ҳамма ёқ чароғонлар,  
Ҳамгша ризқи улур, неъматин фаровонлар,  
Йўқ энди кулбаларин чим қовоғу, лой кесағи.

Қўриқ ери-ла эмас, сув билан ҳаёт олам,  
Сувн-ла туп қўйишиб, ҳам фалак ёзур одам,  
Сувн-ла ҳосили мўлдур замин-замон ҳардам,  
Қилинг канални томоша, ҳар икки соҳили ҳам,  
Чинору сада билан сарву арвуғон, терағи.

Азим бу ишга юриб халқ, кўп канал қазди,  
Ота-боболаримиз қазди, ҳар маҳал қазди,  
Уларга бўлди меросхўр сувн асал қазди,  
Ватан муҳаббатидан чарчамай жадал қазди,  
Кучин намойиш этиб қанча қаҳрамон билаги.

Тўғонни тўсу ариқ кавча, бу машаққатлар,  
Йўқолди, техника хосияти-ла иллатлар,  
Кўпайди сув кўпайиб қанча нозу неъматлар.  
Чунончи мевада Фарғона топди шухратлар,  
Бошини Водил ила Чимён десак, Элаш этаги.

Қовунда Оққўл Умрибоқи-ла чиқарган от,  
Гулоби, Файзимири, Ноки ўйнашиб шахмат,  
Тараф бўлиб Калҳасан ёнида Чипор, Бекзод,  
Умрбоқи ширинак ўйнаганда бўлган мот,  
Водилни Бешаги-ю Пандигонни ҳандалаги.

Кузакни энг сара Пирсиздаги пишиб ҳал-ҳал,  
Бўлакча ҳусн берур кўзга ҳар қовун пайкал,  
Асаддаги Жўрақанд банджудо бўлур ҳар гал,  
Амири ҳам саратон кирса у дегай дангал,  
Ҳамма қовун жигаримдур, барини ўзим юраги.

Тугатмай ёз фалагини кувгиси келиб етди.  
Полизда кесма қовунлар етилди «Гурскетди»,  
Авайлаб асради, тутди, баҳорга улгурди,  
Белига қувга чегиб икки қўл билан тутди,  
Тугатмас ашрафи деҳқон эса шакар палаги.

Пишиб етилса агар Марғилонда ҳам луччак,  
Келин саломи каби ҳар ниҳоли ҳойинчак,  
Латофати бўлагу, лаззати давоси бўлак,  
Тановул айласа топди шифони хаста юрак,  
Қува анорини худди қиёми қар бўлаги.

Агар-чи олма, анор, нок десам Наманган кон,  
Тўлашда Кўкча-ю, анжир макони Оққўрғон,  
Элаш ҳусайниси олтин беҳига Ганжиравон,

Урикда таърифи Мирсанжали десам Риштон,  
Хусусан ўткири Муллагадойи жавпадаги.

Узумда шухрати кетган жаҳонда Нурсуздур,  
Тағоби, Чилги, Чарос, Соҳиби, шакар ангур,  
Хусайнию, Ҳасани, Тўси, Кишмиши машҳур,  
Майизи дастакв деган, мусалласи манзур,  
Қишв-ёзин тўла томда варақлаган челаги.

Бу водий айлана қўнмай ким ҳам ўтолмайди,  
Тиниқ сувни татиганлар сира кета олмайди,  
Қалам. қогоз шошилиб таърифин битолмайди,  
Садоқат аҳли мудом меҳнат ичра толмайди,  
Шу нозу неъматин бирлан жаранглаган юраги.

Баҳодирона юриб, ғози бўстони ичра,  
Товус хиромлари меҳнат-ла комрон ичра,  
Навода булбули хушнагма, хушбаён ичра,  
Агар-чи нисбати қуш, Чарх уриб жаҳон ичра,  
Палакни олма каби ўйнатурда сипчалаги.

## МУҚИМНИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Ер бўлсин сенга, ёрим, бахт — иқбол, ўргилай,  
Кўрганимда сўз деёлмай тилларим лол, ўргилай,  
Мунча ҳам ширин забонинг, суҳбатинг бор, ўргилай,  
Қоматингдин боғ аро сарв сиҳи дол, ўргилай,  
Гул юзинг кўргач, магар ошнфта аҳвол, ўргилай.

Мен сенга боғландим, аммо гайр меҳрин боғлама,  
Гоҳ боқиб бегоналарга кўксими тириюглама,  
Рашк ўтида куйдириб, куйган юрагим доғлама,  
Икки кунлик ошнойн бегараз деб чоғлама,  
Мен дуоғўй бўлганимча мукчайиб чол, ўргилай.

Кимга кўнгул розини дей, меҳрибоним, сен туриб,  
Кимга дей арзи баёним телбалардек бош уриб,  
Арзимасму бир йўли кетсам қаддин ўргилиб,  
Хулқи хуш, ширин такаллум қолмади сенда кўриб,  
Узга маҳвашларни меҳри дилда мисқол, ўргилай.

Тут қулогиягни, қилай кўнглум баёнин бирма-бир,  
То будам ақлу ҳушим йўқ қайси кун бўлдим асир.  
Билмаган ҳолимни кўрса, Чархий девона дер,  
Номингиз бирлан Муқим назмини қилди дилпазир,  
Бошидан ҳар байт исминг ҳарфини ол, ўргилай.

1956.



## **БУ КҮНГУЛДИР — БУ КҮНГУЛ**

*(Лутфий ғазалига мұхаммас)*

**Ишқ даъво қиладирган, бу кўнгулдир — бу кўнгул,  
Яна ғавго қиладирган, бу кўнгулдир — бу кўнгул,  
Дард пайдо қиладирган, бу кунвулдир — бу кўнгул,  
Мени шайдо қиладирган, бу кўнгулдир — бу кўнгул,  
Хору расво қиладирган, бу кўнгулдир — бу кўнгул.**

**Унамас телба кўнгул шунча гапирсам, нетайин,  
Бу кўнгулсивлик ила ҳар кеча мотам, нетайин,  
Йнгулур бошима дардсиз неча одам, нетайин,  
Борма дерлар эшиги сори дамо-дам, нетайин,  
Кўп тақозо қиладирган, бу кўнгулдир — бу кўнгул.**

**Йўқ алам кундузи ёди ила, қайғу кечада,  
Келадир гоҳи димоғимга суманбу, кечада,  
Сепадир йўлига кўзлар мижадин сув, кечада,  
Тори мўйи ҳаваси бирла қоронғу кечада,  
Жонни савдо қиладирган, бу кўнгулдир — бу кўнгул.**

**Кўриб ул ёр вафо кенгошини, э Лутфий,  
Ғаҳ итоб устида ханжар қошини, э Лутфий,  
Отмасин Чархийга кулфат тошини, э Лутфий,  
Узгадин кўрма кўзингнинг ёшини, э Лутфий,  
Айни дарё қиладирган, бу кўнгулдир — бу кўнгул.**

## ДАВР ИЛҲОМИ

Давр таронасин сузиб субҳда най, наво билан,  
Қалб қулогига берар замзана, хуш садо билан,  
Уйғонар эл шу субҳи дам сидқи дилу ризо билан,  
Отланар ўз иши тамон барча йигит вафо билан,  
Барча йигит вафо билан, қиз одобу-ҳаё билан.

Яшнади, гуллади Ватан, дилда жаҳон-жаҳон сурур,  
Халқ саодат авжида меҳнатидан топиб ҳузур,  
Ҳар азамат маҳорати аҳли қалам учун шуур,  
Ҳар кун қанча янгилик, мўъжиза конимизда дур,  
Мўъжиза конимизда дур, ҳикмати кимё билан.

Қишлоқ ила шаҳар бари турмуши бир бисоти ҳам,  
Қишлоқ экиб, шаҳар тўқир, боғланадир ҳаёти ҳам,  
Ердан унар хусули ҳам, мамлакат эҳтиёти ҳам,  
Пахта терар машиналар техника мўъжизоти ҳам,  
Техника мўъжизоти ҳам янгича яхтиро билан.

Ҳар киши қўйса бир кўчат чўлга, у чўл чаман бўлур,  
Ҳар киши қўшса янги кашф, қўшгани илму фан бўлур,  
Дониш эли гапирса гар ҳяссаси анжуман бўлур,  
Яшнагиб элнинг қудрати, қудрати зўр Ватан бўлур,  
Қудрати зўр Ватан бўлур, меҳнати муддао билан.

Қойил эрур бутун жаҳон аҳли, совет замониға,  
Яъни, улуғ замонамиз ҳикматч, имтиҳониға,  
Тўртта забардаст ўғлимиз йўл олиб ой томониға,  
Сайр этишиб, эсон-омон қўнди яна нишониға,  
Қўнди яна нишониға, ерни қучиб фазо билан.

Ез бўйи бизни пахтакор тер тўкишиб пешонадан,  
Парвариши, яганаси ҳар бири дон-донадан,  
Сувчи тун уйқудан кечиб, сувни қуйиб нишонадан,  
Заррача нобуд айламай, ҳосилин олди шонадан,  
Ҳосилин олди шонадан, тарбияти расо билан.

Чархий бу зар саҳифаға чекди рақам, олиб мадор,  
Бахт абади, ҳаёт улуғ, умр ширин, кўнгил баҳор,  
Ҳамма бир-бириға дўст, ҳамма бири-бириға ёр,  
Коммунизм баҳорини завқу қувончи ошкор,  
Завқу қувончи ошкор, партия раҳнамо билан.

## ҒАЛАБА МАДҲИЯСИ

Эй нурли қуёш, бахт чироғи назарингдан,  
Ҳаққоний ҳаёт болу-пари жилваларингдан.  
То етди хабар лочини ул тез — паршигдан,  
Эй давр, кўнгул шод бу файзи саҳарингдан,  
Дилларга фараҳ бахш этувчи хабарингдан.

Ол қўлга ширин бахту — зафар кайфли бодани,  
Ейсин шарафинг савтини кўкларга шабоданг,  
Тил дол, қалам ожиз әрур этсак ифоданг,  
Халқим, ватаним бахтию-иқболи ироданг,  
Нур олди чаман чеҳраси дурри гуҳарингдан.

Кўнгул гули бу дамда қувонч боғида порла,  
Шодликни ҳамда шоҳиди япроғида порла,  
Мағрур тутибон юз бу зафар чоғида порла,  
Эл байроғи зўр бу ғалаба тоғида порла,  
Етдинг энг улуг маррага ғолиб сафарингдан.

Борлиққа сабаб бўлди сенинг аҳду низоминг,  
Соқий майи-ла меҳру вафодан тўла жоминг,  
Чарх урса қадаҳ янглиғ жаранглаарда поёминг,  
Мангу бу башар тарихида қолғуси номинг,  
Эй шонли, азиз ўлка бу ўчмас зафарингдан.

*1945 йил, 27 май.*

## ШИРИН УСТИГА ШИРИН

(Собир Абдулла ғазалига мухаммас)

Қалам саҳифага чекса рақам, баён ширин,  
Ширин баён ила мазмун бўлур равон, ширин,  
Умри ўтказа бермоқ эгон-омон ширин,  
Ҳаёт лаззати будирки, жисму жон ширин,  
Кишики тинч, татир унга бурда нон ширин.

Шириннинг фарқини билмас касал, ширин татимас,  
Мижози айниган инсон масал, ширин татимас,  
Дилида баҳраси йўққа, ғазал ширин татимас,  
Кимки турмуши аччиқ, асал ширин татимас.  
Оғиз чучирми демакдан фалон-фалон ширин.

Мулссар ўлса кўришмоқ, у юзнинг таъми бўлак,  
Нигоҳ этса нигоринг у кўзнинг таъми бўлак,  
Таом лаззатида якка тузнинг таъми бўлак,  
Ҳамма ширин ичида яхши сўзнинг таъми бўлак,  
Шакар лабида эмас гап, эса забон ширин.

Етар муродига яхши юриб жадаллигича,  
Емон ниҳони қазар чоҳ, оёғи шоллигича,  
Тузалмагай яра қалблар, турар касаллигича,  
Асалга минг арис қўнсин, қолар асаллигича,  
Қалампирингга қалиштир асал: қачон ширин.

Емонда зарра ҳасад бўлса ҳам бадан ичра,  
Ҳасадни тарк эта олмас ўлиб кафан ичра,  
Ниҳони яйрамагай турса гул тикан ичра,  
Қўнарга ин тиламас авдалиб чаман ичра,  
Тунар бисоти тикандир, шу ошён ширия.

Қоронғи йўлга қадам қўймагил хатар деб бил,  
Емон рафиқ сўзини жон учун зарар деб бил,  
Ғаравли кимса илик тутса сен заҳар деб бил,  
Ҳақиқий дўст заҳар тутса сен шакар деб бил,  
Берияда қилмаса миннат, чунон-чунон ширия.

Ҳамиша зулмату ғамдан омон эрур кўнглим,  
На хуш, вужуди саодат нишон эрур кўнглим,  
Ҳаёт завқи билан бир жаҳон эрур кўнглим,  
Шарафли меҳнат ғла комрон эрур кўнглим,  
Қалам туфайли ҳаётим ҳамон-ҳамон ширия.

Езурда Чархий бу дорилмон гўзаллигини,  
Қилай баён мудом гул макон гўзаллигини,  
Тузай асарда ажойиб шу он гўзаллигини,  
Тасаддуғи бўлайин ҳур замон гўзаллигини,  
Ширин газал тўқи, Собир, замину замон ширия.

1962.

## БУЛ ОМОН

Толемга кўп замонлар шўхи дилбар бўл омон,  
Нозанинлар ичра танҳо нозпарвар бўл омон.  
Сен гўзаллар сарвари маҳбубу лобар бўл омон,  
Тун қаросидин қаро зулфи муанбар бўл омон,  
Хоҳи лутф эт, ноз қил, менга баробар бўл омон.

Гарчи сендин мен йироқ, кўнглим висолингга яқин,  
Орзу айлар жамолингни тамоми махжабин,  
Тўтиё излар изингдин кўзига оҳуйи чин,  
Зарра мазмунига етсам деб белинг нозиклигин,  
Қадди-бастинг мойили сарви санубар бўл омон.

Олма рухсорингни ойга ўхшатиш амри маҳол,  
Сен малоҳатда, назокатда эрурсан бемисол,  
Сўзга лаб очсанг табассум чоғи мен васфингда лол,  
Хусни одобингга ҳаргиз етмасин ғамдин малол,  
Бу ширин хулқинг ўзингга зебу-зевар бўл омон.

Лаъли серобинг хумор айлар майи майхонадек,  
Сўзларинг гавҳар мисоли тишларинг дурдонадек,  
Кўрмади олам кўзи сен наргиси мастонадек,  
Чарх урар кўнглим жамолинг шаъмига парвонадек,  
Кўрмайин доғингни ҳаргиз, лабэн шақкар бўл омон.

10/IV—1958.

## НАВОИИ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Зор кўнглум найлайин, бир маҳлиқоға мубтало,  
Кўз унинг ҳуснига-ю, кўксим яроға мубтало,  
Тонг эмаским, най каби бўлсам навоға мубтало,  
Ваҳки, бўлдим ишқ аро бир бевафоға мубтало,  
Бўлмасин аҳли вафо бундоқ балоға мубтало.

Билмағайму кўйида танҳолигимни ҳар киши,  
Ғам чекиб минг дард ила ошнолигимни ҳар киши,  
Ҳажрида пайдо у нопаддолигимни ҳар киши,  
Англағай мажнунлиғу шайдолигимни ҳар киши,  
Ким бўлибдур бир париваш дилрабоға мубтало.

Майли, эл афсона аҳволимга кулса не ажаб,  
Ғам юки бирлаи қади долимга кулса не ажаб,  
Гоҳи ибдор, гоҳи иқболимга кулса не ажаб,  
Подшо бирла гадо ҳолимга кулса не ажаб,  
Бўлса мен янглиғ гадо бир подшоға мубтало.

Айб эмас, бўлма улус мастона кўнглумдан малул,  
Дўст бўлсун хоҳи ул бегона, кўнглумдан малул,  
Шамъи ҳуснида ёнар парвона кўнглумдан малул,  
Бўлмиш ул кофир ғами девона кўнглумдан малул,  
Ҳеч кофир бўлмасин мен мубталоға мубтало.



Шайх бўлсанг, кел кароматингни бир нақд айлаким,  
Тарки тасбеҳу ридо бирлан ўзинг мард айлаким,  
Токи ишқ атворини билмак учун аҳд айлаким,  
Зоҳидо, расволигим тан айладинг жажд айлаким,  
Бўлмагайсан ул кўзу қоши қароға мубтало.

Дема кўнглум, ул қаро кўздин менга навора йўқ,  
Ори-ори сен каби саргашта-ю овора йўқ.  
Бунда бахти қоралигдан ўзга сенга қора йўқ,  
Бу балодин ошно бегонаға чун чора йўқ,  
Хоҳи бўл бегонаға, хоҳ ошноға мубтало.

Носиҳо, дайр ичра бўл майхўрлар дил хастаси,  
Қўй риёли тоатингни, бўлма ғам пайвастаси,  
Ишқ ила келгай қўлингга мақсадинг гулдастаси,  
Кир харобот ичра, бўлгин риндлар вобастаси,  
Хонақода бўлгуча аҳли риёға мубтало.

Ул жафожў ҳасратидини дилда дардим беқиёс,  
Бу эди аҳдим, шунчалар ёлбордим, этдим илтимос,  
Чарх жабр этдиму менга ёки бахти беасос,  
Эй Навоий, ёна ул бадаҳдин бўлсам халос,  
Аҳд қилдимки, ёна бўлмай ёноға мубтало.

## ИШҚ ШАЙДОСИ

(Маъдан газалига мухаммас)

Фигонким дилбарим ҳолим билиб йўқ зарра парвоси,  
Не савдоларни солди бир бошимга шўр гавғоси,  
Не тонг оламини тутса кўз ёшимни қонли дарёси,  
Қариган чоғда тушди бошимга мажнун алолоси,  
Мени эл таъна этарларким, бўлибсан ишқ шайдоси.

Дилимдан ҳарнаким, розимни дафтарга савод айлаб,  
Мишамни хомадек, кўз косасин гўё давот айлаб,  
Чекарда сафҳага ҳар бир рақамни еҳтиёт айлаб,  
Сабога арза тутдим дуди оҳим иҳтилот айлаб-  
Ки шояд раҳм қилгай англагач хаттимни фаҳвоси.

Мени айб айлабон аҳбоблар арзи малол этманг,  
Қуюндик йўқ қарорим ўзга сурат иҳтимом этманг,  
Жунунин дафъига бўлгайди ҳозик, деб хаёл этманг,  
Кўриб беҳудалигим, эй дўстлар, мендан савол этманг,  
Улус оворасиман сўрамагизла: ишқ савдоси.

Ҳамиша маҳрами асрор кўнгли пок ўлуր ҳар дам,  
Унинг сарманзили кошонайи эфлок ўлуր ҳар дам,  
Эсизким бевафолар аҳдида бебок ўлуր ҳар дам,  
Менинг юз пора кўнглим шона янглиг чок ўлуր ҳардам,  
Эшитгач тонг елидан муждайи зулфи муттароси.

Фано айлаб вужудим ёр тупрогинда ястандим,  
Бало тўпони мавж урганда қиргогинда ястандим,  
Қазиб сув Қўдқандик ҳажр ирмогинда ястандим,  
Таним қонимга булғаб Бестун тогинда ястандим.  
Менга кўрсатмадилар жодан мажнунни саҳроси.

Не лутф ўлғай менга ким ишқаро аҳли мададлардин,  
Қочарлар алҳазар деб яхшилар, биз ҳоли бадлардин,  
Етиб ағёридин таъну, жафо аҳли ҳасадлардин,  
Кўнглига тоза-тоза доғ тўлди сарв қадлардин,  
Табиий ишқдин сўр фикр маълўжким мудовоси.

Не ҳожат сенга Чархий зухди-ла қалбинг хуноб этмак,  
Умр вақдинасин бир нася ҳосил деб хароб этмак,  
Надур куйган жигарни қайта ёндирмак, кабоб этмак,  
Қарнигда май ичмак раъфи исёни шабооб этмак,  
Раво эрмасмукин? Эй муфтилар Маъданин фатвоси.

## БАРДОШИНДАДИР

*(Навоий ғазалига мухаммас)*

Бахту толе то абад бу дилбарим қошиндадир,  
Кўзу-кўнгул ҳайрати ҳам ҳусну наққошиндадир,  
Ер васлини истамак ишқ аҳли бардошиндадир,  
Не ажабким сарвинозим ўн саккиз ёшиндадир,  
Ун саккиз минг олам ошуби анинг бошиндадир.

Қош ярим ойдан чиройли, кўз ярим тундан хумор,  
Хуснидан юз ишва пайдо, зулфидан тонг ошкор,  
Не ажаб боғланса холига кўнгул бенхтиёр,  
Десаким бўлгай яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор,  
Ун саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадир.

Лаъли хуммор этса ҳардам, меҳри кўнгул тўлдирур,  
Марҳамат чоғи нигоҳидан ишорат билдирур,  
Гоҳи нози этса ҳайрон, гоҳи лутфи кулдирур,  
Ун саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса улдирур,  
Хусн шоҳи ул балоларким кўзу қошиндадир.

Рашқдан кўз косасига тўлса аввал қаҳр ашк,  
Дурду-гам селобасидан эрди гўё наҳр ашк,  
Тўхтагай Чархий бу даврон аҳли ҳарғиз заҳр ашк,  
То Навоий тўқди ул ой фурқатидан баҳр ашк,  
Ҳар қачон беқсам қуёш акси анинг ёшиндадир.

4/III—1958.

## ЎЗБЕКИСТОН БАҲОРИГА

Эй нурли Ватан, шўх баҳор, ёзларинг бор,  
Езингда пишар — неъмат, хўб созларинг бор,  
Ким қўйса қадам, ҳурмату эъвозларинг бор,  
Гулдан тўшалур элга поёндозларинг бор,  
Чунки, азамат халқингу шоввозларинг бор.

Даргоҳинг улуғ, довругинг оламча десам оз,  
Ҳар бир сифатинг зикри эрур бир-биридан соз,  
Илҳоминг ила, қалбим этар кўк сари парвоз,  
Санъатда зариф, фанда рашид, халқига жонбоз,  
Ҳар ному фунун авжида мумтозларинг бор.

Ҳар бир азамат меҳнати: мезони чиройинг,  
Ҳар бир шарафинг шуҳрати: бўстони чиройинг,  
Чўл бағрида гул, дашт: гулистони чиройинг,  
Сунъий эмас ул, юздаги алвони чиройинг,  
Маънан деса, пардоз на андозларинг бор.

Қалб туйгулари меҳр булогингда етишди,  
Сув ичди тузинг тотди, қучоғингда етишди,  
Ҳар дурру, жавоҳир бари тоғингда етишди,  
Жон лўзат олур меваки боғингда етишди,  
Боғбону миришкор чапандозларинг бор.

Ҳиммат камарин боғлабон ишни басар этган,  
Чўлларни қувиб, шўрини зеру забар этган,  
Олтин яратиб, ўзини соҳиб зафар этган,  
Ихлос ила бир донани минг-минг гуҳар этган,  
Майдонда пўлот отли чавандозларинг бор.

Фахринг ила ҳар қалб ҳаво айласа арзир,  
Ҳуснингга боқиб, нашъу-намо айласа арзир,  
Сендан дилу жон касби зиё айласа арзир,  
Булбул каби, бу Чархий наво айласа арзир,  
Шуҳратда само авжига парвозларинг бор.

## БАШАР ҲАЕТИДА

Бу тўрт фасл ичида элга жон нисор — баҳор,  
Шунинг учун бутун одам дегай: баҳор-баҳор,  
Суви зилолу шифодир оқарда қор — баҳор,  
Ерида сабза дейин ёки лолазор — баҳор,  
Трактор ўтди кўчамдан қатор-қатор — баҳор.

Очилди баҳри, чўпон аҳлининг қўлида таёқ,  
Тикилди, қўлни қўйиб чаккага узоқ-узоқ,  
Кўзига илғамади чеки йўқ яшил ўтлоқ,  
Ёшилди, яйради қўй, қўзи ила эчки-улоқ,  
Қуёш тиг урди, кулиб келди чорвадор — баҳор.

Югурди, кетмон олиб пахтазор сари дехқон,  
Қилишга бу йили ҳам колхозини пахтага кон,  
Ерини ҳайдади кўч, муҳайё барча имкон,  
Чигит чиқарди қулоқ, ҳаммани қилиб шодмон,  
Авайлади, таради, уста пахтакор — баҳор.

Башар ҳаётинда энг мўътабар баён — кўклам,  
Вужуд бўлса бу ер, бу вужудга жон — кўклам,  
Тўлар кишига қувонч, келса ҳар қачон кўклам,  
Қуёшни меҳр дегайларки, меҳрибон кўклам,  
Садоқатини қилур йилда ошкор — баҳор.

Ёзишда, голиб элинг таърифин, қалам, тинма,  
Кўнгила орзуларин сен ёзишда тортинма,  
Кел, э қоғоз, туганма, қалам учи, синма,  
Ёзишда шеър равон кет, йўлингда туртинма,  
Кезишни Чархий қилур йилда ихтиёр — баҳор.

1955.



## ҲУВАЙДОГА МУҲАММАС

Жаҳон боғи неча кун жон қушига жойи роҳатдир,  
Қўниб ўтмоққа манзил ва макони истиқоматдир.  
Дема зоҳид қўнгилни чоғ этиш журми ниҳоятдир,  
Йигитликда май ичмаклик не хуш бахту саодатдир,  
Қарилик мавсуми меҳнат, йигитлик чоғи роҳатдир.

Ғаму ҳижрон ила ўтган умрни кони меҳнат, бил,  
Қўнгил овлар нигоринг тупроғини искири жаннат бил,  
Висол айёмини ҳар бир дамин лутфу иноят бил,  
Гулистон мавсуми ўлди май ичмакни ғанимат бил,  
Тириклик кўп эмас, бир кўз юниб очгунча фурсатдир.

Сен э носих, йиғиб пандини елканг узра юз қон эт,  
Мубоҳу шубҳа макруҳ барчасини йиғ, ўзни сарроф эт,  
Май ичмаклик ҳаром деб майли сен ҳар қанча сўз лоф эт,  
Кел, э соқий, кетур жоми паёпай бодани соф эт,  
Юрутгил косан даврон, бу дамлар ҳам ғаниматдир.

Муҳаббат шавқидан холи қўнгил амрига мард кирмас,  
Ҳароратсиз юракнинг суҳбати завқу сафо бермас,  
Ҳамиша ҳамнафас созанда ким созини айрилмас,  
Дафу танбуру бенай бода ичмак ончи хўб эрмас,  
Кел, а мутриб, ғазалхонлик, бугун айёма ишратдир.

Еруг дунё матон гам эса шулду<sup>р</sup> харидим деб,  
Ичай тўйгунча дўстлар журъа тотган кунлар идим деб,  
Бугун майхона қулфини очгали Чархий калидим деб,  
Хувайдо, тавба қилма бода ичмакдин қардим деб,  
Май ичмаклик қариганда гизон руҳи роҳатдир.

1934.

## ЖОНАЖОН ТОШКЕНТ

Камол топ бахту толе бирла халқи қаҳрамон Тошкент,  
Советлар Шарқининг сен машъали олий макон Тошкент,  
Билимлар маркази ҳикматга бағри тўла кон Тошкент,  
Бу гал голиблагинг кўрсатди доғин бир жаҳси Тошкент.  
Тамоми таърифинг этмакка ожиздир баён Тошкент.

Машина дастёру, мушкул осон, муддао дерлар,  
Шунинг-чун техника ҳал этгучи зўр кимё дерлар,  
Бунга ким меҳр қўймас, билаки ҳурматдан жудо дерлар,  
Киши аҳдида содиқ бўлса чин аҳли вафо дерлар,  
Вафо бўстонида гул уздинг айлаб армуғон Тошкент.

Ажойиб тажрибанг бирла қўшиб ҳосилни-ҳосилга,  
Бу гавҳарларни нобуд этмадинг, олдирмайин елга,  
Музаффарсан бу йил ҳам келтириб меҳнатни қойилга,  
Изиндан Чарх уриб Фарғонамиз етмоқда манзилга,  
Ҳама область ичида пешқадамсан жонажон Тошкент.

1964.

## БИР МЕНМУ

*(Муқимий ғазалига мухаммас)*

Кўзинг сеҳрига олам ақли ҳайрон ўлди, бир менму.  
Юзинг васфида ожиз тил ғазалхон ўлди, бир менму,  
Қаро зулфинг кўриб сунбул паришон ўлди, бир менму.  
Асири чашминг оҳуйи биёбон ўлди, бир менму,  
Кўриб ойна ҳам ҳуснига ҳайрон ўлди, бир менму.

Туғилмас сен каби бир нозанин фарзанд бу дунёда,  
Топилмас хислатинг мингдай бири Ширину Лайлода.  
Шукуҳу шавкатинг донги заминуту сурайёда,  
Куяр жисмим на танҳо ишқинг ўтидинки саҳрода,  
Тушиб ўт лолалар ҳам жумла сўзон ўлди, бир менму.

Турардим йўлларингда кечалар уйқум йироқ айлаб,  
Магар субҳи саодат жилва қилди дилни чоғ айлаб,  
Чиқиб ногоҳ ҳарамдин партави ҳуснинг чароғ айлаб,  
Руҳ очдинг пардадин ул субҳидамким, сайри боғ айлаб,  
Қолиб хижлатда гул чоки гирибон ўлди, бир менму.

Такаллум чоғи лабдан дур сочиб устига шаккар ҳам,  
Табассум айладинг, ўз қийматин синдирди гавҳар ҳам,  
Езиб мадҳинг туганмас Чархий девонида дафтар ҳам,  
Висолинг лаззатидин баҳралар топган ҳарифлар ҳам,  
Келиб айлар Муқимий Янгиқўрғон ўлди, бир менму.

1962.

## «ФУРҚАТ» БОҒИГА

Эски, вайрон расталар ўрнида пайдо янги боғ,  
Қилди кўп ҳусн аҳлини ҳуснига шайдо янги боғ,  
Кундузи оромгоҳ, тунда тамошо янги боғ,  
Соя-салқин, покиза, сербахра, зебо янги боғ,  
Урни шўр ботқоқ эди, бўлгунча бу то янги боғ.


Қанча миннатдорлик этсам оз замона аҳлидан,  
Чўлга гар қўйса қадам, гулдан нишона, аҳлидан,  
Чин вафо кўрдим Ватаннинг ошиқона аҳлидан,  
Топди булбул бу шаҳарда ошиёна, аҳлидан,  
Сайрасин булбул деди, қилди муҳайё янги боғ.

Қулфу райҳонлар сочиб бўйини, атру жамбули,  
Тортадур оҳанрабодек ўзига боғнинг йўли,  
Авж гурунг чойхоналарда, сайрагай халқ булбули,  
Гоҳ нозик аския зўр, серкиноя кулкили,  
Тонг отар серяллаю серзавқ, мусаффо янги боғ.

Тарихини тартибли тузган бу гулистони гўзал,  
Сайр этарда боғ кўнгилли, юрса меҳмони гўзал,  
Бунда шийпон ўлтиришлик, унда айвони гўзал,  
Халқ хушвақт, бахтиёру келди даврони гўзал,  
Артизон мунча ширин, дилларга шифо янги боғ.

**Қайдасиз, устоз Фурқат, очди гуллар боғингиз,  
Жамланди маърифатли дўстингиз ўртоғингиз,  
Едланарсиз, бу шаҳарга сиғмаган у чоғингиз,  
Чархийдек шогирдларингиз чеккан эрди дорингиз,  
Сиз ҳаётсиз, давр бизга қилди савго янги боғ.**

**1945.**



## МУСАДДАСЛАР

### ФАРҒОНА ҚУШИҒИ

Ўзбекистон мардонаси Фарғона,  
Кенг ўлканинг гулхонаси Фарғона,  
Кўкни ўпган кошонаси Фарғона,  
Равноқ топган корхонаси Фарғона,  
Пахтакорлар Фарғонаси, Фарғона,  
Республикам дурдонаси Фарғона.

Кўқон чаман даврим берган баҳода,  
Ҳам санъату, саноату савдода,  
Сўхдан оқар Зарафшони дарёда,  
Қайнар булоқ донг таратган дунёда,  
Пахтакорлар Фарғонаси, Фарғона,  
Республикам дурдонаси Фарғона.

Бор Марғилон шаҳринг — ипакнинг кони,  
Шоҳи-атлас тўқир қизу ўғлони,  
Дастурхондан узилмайди меҳмони,  
Сўз, аския, қаҳқаҳанинг макони,  
Пахтакорлар Фарғонаси, Фарғона,  
Республикам дурдонаси Фарғона.

Қува-қува ушлай десам гулзоринг,  
Асакадан то Андижон гулзоринг,  
Ғайрат билан юксак ишда бароринг,  
Ёзёвонинг обод: яшнаб баҳоринг,  
Пахтакорлар Фарғонаси, Фарғона,  
Республикам дурдонаси Фарғона.

Сен Фарғона тарих бўйлаб парвозинг,  
Ҳеч бўлмаган бундай баланд овозинг,  
Замонамда ошди ҳурмат эъвозинг,  
Омон бўлсин шуҳрат топган шоввозинг,  
Пахтакорлар Фарғонаси, Фарғона,  
Республикам дурдонаси Фарғона.



## БУЛАКЧА

Ҳар аҳли қаламда сўз бўлакча,  
Сўз бўлса-ю унда туз бўлакча,  
Ҳусн аҳлида оҳу кўз бўлакча,  
Гар бўлса ҳаё рамуз бўлакча,  
Қиш хислати бошқа, куз бўлакча,  
Бегонани қўйки, ўз бўлакча.

Боғ мавсуми сайри гоҳ бўлакча,  
«Гулёр»у, «Ажам», «Дугоҳ» бўлакча,  
Ер кўзларида нигоҳ бўлакча,  
Дилдан дема чиққан оҳ бўлакча,  
Дил-дилга берур паноҳ бўлакча,  
Ишқ аҳли бўлак, сипоҳ бўлакча.

Тун файз берар саҳар бўлакча,  
Тур, ётма бугун хабар бўлакча,  
Ғофилга келур хатар бўлакча,  
Ҳушёрга мудом зафар бўлакча,  
Ҳиммат белида качар бўлакча,  
Иш бошқача-ю ҳунар бўлакча.

Кўздан мени ҳасратим бўлакча,  
Ноз чоғида ҳолатим бўлакча,  
Ихлосу муҳаббатим бўлакча,

Ишқ ичра садоқатим бўлакча,  
Ҳижронида одатим бўлакча,  
Ёдида ҳаловатим бўлакча.

Ой бопқача, офтоб бўлакча,  
Фанлар ичида ҳисоб бўлакча,  
Бефаҳм ким эрса хоё бўлакча,  
Берганда савол жавоб бўлакча,  
Ҳар нарсада обу-тоб бўлакча,  
Тинчлик бўлак, изтироб бўлакча.

Дўстлик ипидир таранг бўлакча,  
Душман дили бунга танг бўлакча,  
Ҳар соз беради жаранг бўлакча,  
Оддийлик азиз, сатанг бўлакча,  
Кенг феъл бўлак, тажанг бўлакча,  
Ҳушёр бўлагу таранг бўлакча.

Май тобида ич қимиз бўлакча,  
Хом бўлса идишда өз, бўлакча,  
Сизнинг кўзингизда биз бўлакча,  
Бизга кўринурда сиз бўлакча,  
Идроку фаҳм, тамиз бўлакча,  
Ҳар ерда ҳаёли қиз бўлакча.

Ҳар ўлкада пахтакор бўлакча,  
Деҳқон ғамиде баҳор бўлакча,  
Ҳосил учун эътибор бўлакча,  
Мард аҳлидаги қарор бўлакча,  
Қалб ичра қарори ёр бўлакча,  
Чин кўнглида ифтихор бўлакча.

Гулдан ясаниб замон бўлакча,  
Тупроғида турли кон бўлакча,

Юлдуз тўла осмон бўлакча,  
Эл кўксидаги нишон бўлакча,  
Меҳнатдаги имтиҳон бўлакча,  
Мақсадга етар доvon бўлакча.

Мардлар дилида вафо бўлакча,  
Номард кўради жазо бўлакча,  
Халқ меҳри дилимда жо бўлакча,  
Минг-минг қадди тик бино бўлакча,  
Кон мўъжиза, кимё бўлакча,  
Ильич нуридан зиё бўлакча.

Чархий, ғазалингни ёз бўлакча,  
Гар бўлса радифи соз бўлакча,  
Тўрт фасл ичинда ёз бўлакча,  
Ихлосингга имтиёз бўлакча,  
Шеър қондаси бир оз бўлакча,  
Девон бўлагу баёз бўлакча,

## УЛУҒ ПАРТИЯГА

(*Партиянинг XX съездига*)

Сен бирла, улуғ партия, ижод этадурмиз,  
Фикринг изидан ишни биз авлод этадурмиз,  
Меҳнаткаш элин сидқ ила дилшод этадурмиз,  
Меҳнат-ла вафар янгича бунёд этадурмиз,  
Доим сени биз чин дил ила ёд этадурмиз,  
Ёдинг-ла кўнгила мулкени обод этадурмиз.

Давримни кўриб шавкатин олам ҳавас этди,  
Тинчликсевар эл бизга ўзини ҳамнафас этди,  
Дунёни ғаним кўзларига тор қафас этди,  
Ҳаттоки табиат ҳам ўжағликни бас этди,  
Доим сени биз чин дил ила ёд этадурмиз,  
Ёдинг-ла кўнгила мулкени обод этадурмиз.

Ҳар ишда ўзинг ҳамдаму ҳар лаҳзада назир,  
Сен ҳарна дединг, бўлди муяссар, бари ҳозир,  
Меҳнатда, маҳоратда матонатли баҳодир,  
Авлодинг ўлим хавфини снгмоққача қодир,  
Доим сени биз чин дил ила ёд этадурмиз,  
Ёдинг-ла кўнгила мулкени обод этадурмиз.

Инсон шарафи бўлди сенинг бирла зиёда,  
Фан, техникамиз ёзди қанот еру самода,

Меҳнат зафарин тантанаси авжи фазода,  
Номинг ҳам кўнгила тўрида ҳам кую навода,  
Доим сени биз чин дил ила ёд этадурмиз,  
Единг-ла кўнгила мулкени обод этадурмиз.

*1960.*

## **НОМИНГ АБАДИИ**

**Ўзбек элининг фахри, қадрдони, адиби,  
Дўстлар танининг жони юрак қони, ҳабиби,  
Утқар қаламинг найзаси душманинг насиби,  
Ижодинг Ватан мадҳиясин зийнату зеби,  
Янграйди мудом дилда баҳоринг найи сози,  
Номинг абадий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.**

**Биз бирга ҳамон сси била дилшодинг эрурмиз,  
Орзу-ҳавасинг боғида озодинг эрурмиз,  
Биз ҳамнафасинг, мангу ҳамижодинг эрурмиз,  
Босган қадаминг, ёдлаган авлодинг эрурмиз,  
Емрилади бузуқ анъана, у тошу тарози,  
Номинг абадий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.**

**Юрган бу йўлинг қадри баланд бахт ҳар онинг,  
Шеъринг, асаринг бир-ла безалди бу маконинг,  
Меҳмонинг узилмас қадими шуҳрату шонинг,  
Тинмай бу ҳаёт ичра жаранглаарда баёнинг,  
Янграйди мудом дилда баҳоринг найи сози,  
Номинг абадий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.**

**Едингда кўнгал куйлади жон созини чолди,  
Ут тушди хурофот уйига битди йўқолди,  
Сурди орадан, янгилик ўз ўрнини олди,**

На банги ҳакиму на Миён Бузруги қолди,  
На шайху на муфтию, эшону на қози,  
Номинг абадий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

Компартиямиз ҳурмати ёъвозинг учундир,  
Бу тавтанамиз ушбу гўзал ёзинг учундир,  
Созингдаги булбулсифат овозинг учундир,  
Пок мақсадимиз йўлида парвозинг учундир,  
Ҳар бир асаринг давримиз девони, баёзи,  
Номинг абадий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.

*1961.*

## ЛЕНИН

Ҳар сўзи ширин забонимизда  
Ҳар хушхабару, баёнимизда,  
Қайноқ юрак ила қонимизда,  
У бирга ёруғ жаҳонимизда,  
Халқлар суянарга тоғи — Ленин,  
Эл бахти, ёруғ чироғи — Ленин.

Ленин йўли бахш этиб саодат,  
Зулм битди, етишди нур адолат,  
Эл олди ҳуқуқу, эрку, роҳат.  
Тенг бўлди ҳуқуқда барча миллат,  
Халқлар суянарга тоғи — Ленин,  
Эл бахти, ёруғ чироғи — Ленин.

Компартия сочди нур бизга,  
Эл турмуши тушди янги изга,  
Ҳар кексага, ҳар йиғитга, қизга,  
Овозлик бериб, қулу канизга,  
Халқлар суянарга тоғи — Ленин,  
Эл бахти, ёруғ чироғи — Ленин.

Ленин йўли берди менга иқбол,  
Олдинги заҳар ошим бу кун бол,



Кун-кун оша, яхшиланди аҳвол,  
Ёз Чархий тўхтама, қалам ол.  
Халқлар суянарга тоғи — Ленин,  
Эл бахти ёруғ чироғи — Ленин,

## ЎЗБЕКИСТОН

Кенг эрк-ла қучоғинг Ўзбекистон,  
Олтин тўла тоғинг Ўзбекистон,  
Иўқ заррача доғинг Ўзбекистон,  
Яшнар яна боғинг Ўзбекистон,  
Қайнарда булоғинг Ўзбекистон,  
Порлайди чароғинг Ўзбекистон.

Тоғинг бари кон ила безанди,  
Чўл яғи макон ила безанди.  
Эл кўкси нишон ила безанди,  
Юрт шавкату шон ила безанди,  
Қайнарда булоғинг Ўзбекистон,  
Порлайди чароғинг Ўзбекистон.

Пахтаг мўлу, тоза гавҳаринг кўп,  
Мангу ғалабанг, зафарларинг кўп,  
Боғинг асалу, шакарларинг кўп,  
Қайта яна ёш-қариларинг кўп,  
Қайнарда булоғинг Ўзбекистон,  
Порлайди чароғинг Ўзбекистон.

Хурмат ватани ягона номинг,  
Дўстлар юрагида эҳтироминг,  
Қундуз ила тенг кечингу шоминг,

**Кундан-кун оша кулар давоминг,  
Қайнарда булогинг Ўзбекистон,  
Порлайди чарогинг Ўзбекистон.**

**Кўксингдаги орденинг муборак,  
Шуҳратга ага эдинг муборак,  
Тўй қутлуғу доврўгинг муборак,  
Дўндирганингу ишинг муборак,  
Қайнарда булогинг Ўзбекистон,  
Порлайди чарогинг Ўзбекистон.**

*1962.*



## МАСНАВИЙЛАР

### ЭЛ БАХТИ

Эл бахти саодати бу даврон  
Уз қадрини тоңди бунда инсон.

Нур сочди қачояки бахт қуёши,  
Эл кўзининг тинди шунда ёши.

Инсон шарафи учун ниҳоят  
Бахш этди ҳуқуқ, бахт ғоят.

Ҳар ҳужжати бир зафар нишони  
Қомуси Хазоинул-маони.

Дунё кўзи кўрди янги бунёд  
Янги чаман ичра янги ижод.

Лутфига жаҳон эли тутиб кўз,  
Муштоқи ҳамиша кеча-кундуз.

Бу нурдан эмиб зиё топибдир  
Дил кўзгу каби сафо топибдир.

Халқ орасида йўқ нифоқи  
Мустақкам ирода иттифоқи.

Бу дўстлик ишончу меҳрибонлик  
Бу дўстлик ишида тоза қонлик.

Бу йўл кўп умидли, меҳрибон йўл,  
Бу йўл ҳамма бошга соябон йўл.

Бу соя берур жаҳонга иқбол  
Иқболи сунарда шаҳди ила бол.

Халқ қалбида мунтазам ирода  
Меҳнат-ла муҳаббати зиёда.

Халқ қурди биноларики олий  
Етганмуди ҳеч киши ҳаёли.

Кашф айлади янги ихтиролар,  
Қудрат кўлида еру самолар.

Фурқат деди рус эли муаззам  
Жам бўлса жаҳон бўлур мусаллам.

Ҳар мушқул эса қушода бўлғай,  
Бил забти замин фазода бўлғай.

Ургатди у бизга ақл ғоят,  
Олий маданияту, маҳорат.

Дегиз каби бу ҳаёт мавжи,  
Фан тўлқинимизни кўкда авжи.

ГЭСлар қурилиб, неча биёбон,  
Бағри чаману, дили чароғон.

Ильич нуридан мунаввар ҳарёқ,  
Бу нурга чўмулди шаҳру қишлоқ.

У кунда бутун хароба буйёд,  
Бу кунда тамоми гулшанобод.

Қамғор эса ўрни лолазор у,  
Янғор эса дашт пахтазор у.

Меҳнат ила бахт бўлиб муяссар,  
Эл барча баҳодир, музаффар.

Меҳнат-ла топиб ҳама шараф-шон,  
Меҳнат-ла чиниқди тобланиб жон.

Меҳнат шарафи кетирди ҳурмат  
Меҳнат зафари-ла етди давлат.

Меҳнат била тиз чўкирда тоғлар,  
Дарё каби жўш урар булоғлар.

Меҳнат била мисни этдик олтин,  
Меҳнат била ҳар сатрда мазмун.

Халқ ҳурмати минг баснга арзир,  
Ҳар манзара минг жаҳонга арзир.

1963.

## УЛУҒ НОМИ БОР

Хушо давримизнинг чин илҳоми бор,  
Шувинг-чун жаҳонда улуғ номи бор.

Батан тинчу, кўнгул ҳамиша баҳор,  
Зафар барқарору, ҳама бахтиёр.

Ҳаёт баҳра элтар ҳаво тафтидин,  
Ҳаво тафтидин ҳам кишин афтидин.

Табнатда нисон эса номдор  
Ва лекин биридин бирин фарқи бор.

Бир одамни табън газалхон экан,  
Бир одам на уйу, на айвон экан.

Биров соя солғай биров бошига,  
Биров заҳр қўшгай биров ошига.

Биров одамят билан бор иши,  
Зарардур бировнинг мудом қилмиши.

Биров яхшиланг-ла дилинг чоғ этар,  
Биров дилни тирнаб, мудом доғ этар.

**Биров ҳол-дилни билиб сўрса ҳол,  
Биров ҳол-дилни билиб, дер йўқол.**

**Узини кўрар ҳар ким синада,  
Не бору, не йўқдур билур синада.**

**Биров ўзни олғай ҳаммадин баланд,  
Билурмики халқ ичра у нописанд.**

**Биров сенга қилса ёмон бир қилиқ,  
Анго яхшилиқ қил, анго яхшилиқ.**

**Биров бор узоқдин сени йўқлағай,  
Биров бор яқиндин туруб нуқлағай.**

**Биров заршуносу, биров заншунос,  
Бу мазмунлар аҳли фаросатга хос.**

**Биров деб бировга биров солмасин,  
Биров бор сен узма биров олмасин.**

**Ёмонлиқни тутма тутар домн бор,  
Вале яхшилиқни улуғ номи бор.**

**Биров тиндираркан кўнгил комини,  
Биров синдираркан майнинг жомини.**

**У ҳам одам, аммо бу ҳам одами,  
Зарарли кишин йўқ чаёндин ками.**

**Йигир ипни, Чархий, ипакдин силиқ  
Вафо кўзгусидин кўрунсин тиниқ.**



## СУВ

(Сарикўрғон тўғони қурилишидаги иш жараёни хотираларидан)

Ердан унган тамоми ҳайли гиёҳ,  
Сув тилар, сув эрур ҳаётга паноҳ,  
Сув экан бу ҳаёт учун гавҳар,  
Сув экан элга жон ила жавҳар.  
Сув билан чўл бўлур гулистон ҳам,  
Сув билан яйрагай бутун жон ҳам.  
Сув кишин жони деса арзийдир,  
Сувни асраш ҳамманинг қарзидир.  
Бу кўринган бино-ю кунгаралар,  
Сарикўрғон шифоли манзаралар.  
Ҳар адирлар, баланд хиёбонлар,  
Тоғлардан ясалган алвонлар.  
Дялга баҳри, ҳавоси жонга даво,  
Ҳам даво, ҳам шифо-ю руҳ афзо.  
Сарикўрғон тўғони Сўх сойи,  
Умр ўтиб сув бўғишда йил-ойи.  
Гоҳ пайишкон экан миробдан кўп,  
Гоҳ миробдан экан пайишкон кўп.  
Сув тошиб жар этиб ариқларни,  
Ҳар камардан қувиб балиқларни.  
Тошар эркан ариқ томонни қўйиб,  
Фойданинг ўрнига зиёни қўйиб.  
Ортмай одам хаёли кенгашдан,  
Келди беш бош пахол, беш-ўн тошдан.  
Эчки сўй, қўй сўю — бувоқ сўй кўп,

Яъни ҳар каллада неча ўй кўп.  
Энди халқ қудрати бу ижоди —  
Ҳаракат айламоқда бунёди.  
Сув тўғон қаршида товлангай,  
Катта дарё суви жиловлангай.  
Сув бошида бутун қатор мироб,  
Жони бош устида нисор мироб.  
Чинакам меҳнатини ҳалол этган,  
Меҳнатини юртга бемалол этган.  
Бугун эл қошида кўрар ҳурмат,  
Яъни халқ хизматида беминнат.  
Неча йил юртга сув ичирганлар,  
Сувнинг кўп заҳматини кечирганлар.  
Бердибой отадек очиқ кўнги,  
Сувда хизмат этибди ўттиз йил.  
Мутахассис трассада ҳамма вақт,  
Ҳаракатли иши-ю ссрҳаракат.  
Биридирким миробу Тиркашбой.  
Унга чин меҳнати шараф йилу-ой.  
Кадрлардан экан бири Ғанижон.  
Ғайратини олдида ҳар иш осон.  
Яъни ҳар кун унумли иш сифати,  
Яхшидир ҳам унинг савод-хати.  
Халқ сув бошида ҳамон ишлар,  
Инженер-техник ончунон ишлар.  
Сув хусусан бу пахтамиз жони,  
Пахта майдонининг томир қони.  
Сувимиз пахтамизга жон берадир.  
Пахтамиз сув ичиб нишон берадир.  
Пахтадир орту-эл фаровони,  
Пахтадир ҳамманинг шараф-шони.  
Ҳамма халқ бурчидир шу иншоот,  
Унда қайнар фан ила завқли ҳаёт.

*1945, апрель.*



## ҲАЖВИЕТ

### КЕЛТИР МЕНГА, ЙЎҚДИР СЕНГА

Ара этамиз хўп авайлаб,  
Марҳамат йўқ йиллаб, ойлаб,  
Тўплаб, тугиб, пулни жойлаб,  
Турса у ҳамён пайт пойлаб,  
Сув нлондек кирар енга:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

«— Комиссия келар...» миш-миш,  
Бошланган кун, бошланар иш,  
Хўжа кўрсин ишлар, «тафтиш»,  
Бўлиб ўтгач ухлаб пиш-пиш,  
Чақтирмасдан бир чивинга:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

Бор овода, сўлим жойлар,  
Салқин такя, оқар сойлар,  
Қовонларда гарча мойлар,  
Ширин суҳбат, аччиқ чойлар,

Аmmo тегар кўп жягиннга:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

Ахир, бизлар дам олар жой,  
Наҳот бўлса карвонсарой?..  
Сонимиз кўп, сифатдир вой,  
Гап қайтарсак: «улой-булой»...  
Қўлни чўзиб «миржиринг»га:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

Ҳа, сўз айтиб, кирсак тилга,  
Бўладирмиз тилка-тилка,  
Шопирилинб меҳнат елга,  
Хушомадга оч бутнака...  
Қарамасдан фурсатиннга:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

Кўпнимизда палос эски,  
Ўттиз йиллик эски-туски,  
Идорадан буйруқмиш-ки:  
«Пул топширсин, бебилиски...»  
Кўпайтириб юзни миннга:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

Палос десак, ўзинг топ дер,  
Сола бергин эски қоп дер,  
Бўлмас десак, оғзинг ёп дер,  
Гидам десак, қилманг лоф дер,  
Оғиз очмай ҳеч таҳсинга:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

Сири кўчган чойнак пучуқ,  
Пиёлалар синган, учуқ,  
Сув ҳўпламас ундан чумчуқ,

На совун бор, на кяр сочиқ,  
Чойхонаси халқдан қочиқ,  
Емон қайна дер келинга:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

Ҳам маданий, ҳам маиший —  
Халқ хизмати кимнинг иши?  
Бош қотирмас деч бир киши,  
«Обшепит»нинг кеккайиши,  
Бу тўғрида йўқ ташвиши:  
Урганишиб пул-текинга:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

Сарф этилса маблағ бир оз,  
Халқ сарафроз, жойлар ҳам соз,  
Такрорланар ҳақли овоз:  
«Қани бизга ҳурмат-эъвоз?..»  
Утар қиш ҳам, ўтар ҳам ёз...  
Қулоқ солиш йўқ арзингга:  
— Келтир менга, йўқдир сенга.

Киноямиз эмас ётга,  
Бўшатмаймиз Мирпўлотга,  
Сўз айтгаймиз беуютга,  
Гардан чўзиб, «кишту-мотга»,  
Яхши хабар, баёнотга,  
Эндиги сўз, «Муштум», сенга,  
Жонга тегди: «Менга. Менга.»

## БАЪЗИ САРТАРОШХОНАЛАРГА ҚАРАТА

Кимдаки бўлса гар ҳалол меҳнат,  
Беради меҳнати улуғ баракат.  
Кимдаки бўлса ноқулай ҳаракат,  
Зарари халқ учун етар албат.  
Нега бундай десам биров йўлда  
Деди: кўз шипда-ю, кўнгил пулда.

Ким қўпол уста у даромади оз,  
Ким силиқдўз ўшанга ҳамма миждоз.  
Калта фартуқ, ҳикоя дуру дароз,  
Нархи каффон баҳона сабзи-шиёз,  
Нега бундай десам биров йўлда  
Деди: кўз шипда-ю, кўнгил пулда.

Баъзи бир устада кир устаралар,  
Хира бир аррадек ғудур аралар,  
Буғи олсанг сочингни хўб саралар,  
Эрта бошу бўйинда жиқ яралар,  
Нега бундай десам биров йўлда  
Деди: сочиқ, рўмоли ҳўл-ҳўл-да.

Девор ўргамчи торидан ифлос  
Оёқ ости жуну, маҳорка-ю, нёс,  
Уни совун, пиёла қилма қиёс,

Сирн кўчган лапақми ё кир тос,  
Нега бундай десам, биров йўлда  
Уннга юрмас биров, деди, сўлда.

Қийпиқ ойнак вужуди сепкилдир,  
Пашша тешган рўмол жало-жулдур,  
Хоҳ соч олдиру, гапим шулдир,  
Биттадан мўйларингни хоҳ юлдир,  
Нега бундай десам биров йўлда  
Деди: хулласкалом гап шул-да.

Кассир нархида рақам бошқа,  
Сартарош устага карам бошқа,  
Заведиш чораси у ҳам бошқа,  
Ҳакозо ўртада дирам бошқа,  
Нега бундай десам биров йўлда  
Дедиким: дўст ҳисоби кўнгулда.

Баъзисига кибрга ҳад асло йўқ,  
Уздан бошқа ишда аъло йўқ,  
Гапга эпчил ҳунарга парво йўқ,  
Яна у ўпкаларки савдо йўқ,  
Нега бундай десам биров йўлда  
Дедиким: сайроқи шу булбул-да.

## ҚУЧАНИНГ ШИКОЯТИ

Кўп кута-кута битди тоқатим,  
Тош солишлари чўзилиб кетиб.  
Яна арз этай, йўлга термулиб,  
Бу ичак-чавоқ узилиб кетиб.

Баъзи бир кўча бопланиб चुнон,  
Муҳташам бино бўлди икки ён,  
Қистамоқ учун қатнайнимкини,  
Югуриб келиб, югуриб кетиб.

«Шаҳар ободон бўлими» яхши от,  
Бошқаларга дўст, фақат менга ёт.  
Нотекисликдан юрмас машина,  
Бошқа бир томон бурилиб кетиб.

Қишда сийганиб халқ юрар аранг,  
Қиш, баҳорда лой, ёзу кузда чанг.  
Йилдан-йил ўтиб ҳеч тузалмадим,  
Пул бўлак томон сурилиб кетиб.

Бошқа кўчалар асфальту силлиқ,  
Нега менда йўқ? Бу нечук қилиқ?  
Баъзи бир кичик, тор кўчагача  
Ғишт тротуар қурилиб кетиб.



Энди иш битар чоғида нетар:  
Биттаси келар, биттаси кетар.  
Энди ўлчаган чоғида мени,  
Бир чатоқ билан урилиб кетиб.

Чархий, ёз мени, бир келиб кўриб,  
Гоҳ девор қучиб, гоҳ секин юриб.  
Ёз, ажаб эмас, қилсалар навар,  
Сметаларим тузилиб кетиб.

1956.

## ШАРМАНДАЛАР ҚИЛДИНГ

Юзингни кўрсатиб, эй бода, аввал бандалар қилдинг,  
Кейин ичмай туриб юз ноз бирла ишвалар қилдинг,  
Фироқингда гоҳи юз ўлдириб, гоҳ зиндалар қилдинг,  
Висолинг ваҳридан нўш айласам, сен ғамзалар қилдинг,  
Қисиб кўз, ўйнатиб қошингни, не-не жилвалар қилдинг.

Сенинг макринг тушиб ёдимга, ғингшийман тонг отгунча,  
Сеяинг нўшу нишингдан тортмадим кулфатлар озмунча,  
Тутар икки қўлим маҳкам ғирбонингдан ўлгунча,  
Суякка эг ёпишди, алвидо, паймона тўлгунча,  
Танямни мунча жулдур, бебақо дарпардалар қилдинг.

Менга айтган эди дўстлар: кўнгил берма у айёра,  
Қаландардек осиб бўйинингга хуржун қилгай овора,  
Отингга тескари миндириб, юзга сурар қора,  
Нетай энди кетиб обрўларим, халқ ичра тобора,  
Каваклаб жисму жоним, бағримни парвардалар қилдинг.

Онам ёлборса душман, оилам арз этса, кар бўлдим,  
Биров қилса насихат, ор этиб ундан батар бўлдим,  
Бузилди ошқозон, ўт ишламай шишган жигар бўлдим,  
Қўзиб «похмел»нинг дарди, уйқу қочди, дарбадар бўлдим,  
Яна нонушта пайти эснатиб, кўп нағмалар қилдинг.

Деб эрдинг кеча-кундуз мен сенинг жонинг бўлурман деб,  
На қилдинг?! Кетти дармон, тандаги қонинг бўлурман деб.  
Шилитирдинг тамом боринни, меҳмонинг бўлурман деб.  
Йўлиқтирдинг давосиз дардга, дармонинг бўлурман деб,  
Тешик ўпкам отарди устидан кўп рандалар қилдинг,

Ароқ деб ёпишурман гоҳи баққол, гоҳи қассобга,  
Кетиб номусу орим, келмадим ҳаргиз бир инсофга,  
«Самогон» номинг ўчсин қўшилиб ёнингда «зубровка»,  
Ўзинг умримга зомин, эй бало тўфонин —«пердовка»,  
Қувиб ишдан ахири, эл аро шармандалар қилдинг.

1962.

## КҮРПАМ МЕНИНГ

*(Бир дангасанинг хиргойиси)*

Ишга чиқсам, ҳамроҳимдир кўрпам менинг,  
Қайда соя-салқин, у ер кулбам менинг,  
Кутмайди ҳеч раис акам беғам менинг,  
Бу ҳол тутгай ялқовликда бардам менинг,  
Ишда бўйин товласам ҳам меҳнат куним,  
Тайёр турар дафтаримда ҳардам менинг.  
Пул бор, демак, давлатим ҳам ҳаддан зиёд,  
Шунинг учун раис қилди ҳамдам, менинг.  
Ишим бўлди гоҳи повур, дастурхончи,  
Гоҳи боғбон, гоҳ саройбон ҳам-ҳам менинг,  
Савлатимга ишондиму, шишиб кетдим,  
Эгар йўғон новдаларни гавдам менинг.  
Хотин ишда, мен салқинда, йўқ номусим,  
Хижолатдан бўлмас юзим шолғом менинг.  
Колхоз иши бўлса бўлар, парвойим йўқ,  
Танқид қилманг, кирар ақлим кам-кам менинг.  
Халқ олдида шармандаман бу не сабаб,  
Ишга солмай эркалатган дадам менинг.  
От яратса бўлмасмиди, табиат ҳам,  
Яратгунча ялқов қилиб одам менинг.

1948.

## **БИР МАЙПАРАСТГА**

**Биродарим деса му гапни чўзиб келасиз,  
Намунча ҳовлиқасиз ипни гоҳ узиб келасиз.**

**Ичишининг оқибати шох чиқармагай дерлар,  
Отиб чунон шаталоқ бош билан сузиб келасиз.**

**Жаранг-жаранг пулингиз кечгача тугаб ҳайҳот!  
Ароққа бой берасиз, кунда ютқизиб келасиз.**

**Йўл узра учраса қўғиз, қузиб мушук янглиг,  
Инига юзгача сичқонни ўтқизиб келасиз.**

**Гаровга топширасиз бору йўқни, минг афсус,  
Шининг қани, деса шим нағмасин тузиб келасиз.**

**Бугун қасамни ячиб сув каби шимирганча,  
Бировнинг эртага иғвосини қўзиб келасиз.**

**Сув урса озгина ҳушёрхона ҳаммоми,  
Текин сув учради деб ҳайқириб, юзиб келасиз.**

**Хотинни бир нимадан камситиб, қузиб ҳар ён,  
Дилини ранжитасиз тўзғитиб, тўзиб келасиз.**

**Бирор раҳмдил ини олса сизни қуштиқлаб,  
Дақанглатиб сурасиз, лойга юргизиб келасиз.**

**Ярим-ярим кечалар шовқину сурон бирлан,  
Маҳалла тинчини тоқайгача бузиб келасиз?**

*1968.*

## ОТЛАР МАЖЛИСИ

Биз баҳор аввалидан мард ила майдонлашамиз,  
Қилмасак ваъда шу кундан яна нуқсонлашамиз,  
Ҳамма вақт меҳнат учун жон била чаққонлашамиз,  
Чиннакам ҳосил учун аҳд ила паймонлашамиз,  
Пухталаб ишни кейин бирга қадрдонлашамиз.

Йўқ эмас колхозаро биз каби кўп от-улов,  
Епиқ ичра ярашур муз очиқ айвонда қиров,  
Пичан омбори қуруқдур ем учун қанча сулов,  
Майли ким индамасун, индамаса ҳам бизга биров.  
Баъзи бир масалалар устида ҳайронлашамиз.

Баъзимиз устида бор эски тўқум бирла эгар,  
Минг ямоқ юзта тугун латтали жабдуқ яқсар,  
Хашак ўрнига мудом қамчими еб шому саҳар,  
Қорину сирт бутун бўлди яғирдан баттар,  
Хўжа кўрсин неча от устида дostonлашамиз.

Ола пакки қора, кўк, бўзу кавар бирла чаман  
Қораёл, чапбулу чавқар, қорағир бирла саман,  
Гулбодом бирла тўруқ, қўнғиру таллон, жийра  
Йўрға, йўртоғи, темиркўк ёнида қашқа билан,  
Озгина танқид этиб анчагина жонлашамиз.

Ҳаммамиз ога-нин бир кўзу бир қош янглиғ,  
Ажратиш айб гурунч ёнидаги мош янглиғ,  
Тегмасин таъна юрак кўзугусига тош янглиғ,  
Усти норин серқийма палов ош янглиғ,  
Баб-баробар бу баҳор фаслида имконлашамиз.

Ҳосилот тақсимидан ему хашак танг бўлди,  
Эски тафтишқўм ила ҳар куни бир жанг бўлди,  
Бош буғалтерни ҳисоби яна ҳарранг бўлди,  
Бизга йўқ деб якка қовиқларга манг-манг бўлди,  
Ким билан баҳс этиб, ким ила дармонлашамиз?

Гўнни қиш чилласида қанча узоқдан тошамиз,  
Неча пасу юқори йўл уза кўприк ошамиз,  
Икки-уч норма учун йўл-йўлакай кенгашамиз,  
Чираниб манзилнимизга етамиз деб шошамиз,  
Бу ҳалол меҳнат ила гашти гулистонлашамиз.

Гоҳи лойликда мудом айланишиб пакка билан,  
Тақасиз, сийқа туёқ гоҳ йиқитиб чакка билан,  
Дум эса пашша билан бел олишур, ҳакка билан,  
Етамиз қантирилиб кал сўталиқ макка билан,  
Арава шотисидай чўққиси бежонлашамиз.

Ахир инсоф керак навбат ила наввоглар,  
Бир улоқ бирла олур тобни чавандоз зотлар,  
Тек ётиш бирла ҳазм бўлмагай ҳеч авқотлар,  
Биз билан ишга чиқинг сирти тухумдай отлар,  
Гоҳи шудгорда юриб гоҳида бўстонлашамиз.

Бу ётиш бирла текинига ёмон ўрганасиз,  
Сал совуқ ўтса иссиқ жойга қараб сурканасиз,  
Саратон вақтида ҳам давгасадек бурканасиз,



Езни қайноқ сувидан ичгали ҳам жирканасиз,  
Ишимиз қадрини билсак нега арзонлашамиз?

Чиллани бузмасангиз өскн касал ҳам қўзилар,  
Ошқозон ҳам ҳаракат бўлмаса бир кун бузилар,  
Кунда баднафс хўкиз бўйнида нухта узилар,  
Дала шабадасидан қўшда пайнингиз чўзилар,  
Бўлмаса ваъда муқаррар кейин армонлашамиз.

Эшитинг, ким ҳаракатда ҳамма жон пахта учун,  
Дон тошурда паровоз ила вагон пахта учун,  
Баракатли мўл унум бизда ҳар он пахта учун,  
Биз ҳам албатта қўшиб ҳиссага кон пахта учун,  
Кўтариб қоматимизни яна жавлонлашамиз.

Камчиликни бириси йўлни юз алвон айлаб,  
Ажабо эркалашиб сайришабистон айлаб,  
Машина узра пару парқуни тахмон айлаб,  
Чап бериб Олтиариқ йўл ила Чимён айлаб,  
Айни иш қизғинида биз Шохмардонлашамиз.

Бизда йўқ гарчи забон ишда ишоратга дадил,  
Бизга ким дўст эса қилмас хашагу емга ҳазил,  
Бизнинг мажлисда қарор шу ҳамма майдонда аҳил,  
Бир қиё боқмасалар, бўлмасалар бизга кафил,  
Арз этиб марказу область ила районлашамиз.

## **БИР ШИНГИЛ-БИР ШИНГИЛ**

**Кишин ҳаётида яхши ҳар ишни ҳар жадали,  
Умри чоғида, аммо ёмон ҳазил ҳаяли.**

**Усални топса у сал фаҳм этар кишилар бор,  
У салга ранжиса, кўрким, ўсалнинг энг ўсали.**

**Ҳазил деб ўзи баланд олмагин бировни кам...  
Шакарнинг ози шириндир, ҳазилнинг ҳам сағали.**

**Кибрнинг заҳри қўшилган ширини дема ширин,  
Дилида масҳара бижғир, тилида балли-бали.**

**Қадрли сўз эса сўйла, ёмон фасонани қўй,  
Ғализ ҳикоядан афзал афандинг-яг масали.**

**Совуқ ҳавони ширин тил ҳарорати ястар,  
Иссиқ ҳавони совутгай муомала дағали.**

**Асал шириндир, лекин даволисин айтай,  
Шифоли гулни сўрар арининг майи-асали.**

**Бу гулга тарбия берган замонамизнинг гули,  
Бу гулни ундира олган вафо билан ҳамали.**

Бировга ёша, бировга этак бўлурман деб,  
Аёқ тагида урингай кишининг сур-нахали.

Топай десанг барака, ҳеч тама тузми тотма,  
Қачон бой этди бировни қиморхона чўтали!

Тамагир аҳлининг ҳиқилдоғни пасайтиргай,  
Жигарни парчалаган бангининг қуруқ йўтали.

Зираклик ила қадам қўй борар ерингга, бироқ  
У ерда бўлса дилинг ранж этар кишини чўғали.

Адолат ила ишинг топгуси ривожу камол,  
Дилингга юқмаса нафсоният-ҳасад касали.

Йигирма ёшли бурунги сўпой йигитларга  
Бугунги олти яшар бола ўргатур газали.

Бу назм муаллифининг кимлигини сўрсангиз,  
Лақабда Чархи-ю, номи камини Асқарали.

1966 :

## САЕҲАТНОМА

### 1. МУҚИМИЙГА МАКТУБ

Номинг, Муқимий, барҳаёт,  
Езганларинг ёзди қанот,  
Кўрсатди даврон илтифот,  
Илм аҳли аввал хор эди.

Зулм авж олган у маҳал,  
Фазл аҳли беқадр, камбағал,  
Хор эрди шоир ҳам ғазал,  
Сенга кенг олам тор эди.

Эл муддаосин куйладинг,  
Чеккан азобни ўйладинг,  
Ҳаққоний сўзлар сўйладинг,  
Бечора халқ ночор эди.

Чиқсанг сафарга, одатинг:  
Ҳамроҳ эди лоғар отинг,  
Ҳеч ерда бўлмаи роҳатинг,  
Ҳар дам танинг бемор эди.

Қилдинг сафар нохуш, яёв,  
Эзди сени йўл беаёв,  
Учраб қадамда неча гов,  
Ул давр ўзи озор эди.

Кўрдинги, қишлоқлар хароб,  
Тортдинг азобу изтироб,  
Ҳар қайда кулфат беҳисоб,  
Ҳар ерда оҳу зор эди.

Келди сен ахтарган замон,  
Бўлди Ватан нурларга кон.  
Юртинг фаровон, эл омон,  
Утмишда зиндон, ғор эди.

\* \* \*

Мен сен каби қилдим сафар.  
Обод, туташ қишлоқ, шаҳар,  
Инсон азизу мўътабар,  
Не истасанг: у бор экан.

Юрдим, машаққатсиз, кезиб,  
Мен қайга бормоғим сезиб,  
Қўйди машина етказиб,  
«Победа»лар тайёр экан.

## 2. УША ҚИШЛОҚЛАР: БУ КУН

Минг офарин бу давр учун,  
Эл шоду мамнун, дил бутун,  
Шоир у олимга бу кун  
Халқ ҳурмати бисёр экан.

Йўл устида «Қайнар булоқ»,  
Олий бино нақшин равоқ,  
Колхозда пахта тоғ-тоғ,  
Ҳосил тўла омбор экан.

«Қумбости»ни қум босмаган,  
Қишлоғининг саҳни чаман,  
Афсус еб ўтди кўрмаган,  
Кўрганнинг бахти бор экан.

Создир «Элаш»нинг кўкраги,  
Уйнайди гози, ўрдаги,  
Токзорнинг ярми чиллаки,  
Ярми ҳусайнизор экан.

Борсам, «Тўлаш» қишлоғи ҳам  
Колхозлари бардам бу дам,  
Макгаб, клуби муҳташам,  
Халқи тўқис рўзгор экан.

Қаерга борсам янгилик,  
Деҳқонларини қадди тик,  
Йўқдир хўжайин, беҳадик,  
Халқнинг ўзи саркор экан.

«Оқтепа»га мен тепалаб  
Бордим кенг атрофин қараб,  
Тушмиш иморатлар ажаб,  
Атрофи боғ, гулзор экан.

Бордим у янги «Яккатут»,  
Сероб экан қаймоғу сут,  
Колхозчи тўқ, омбори бут,  
Меҳнатда халқ илғор экан.

Ҳозирда «Сарқўрғон» сойи  
Бўлди саёҳатнинг жойи,  
Тунларда ГЭСларнинг ойп,  
Юз сою минг анҳор экан.

«Нурсух» унумга кон бу кун,  
Боғ, пахтазор майдон бу кун,  
Деҳқони беармон бу кун,  
Ҳар ён чарос тоқзор экан.

Колхозчиларда легковой,  
Кўркем клуб, обод сарой,  
Мақтовга мавзу бир талай,  
Кўп янгиликлар бор экан.

Узгарди «Рафқон» бус-бутун,  
Қишлоқ электрли бу кун,  
Чой қайнатар ёқмай ўтин,  
Не хоҳласа, тайёр экан.

Серзавқ бордим «Исфара»,  
Обод бўлибдир яксара,  
Шўх сойлари сершаршара,  
Ҳар йил бориш даркор экан.

Қирда ўрикзор боғлари,  
Боғларда шўх ўртоқлари,  
Янграйди хуш чақчақлари,  
Сухбатлари такор экан.

Ҳур Тожикистон қўшинимиз,  
Ҳар икки халқ дўсти азиз,  
Янги ҳаёту янги из,  
Ўзбеку тожик ёр экан.

Эгмиш табиат бизга бош,  
Саҳрою дарё, тоғу тош,  
Халқда яқинлик: кўзу қош,  
Бир сўзу яқуфтор экан.

**Бўлди саёҳатбоп замон,  
Халқларга халқлар меҳрибон.  
Шоир учун гул ошиён,  
Утмишда шоир хор экан.**

**Қайтдим Қўқон, айлаб сафар,  
Мангу йўқолмиш хавф-хатар,  
Чархийга солсанг бир назар:  
Босган изи гулзор экан.**

**1955.**



## **КУНГЛИМ БИР ҚАРАНГ ДЕДИ**

**Кўнглим шаҳар ҳаётига бир йўл қаранг, деди,  
Аввалгидан чиройли, тиниқ, таб-таранг, деди,  
Бог сабадани кийинди либоси башанг, деди,  
Силлиқ сифатли йўлни кўриб, эл яшанг, деди,  
Лекин бир-икки жабҳада аҳволи танг, деди.**

**Ишнинг ҳавосин олди, кўринг, горочистка ҳам,  
Асфальт йўл усти тоза-ю, бир навъи серҳашам,  
Кам қатнови ниҳояти ифлосу беқарам,  
Йўқдир иложи кундузи босмоққа бир қадам,  
Ҳар жинси хор-хас, бадбўй чанг, деди.**

**Жойларда иш кашоллиги, наззора йўқ учун,  
Пасту баланд баҳона билан қайтарар тутун,  
Боғлардаги ариқ бақатўн, кўча чанг бутун,  
Шу йилги кўп кўчат қуриди, бўлди у ўтин,  
Кимлар бу ишга нозир, ким кўндаланг, деди.**

**Баъзи маҳалла кўчаси бечангу бегубор,  
Баъзи маҳалла аҳли нечук бермас зътибор,  
Бир қўшни гар сушурса, бири ахлатин тўкар,  
Озодалик табиат учун қанчалик мадор,  
Кўкка боқишдан илгари йўлга қаранг, деди.**

**Уй хўжалик мудирига бир яхши маслаҳат,  
Биздан ижара бермагу сиздан тузиш фақат,  
Ремонт талаб иморат иччи дарди қатма-қат,  
Аввал баҳорда арз ила қилсанг мурожаат,  
Қиш чилласи ариза кўрилгай аранг, деди.**

**На сўзда бир натижа, на битгай ишинг тиниқ,  
На ваъдага вафо эса, на рухсати аниқ,  
Бундай чигал муомала гўё ери ариқ,  
Шўрхок мисоли йиллар ўтиб пишмагай тариқ,  
Кимга дейишга арзини йўллар гаранг, деди.**

**1959.**

## КЕТДИ

*(Қўқон шаҳри билан Фрунзе райони ўртасидаги  
Пахтаобод йўлининг шикоят)*

Номим менинг «Пахтаобод»,  
Ким қарайди менга войдод.  
Умидларим бўлди барбод,  
Жаврайвериб дармон кетди.

Бор масофам километр,  
Езда гуппанг, қишда чуқур,  
Тепа қўрғон устимда қир,  
Мен қолдимۇ қўрғон кетди.

Бош чиқариб бир бор боқмай,  
Кўнглим учун томоқ қоқмай,  
Йўл бошлиғи менга ёқмай,  
Легковойда меҳмон кетди.

«Оқ олтин»ни ташиш учун —  
Қатнар машин кеча-ю, кун,  
Баланд-пастлик ишга тутқун  
Зўрға-зўрға карвон кетди.

Устига сут ифлос ёним,  
Ор этарман бер виждоним,  
Йўл бошлиғи қадрдоним,  
Сендан инсоф қачон кетди?

**Ахлат тўқар шаҳар ташиб,  
Кетди колхоз ҳаддан ошиб,  
Босиб ўтди раҳбар шошиб,  
Шу йўл билан район кетди.**

**Ким ачингай шундай ётсам,  
Ез чанг, қишда лойга ботсам,  
Орқасидан мен гап отсам,  
Қиммат гапим арзон кетди.**

**Колхоз дегай: «Биз қилмаймиз»,  
Район дегай: «Биз жилмаймиз»,  
Айб кимда-ю? Биз билмаймиз,  
Фармон келди, фармон кетди.**

**Қўқон шаҳри катта юртдир,  
Камчилиги бўлса бўртдир,  
«Муштум» тоға кўзим тўртдир,  
Эшитсамки, Қўқон кетди.**

## АЛИХУЖА-ХУЖААЛИ

Сарлавҳа-ю, сўз аввали,  
Иш бирла одам танбали,  
Кир кўрпа, ўтсиз сандали,  
Пешонанинг сал-пал кали,  
Шакл — ўзга, мазмун — бир, бали,  
Алихўжа — Хўжаали.

Тош сувда сарқят бўлмагай,  
Ранг бир-ла ёқут бўлмагай,  
Сутдан қатиқ бут бўлмагай,  
Аммо қатиқ сут бўлмагай,  
Мазмун дури, сўз сайқали,  
Алихўжа — Хўжаали.

Дам ўтса, ҳар иш дамланур,  
Ғамдан вужудинг намланур,  
Ҳар мунги ризқинг камланур,  
Ҳар ким ишидан фаҳмланур,  
Иш дангали, қиш дангали,  
Алихўжа — Хўжаали.

Миннатли ошнанг ошидан,  
Теккизма иллат тошидан,  
Қолма юрак бардошидан,

Уйнинг муқашшар мошидан,  
Хоҳ қанди, хоҳ мирсанжали,  
Алихўжа — Хўжаали.

Одам эмас интилмаса,  
Интилса-ю, ҳеч жилмаса,  
Инсофга ҳар ким келмаса.  
Гап билса-ю, иш билмаса,  
Тош пайкали, мош пайкали,  
Алихўжа — Хўжаали.

Уз нафсини мард ўйламас,  
Ялпиз қалинин бўйламас,  
Ҳар гапни гап деб сўйламас,  
Ёлғон газални куйламас,  
Гап муҳмали, саф муҳмали  
Алихўжа — Хўжаали.

Сурбет юзи ҳеч нам емас,  
Нам тортса ҳам у, ғам емас,  
Сўфи текиндан дам емас,  
Бир еса юздан кам емас,  
Бир лаънату юз минг бали,  
Алихўжа — Хўжаали.

Токайгача бюрократ,  
Халқдав сира қилмай уят,  
Баъзиси тулкидан сиҳат,  
Баъзиси мерчу «мирпўлат»,  
Минг танқид этсанг ҳам бали,  
Алихўжа — Хўжаали.

Яхши-ёмон тенг бўлмагай,  
Қайсар қулоқ динг бўлмагай,

Эски ямоқ енг бўлмагай,  
Тўқизта юз минг бўлмагай,  
Куф-суфу фолбин шашқали,  
Алихўжа — Хўжаали.

Одам эса гап фаҳмласин,  
Кўп фойдани сал камласин,  
Озроқ томоғин намласин,  
Инсоф ила чой дамласин,  
Чой шамали, гап шамали,  
Алихўжа — Хўжаали.

Қочгин хурофот лойидан,  
Торт қўлни теккан жойидан,  
Қўл ювма балчиқ сойидан,  
Туз тотма гўшту мойидан,  
Кир халта-ю, эски тали,  
Алихўжа — Хўжаали.

1959.

## БУГУНГИ ҲАПАЛАК

*(Махмур ва Муқимий ғазалига жавоб)*

Э зафардори замон, кавкабан авжи фалак,  
Не саодатки, муяссар ҳама орзу ва тилак,  
У кун иқболи забун зах еру бағри чакалак,  
Бу кун ободу гўзал, боғу гулистон Ҳапалак  
Суви серобу сўлим, оби ҳаётдан бу дарак.

Барн йўқлиққа сафар айлади нафс бандалари,  
Бу кун эл марду баҳодир, дилда хандалари,  
Далада меҳнатини куйлади чирмандалари,  
Кўшайиб сонн, сифатли ҳама паррандалари,  
Товуғу гоз ила ўрдак, жўжалардир лак-лак.

Чўғзи вайронаси йўқ, барча бино хуш манзар,  
Йўли асфальту чароғон, қочибон эчкиэмар,  
Чойлари пилта қайнаб оши газ бирла пишар,  
Телевизорда бутун оламу одам кўринар,  
Келадир ларзага ер халқ шимарганда билак.

Ишсиз, оч ўтса у кун, марду зан иссиқдан куйиб,  
Егай писон бу замон ёғ ила яжманни тўйиб,  
Ҳар адим соя берар бизга бу дам, меҳр қўйиб,  
Энди ким ер ажриқ идизини кўнгли суйиб,  
Палови канда эмас, йўқ ўша ёвғон сумалак.



Кўрпача тагда, қамиш бошларида бўлса у вақт,  
Боши парқуда бугун, остида юмшоқ каравот,  
Бари қишлоғу шаҳарда маданий завқи ҳаёт,  
Уйи Ильич нуридан нурга тўлаб, йўқ зулумот,  
Инига қочди кўриб бахт нурини кўршапалак.

Ҳамма уй қопида ун, супрада оқ ун хамири,  
Шу хамирдан ясалур кун ора ёглиқ патири,  
Она меҳмонга борур сочида қизнинг атири,  
Онанинг ҳурмати, қиз меҳри бу шеърим сатири,  
Ярашур бандида вазни сира бўлмай камалак.

Талаву Бешкапа, Рапқон<sup>1</sup> сув учун жанжали йўқ,  
Эски кетмону омоч бирла чувуқ замбари йўқ,  
Машина бирла экин ҳосили мўл, мужмали йўқ,  
Юриб эшакда мудом икки оёғи шали йўқ.  
Бирода «Волга», бири «Зим»да не парвойи палак.

Чиқсалар пайров учун аҳли қаламдин не ажаб,  
То бу назм етса камолига карамдин не ажаб,  
Тўлса шоядки камив. лутфи рақамдин не ажаб,  
Яна бош етса фалак сори бу дўмдин не ажаб,  
Шудир, эй Чархий, ҳаёту абадий бахт демак.

1960.

---

<sup>1</sup> Бешариқ атрофидаги қишлоқлар номи.

## **СҒМИР, СИГИРИМ!**

*(Қисқартириб олинди)*

**Шукурки, бахтим учун, қолмадинг қисир, сигирим,  
Боланг ўзинг каби ғоятда беназир, сигирим.  
Тугар чоғингда умид шу эди: тугилди қиз,  
Мен энди тарбия айлаб, қилай сигир, сигирим,  
Кўзинг кечамни қялур минг чироғ каби равшан,  
Жунинг майинлиги барқут каби ҳарир, сигирим.  
Сенинг насыбанг учун мен шаҳарга бўз қўяман,  
Хашак бозори билан уйга ғирма-ғир, сигирим,  
Агар-чи сенда забон йўқки, таржимонлик этиб,  
Қилай мен орзу баёнингни бирма-бир, сигирим.  
Бўлур хашак ила ем мўл-кўл туганмас ҳеч,  
Энди асло на хашагу на еминг камир, сигирим!**

## **БУ ДАМИНГДАН ТУШАРСАН**

**Этсанг ҳалол меҳнат, бахту зафар қучарсан,  
Боғлаб қанот ўзингга кўклар сари учарсан,  
Қўйсанг қадамни эгри, соянгдан ҳам чўчарсан,  
Мансабни пеша қилсанг, қилвир эсанг кўчарсан,  
Шишарсану пишарсан, бу дамингдан тушарсан.**

**Эл молидан ўғирлаб, туз ташлама ошингга,  
Урма ҳаром қўлингни ҳар бир грамм тошингга,  
Ишингга халқ боқар бил, боқмас сенинг ёшингга,  
Етгай ахийри бир кун, бу қилмишинг бошингга,  
Шишарсану пишарсан, бу дамингдан тушарсан.**

**Юқдирмагил маразни пок элга зиндалакдек,  
Тим-тирс баданда турма, ёрилмаган пуфакдек,  
Бўлдинг заргарга бурро фойдангга гунгалакдек,  
Токай кўпчиб юрарсан сув ҳўплаган кўсакдек,  
Шишарсану пишарсан, бу дамингдан тушарсан.**

**Кетгунча бир амаллаб очдинг, тарона туздинг,  
Кибрингга шоти боғлаб, юз минг поғона туздинг,  
Номингга ҳар томондан қасру нишона туздинг,  
Келгунча бу текинлар не-не баҳона туздинг,  
Шишарсану пишарсан, бу дамингдан тушарсан**

Инсонфли элга боққин, шуҳратда номдор у,  
Фароғатда яшайди ҳурмат-ла барқарор у,  
Инсофи йўқ ахийри, шарманда шармисор у,  
Ҳар қингир ишнинг сўнгги кулфат аро дучор у,  
Шичшарсану пишарсан, бу дамнингдан тушарсан.

Инсонда тоза виждон, номусу ор эмасму?  
Виждонсиз эл ичинда безътибор эмасму?  
Бир лаҳза роҳат истаб, йил беқарор эмасму?  
Қитмирлик этма бир кун сир ошкор эмасму?  
Шичшарсану пишарсан, бу дамнингдан тушарсан.

1962.

## МАНАЗАРНИНГ САРГУЗАШТИ

Мени сўрасангиз, биродар, азаали сатанг-сатангман,  
Илиниб қуруқ пиликка, кўп аламга кўндалангман,  
Чирган заҳарли токман, ўша эски катта зангман,  
Мендан жирканиб қочарлар, бунга кўп саранг-сарангман,  
Сиқилар юрак шунинг-чун, Маназар тажанг-тажангман.

Қарамай ичиб ароқни, бағри нил бўлибман,  
Туяман десам туялар, назаримда фил бўлибман,  
Катта бир жиноят ишга, кайф ила кафил бўлибман,  
Қўшилиб ёмонга, аттанг, нега мунча шил бўлибман  
Элтиб бу майпарастлик, фалажу гаранг-гарангман.

Кишилар сира ишонмас эшитиб туриб сўзимга,  
Тикилиб кўзим бисоту, икки қўй ила кўзимга,  
Барни ичиб совурдим қарамай баҳор, кузимга,  
Майи қургур ишва қилди, йўлиқиб ҳамон кўзимга,  
Нафас ила нафс икковин бирикиб, наҳанг-наҳангман.

Ҳали унда-бунда қолиб, тўшагим сомон бўлибди,  
Кўзим очсам уй эмас, у чакалак макон бўлибди,  
Хотинимга бир кишидан хабари аён бўлибди,  
Эшитиб онам кетидан ҳамма бағри қон бўлибди,  
Менга берма ҳаргиз озор, дедилар онанг-онангман.

Неча дустларим данеси юрагимга таъсир этди,  
Қўпориб ёмон ярамни, таги томирин қуритди,  
Уша жирканч эски одат бариси йўқолди-кетди,  
Жуда қаттиқ аҳд қилдим кучим ўз-ўзимга етди,  
Уша нчмаганча нчмай тувалган аканг-акангман.

## БЕШИГИНГДА ЁТМАЙМАН

*(Бола тилидан)*

— Бас, она, бешикда ётиб  
Соғлигим йўқотмайман.  
Тоза танга юз хил дард  
Юқмасин, йўлатмайман,  
Боғласанг оёқ-қўлни,  
Тўғрилаб узатмайман,  
Созла менга сим каравот,  
Бешигингда ётмайман!

Чинқириб фиғон қилсам,  
Эшитади қўшни, гузар,  
Тош бўлиб ботар менга  
Қовузим танимми эзар,  
Соф ҳаво олиб яйрай,  
Дим бешик юракни эзар,  
Созла менга сим каравот,  
Бешигингда ётмайман!

Сассиғу қана, бурга  
Бўлди менга кўп озор,  
Айланиб яра-чақага,  
Қилди у мени бемор;  
Йиғласам агар кечалар,  
Сен ҳам ухламай бедор,

Созла менга сим каравот,  
Бешигингда ётмайман!

Ингласам овутмайдир,  
Укки пат билан мунчоқ,  
Митти қўлларим, онажон,  
Бўгмасин у кир қўлбоғ,  
Устириб мени эркин,  
Янгича, тузуккина боқ,  
Созла менга сим каравот,  
Бешигингда ётмайман!

Яслага узат кундуз,  
Барқ уриб, кулиб ўйнай,  
Раиғ-бараиғ ўйинчоққа  
Телмурай, тўйиб ўйнай,  
Кечқурун қучоғингда  
Эркалаб, тўлиб ўйнай,  
Созла менга сим каравот,  
Бешигингда ётмайман!

Қорним оғриси, менга  
Кинна бермагай ёрдам,  
Кўз туморни ёқ, ташла,  
Эскиликка бер бардам,  
Ол врачнинг маслаҳатин,  
Мен ўсай тузук, бардам,  
Созла менга сим каравот,  
Бешигингда ётмайман!

1951.



## **МУОМАЛАНГНИ ЮВОШ ҚИЛ**

*(Баъзи шаҳар телефон станцияларига қарата)*

**«Алло»га маҳталу гар сўзласанг жаранг телефон,  
Киройи бўлсаки, ҳеч ўлмаса сазанг телефон,  
Бу ерда ундай эмас, ганга кўндаланг телефон,  
Узиб, бировга улаб, ишлагай аранг телефон,  
Муҳим сўзингни тугатмай, қилар гаранг телефон.**

**Бу ерда ишловчилар ҳамма хуш калом бўлса,  
Келишга безмаса кўплар, келишга ром бўлса,  
Узоқнинг ҳеч иши пишмас, уловчи хом бўлса,  
Кутишда бир неча соат кунинг ҳаром бўлса,  
Жавоби шугина: «йўл банд», қилиб таранг, телефон.**

**Фалони фабрикани бер, десанг, чиқар мактаб,  
Қоқилса мактаб учун сим, биров уйда газаб,  
Бу хилда кўп адашишлар ҳамиша қўзғар асаб,  
Десанг, фалонга уланг тез, тезни сўз ила ясаб,  
Уловчи инжиқ ойим ё мудом тажапг, телефон.**

**Шамол кунда узилса ўтар ою йиллар,  
Тузалса иш битару мушқул анча енгиллар,  
Кишига завқ берар, у қачонки жирингллар...  
У ерда ишлагувчи, э қадрли сингиллар,  
Муомалангни ювош қил, эмас даданг телефон.**

1949.

## **ҚОРГА ҲАЗИЛ-МУТОИИБА**

**Еққанниг бас. Тўхтасанг-чи қор!.. Қор!..  
Бўлди сендан ҳамма «миннатдор» қор!..**

**Утса ҳам март хислатингдан ўргилай,  
Дилни тангу йўлни қилдинг тор, қор!**

**Тунда ухлаб, кундузи уйғоқ десак,  
Мижжа қоқмай, туну кун бедор, қор.**

**Келди кўклам деб қувонсак гул сепиб,  
Майса унган боғ билан гулзор, қор.**

**Борми нисофинг ёғиб қишда бутун,  
Элни этма бунчалик безор, қор.**

**Кетди қор деб, аста уйғонган дарахт,  
Боз совуқиниң захридан бемор, қор.**

**Кўкдан элик йилги қўринг ташладинг,  
Уйладингки, сенга биз омбор, қор?**

**Энди тўхтар, энди ёғмас, ўйласак,  
Мунча беорсан, яна такрор, қор.**

Меъдага тегдинг-ку, ҳаддингдан ошиб,  
Қўй ваҳшани, эй совуқ рухсор, қор.

Кеча томларни кураб хурсанд эдик,  
Эрталаб турсак, ёғиб тайёр қор.

Чиқса офтоб, йўл бўлув чанг ёки лой,  
Эртасига кўчамиз анҳор, қор.

Энди печкани йиғиштирган эдик,  
Қайта қурдик! Сен ёғиб беор қор.

Орқага судралмасдан дехқончилк.  
Қилмагин боғбон ишин душвор, қор!

Келди наврўв эғнимда гуппи тўв,  
Калламин кўкламда телпақдор, қор.

Печка атрофида Чархий чарх уриб,  
Езди сенга бир қулоч ашъор, қор.

1969.

## ЭЗМА ҲАҚИДА

Биров бор: маънисиз гапни сотиб,  
Чиқади гапни ҳовлидан чуватиб,  
Сўзласанг сен, сенинг сўзинг тузатиб,  
Мақтанар сени уйгача узатиб.  
У кишидан жадал юзингни ўгур,  
Яхшиси у билан узр-маъзур...

Шунга ўшар таомнинг бетузи ҳам,  
Бетуз овқатга ўхшагай ўзи ҳам,  
Юз қоқинсин, очилмагай кўзи ҳам,  
Менга ёлгон туюлди рост сўзи ҳам.  
Айниятар кўнглингизни, ош эса шўр,  
Яхшиси у билан узр-маъзур...

Завқ берар донатор, саноқли гап,  
Бўгадир ранг-баранг, бўёқли гап,  
Минг тугун, юз ямоқ, қуроқли гап,  
Маънисиз, баъзи тумтароқли гап.  
Ҳаммаси сафсата, дегувчиси гўр,  
Яхшиси у билан узр-маъзур.

Мутаккаббир, сўзида йўқ пакка,  
Сўз думининг узунлиги: ҳакка  
Юз кишига у кор келар якка,

Ураб олгандай сўзни галтакка,  
Гапни бошлаб қўйиб, кейин уни кўр,  
Яхшиси у билан узр-маъзур...

Кимки бўлса шу хилда мақтанчоқ,  
Юрма тенг, очма сўзу берма қулоқ,  
Бурдсизнинг юриш-туришига боқ,  
Сени бир кун қизартирар бу шалоқ,  
Йиқитар у, сенга қазар-да чуқур.  
Яхшиси у билан узр-маъзур.

1955.

## **УПКАНГНИ БОС!**

**Ешлик агар-чи пок гурур  
Жўш урса дарёдек тошар.  
Аmmo одобдан тортса бош,  
Ҳурмат кетиб нафрат ошар.  
Ешликдан, ўғлим, илтимос,  
Упкангни бос, ўпкангни бос!**

**Лиққа ютибсаъ юз грамм,  
Ким учраса бўлма кана,  
Қирчанги аттор отидек,  
Тишлаб туриб тепма яна!  
Шармандаликка шу асос,  
Упкангни бос, ўпкангни бос!**

**Ҳурмат, саломнинг қўймагни.  
Хоҳи таниш, хоҳ бетаниш,  
Бордону бўйра бўлгуси,  
Бош чекса саҳрода қамиш.  
Шу маънидан айлаб қиёс,  
Упкангни бос, ўпкангни бос.**

**Бемаъни ошиқликни қўй,  
Ҳар бир ҳаваснинг жойи бор.**

Улфат ёмон, кулфат ёмон,  
Ёлгоннинг охир войи бор...  
Боғ сайри, пишганда гилос,  
Упкангни бос, ўпкангни бос!

Бефарқ эмасман деб тараб,  
Фарқ очса сочдан, зеб эмас,  
Доим ипакдек эшилб,  
Юрмак йнгитга эб эмас.  
Тор поча-ю, гулдор либос,  
Упкангни бос, ўпкангни бос!

Хом ваъда пуч ёнгоқ каби,  
Бўл мағзи тўлган пистадек.  
Мардман десаиғ чин ваъдани —  
Чўзма темирчи устадек.  
Уз феълинг ўзингга қасос,  
Упкангни бос, ўпкангни бос!.

Ишдан келиб уйни супир,  
Кеккайсанг энкаймоқ осон,  
«Хогин, пишир-куйдир» билан;  
Токай уй ичра сен товон?  
Кибрингни маҳкам шипга ос,  
Упкангни бос, ўпкангни бос!

Оддий кийинган кимса деб,  
Боқма пичингомус сира.  
Сендан улугроқ балки у,  
Бўлма хижолатдан хира.  
Устингда гар кимхобу тос,  
Упкангни бос, ўпкангни бос.

**Бу билганим, айтганларим,  
Фарзандим аввал сенга хос,  
Этсанг бу пандимга амал  
Мен ҳам бу жаврашдан халос,  
Сен ҳам бир инсон ўғлисан  
Упкани бос, ўпкани бос!..**





## РУБОИЙЛАР

\* \* \*

Шакардан шахд тузмак истасанг лафви шакардан бўл,  
Иши шойиста, доим ваъдаси чин мухтасардан бўл,  
Ҳаёдан хилъати зебо кийиб хулқингга оро бер,  
Либоси зарварақ бу ҳусн эмас, мис бўлма, зардан бўл.

\* \* \*

Яхши сўзни эшит, амал айла,  
Абадий ҳурматинг нишонаси шу.  
Гар ушоқ нонни ҳам азиз тутсанг —  
Шукри неъмат баланд поғонаси шу.

\* \* \*

Ким чучук тил ширин муомала у,  
Халқ таҳсинига сазовордир,  
Сифати соз мато қасрда ғоша,  
Йону дилдан ҳамма харидордир.

\*\*\*

Яхши инсон сафида бўлмоқ учун,  
Яхши бўл, яхшироқ, баҳони қидир,  
Иллатниг бўлса гар фасод йиғилиб,  
Дард кучаймай туриб давони қидир.

\*\*\*

Катталик шул эрурки, дард қолган  
Кишиларга мадад қўлин чўзса,  
Айб эрур баъзи бибисоатлар,  
Хуш бисоатга ҳам пулин чўзса.

\*\*\*

Чин сўздан ўжар ҳамон тонармиш,  
Елғонни ажабки, чин санармиш.  
Юз минг қалов остидан қўйингким,  
Тентак ўти тепадан ёнармиш.

\*\*\*

Ҳосид ҳасади-ла бахт тузалмас,  
Минг макри-ла бахт уйин бузалмас.  
Тиг ваҳминчи тортса, тэн тузалгай,  
Тилдан яраланса дил тузалмас.

\*\*\*

Дўст бўлса киши, дардинга малҳам бўлса,  
Ҳоҳ шоҳу алам чоғида ҳамдам бўлса.  
Бибода эмас суҳбати аҳбоб аммо  
Юз-юзга тушар бўлса-ю. кам-кам бўлса,

\* \* \*

Қиз бўлса, ўғил бўлса, чин инсон бўлса,  
Инсон сифати унда намоён бўлса,  
Ноқобил ўғил-қиз аламини тортгунча, майли  
Кўнгилда юз армон — пушаймон бўлса.

\* \* \*

Юз шукр улуг даврада шодон бизлар,  
Ҳамхона аҳил барча қадрдон бизлар,  
Тинч умр, ширин ўй-ю кўнгиللар хушнуд.  
Онна кўнгил қалби гулистон бизлар.

\* \* \*

Бир бурда эдинг кўзимга бултур,  
Бу йил қарасам баҳона юз тур,  
Не ваъдаки айладинг вафодан,  
Лутфу карамингни кўрсатиб тур.

\* \* \*

Богбон савати узумда кетди,  
Йўқ-йўқ бу узум ўзимда кетди.  
Гавҳарга алишма ушбу дамни,  
Дам ўтса агар у зумда кетди.

\* \* \*

Фарзанд эсангиз, пандима иқрор айланг,  
Ешликда билим маърифатин ёр айланг.  
Илму адабу шарм бу инсон ҳусни,  
Бу ҳусн ила сиз ўзни номудор айланг.

\* \* \*

Бир чўп ўтини йўқ билди хас қадри,  
Нодон негаким дўстнинг билмас қадри.  
Сиз бўзчи дебон таъна ўқин ҳеч отманг,  
Бўз бўлмаса ким билгуси атлас қадри.

\* \* \*

Илнима, нафс жиловни бурма ҳар кўзу қошга,  
Кўнгилнинг ойнасин токи урмагин тошга.  
Тилнинг тебрата бер яхшилик сари, лекин  
Емонга тил югуриб бир мунг етар бошга.

\* \* \*

Ким ўзин билса, бировларга дум бўлай демагай,  
Балойи нафс кучайиб тезда гум бўлай демагай.  
Ток экса ерига деҳқон умид билан, токи  
Узум бўлгай дегай, аммо ўзим бўлай демагай.



## ТУЮҚЛАР

\* \* \*

Юз ваъдани қўй, ишингни қил юз,  
Юз бўлмас экан план — қани юз?  
Дарёда юзишни ўйлаб-ўйлаб,  
Бир иш қилу пухта сўнгра сен юз.

\* \* \*

Ошдек сира дам емай сузилма,  
Беҳудага қош кериб сузилма.  
Гийбатга оғизни очма зинҳор,  
Ҳар ерда фасод ила сўз илма.

\* \* \*

Бўз ерни демаймиз энди бу — бўз,  
Бағри тўла қон қовуну тарбўз.  
Бўзу алача кийимни кийган,  
Атласга ўралди, йўқ бўлиб бўз.

\* \* \*

Гар ишламаса жигардаги ўт,  
Ортиқча смакни баҳридан ўт.  
Кўрдингми? Вужудини қуритгай,  
Гулларга ўралса зарпечак ўт.

\* \* \*

Инсонда ҳусн эмас адаб соз,  
Хулқин биридан бири эса соз.  
Созандан созидек қилиб жўр,  
Ер меҳрига меҳринг айлагин соз.

## МУНДАРИЖА

Дебеча . . . . .	5
Ғазаллар . . . . .	9
Мустааод . . . . .	84
Мураббалар . . . . .	88
Мухаммаслар . . . . .	97
Мусаддаслар . . . . .	143
Маснавийлар . . . . .	156
Ҳажвиёт . . . . .	163
Рубойилар . . . . .	209
Туюқлар . . . . .	213

*На узбекском языке*

ЧАРХИ

## ДЕВОН

Редактор *Муҳаммад Али*

Рассом *Ж. Умарбеков*

Расмлар редактори *Г. Фролов*

Тех. редактор *В. Барсукова*

Корректор *Ш. Собирова*

Босмахонага берилди 29/IV—1971 й. Босишга рухсат  
этилди. 20/XII—1971 й. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма  
л. 6,75. Шартли босма л. 9,45. Нашр. л. 5,5. Тиражи  
35 000; Р18838. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва  
санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шарт-  
нома № 109—70.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат  
комитетининг Тошкент Полиграфкомбинатида 1-ҳароziнга  
босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30, 1972 йил. За-  
каз № 1037, Баҳоси 78 т.